

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi



Расул Ҳамзатов

БИР ХОНАДОН ФАРЗАНДЛАРИ

Шеърлар
Сақкизликлар
Тўртликлар
Битиклар
Тоғ элегиялари
Достондан парчалар



ТОШКЕНТ — 1982

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

С(Дар)
Г 18

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

С. О. Азимов, Б. Бойқобилов, И. Гафуров, Ҳ. Гулом,
З. И. Есенбоев, В. Й. Зоҳидов, Зулфия, М. Қўшжонов,
Мирмуҳсин, Н. Сафаров, Р. А. Сафаров, Р. Файзий,
П. Шермуҳамедов, О. Ёқубов, К. Яшин (редколлегия
раҳбари).

Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи
филология фанлари доктори *Нуриддин Шукуров*

Г $\frac{70403-224}{М 352 (04) = 82}$ 116-81 4702040000

ДОҒИСТОН ЛОЧИНИНИНГ ПАРВОЗИ

Лочин тоғнинг баланд қояларида уя қуради. У ўзига ва болаларига бир жиҳатдан меҳрибон, бир жиҳатдан шафқатсиз ва қаттиққўл. Болаларини то темир қанот бўлгунча қаноти остида ардоқлаб ўстиради. Вақти соати келганидан сўнг эса уларни баланд чўққидан ташлаб юбориб, учишга ўргатади. Лочинлар парвозини зийраклик билан кузатиб туради. Қанот қоқишдан толиққудек бўлса, ўқдек учиб бориб яна тумшугига илиб олади ва қояга олиб чиқиб кетади.

Авар адабиётининг классиги Ҳамзат Цадаса 1923 йилда туғилган ўғли Расулни ёшлигиданоқ ана шундай мардликка, мустақил ва юксак парвозга ўргатди. Она алласи билан Расул қалбига поклик, мардлик туйғулари, юксак тоғлар меҳри, халққа садоқат, адабиётга муҳаббат ҳислари кирди, болалигиданоқ юксак қояларга, лочин парвозига ҳавас уйғонди. У ўн уч-ўн тўрт ёшларида шеър тўқий бошлади. Ун олти ёшида ўзини шоир деб билди. Ун саккиз ёшида Бўйноқда педагогика билим юртини битиргач аввал ўқитувчи, сўнг актёр, мухбир сифатида актив фаолиятини бошлади. Йигирма ёшга кирганида (1943 йилда) Доғистон нашриёти унинг биринчи тўпламини босиб чиқарди. Йигирма бир ёшида Коммунистик партия сафига аъзо бўлиб кирди.

1945 йил герман фашизми устидан қозонилган ғалаба унинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат, руҳига руҳ қўшди ва ўша йили у Москвага келиб, М. Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга кирди. Пушкин ва Лермонтов, Блок ва Есенин шеърлигининг сирли олами билан чуқур таниша бошляди, С. Маршак ва А. Твардовскийлар билан дўстлашди.

Жаҳон адабиётининг классик намуналаридаги маҳорат сирларини ўрганиш ва уни миллий адабиёт, фольклор анъаналари билан қўшиш натижасида янгича жарангдор соз, янгроқ овоз билан куйлай бошлади.

Авар ва рус тилида «Тоғ қўшиғи», «Менинг қалбим тоғларда», «Тоғликнинг ватани», «Тоғ қизи» қаби китоблари бирин-кетин босилиб чиқа бошлади. Улар кенг китобхонлар оммасининг диққат-эътиборини ўзига тортди. «Туғилган куним» китоби 1952 йилда СССР Давлат мукофотига, «Юксак юлдузлар» тўплами 1963 йилда Ленин мукофотига сазовор бўлди.

Хуллас, Доғистон дараларида учиб-қўниш билан бошланган парвоз улуғ Советлар мамлакатининг бепоён территориясини тезда қамраб олди, тобора юксаклашиб борди, барча халқларни шеърят олами юксакликларига чорлай бошлади.

Бунинг сирини нимада? Гап шундаки, Расул Ҳамзатов асарлари қандайдир ўз шахси, ҳатто ўз миллати манфаатлари билан чекланган туйғулар ва фикрлар ифодасигина эмас, балки XX аср кучларининг олдинги сафларида турган прогрессив инсоният қалбининг акс садосидир. Замондошларимизнинг эзгулик ва бадбинлик, адолат ва зулм, маърифат ва жаҳолат, муҳаббат ва нафрат ҳақидаги ўйлари, тушунчалари Расул Ҳамзатов шеърларида ўзига хос миллий оҳанг, тиниқ бўёқларда ифодаланган. Дунё миқёсидаги воқеа-ҳодисаларни ўзининг қалб мулкига айлантириб, чуқур идрок этиб, бадиий ифодалаш орқали унинг асарлари умумбашарий аҳамият касб этди.

Расул Ҳамзатовнинг аввалги энг сеvimли шеърӣ формалари тўртликлар ва саккизликлар эди. Шоирнинг тўртликлари ва саккизликлари «Овулдан хат» номи билан алоҳида тўплам бўлиб чиқди. Ана шу кичик поэтик формаларда давримизнинг катта ғоялари ифодаланганлиги учун ҳам улар доvруқ таратди, шоирга шон-шуҳрат келтирди.

Ана шундай саккизликлардан бирида қуйидаги қисса баён этилади: бир ўғил, кўзлари ногирон онасини етаклаб кўп йиллар юрибди, охир-оқибатда у азиз она кўзларини очиш давосини топишга муяссар бўлибди, она ёруғ дунёни кўрибди, кўзи очилибди. Шоир ана шу қиссани баён этганидан сўнг хитоб қилади:

Қўлингни бер, Ногирон Ер — онажон,
Мен билан юр, очилажак кўзларинг!

Ҳа, дунёнинг кўп мамлакатлари ва халқлари ҳали ҳақиқий эрк, ҳақиқий тараққиёт йўллари тополмай овора, ногиронлардай йўл излаб сурунмоқдалар. Ҳақиқий эрк, тараққиёт йўлидан бораётган совет мамлакатининг граждани Расул Ҳамзатов ана шу ҳақиқатни чуқур ҳис этгани учун ҳам юқоридагидек хитоб билан мурожаат қилар экан, унда катта маъно бор.

Шоир даврининг катта проблемаларини, масалан, тинчлик учун кураш муқаддаслиги ҳақидаги гоёни саккиз мисра шеърда Кавказ халқларининг ёрқин миллий анъаналари билан боғлиқ ҳолда ифодалайди.

Расул Ҳамзатовнинг «Дружба народов» журналида (1972 йил, 5-сонда) босилган сонетлари редакциянинг энг яхши поэтик асарлари учун таъсис этилган мукофотни олди. Бу факт шоирнинг яна бир янги поэтик формада ижодий муваффақият қозонганлигига далил бўлди.

Бу сонетлар ўн тўрт мисрадан иборатлиги, мазмунининг лириклиги, фалсафийлиги билан анъанавий сонетларга ўхшайди. Бироқ, улар — қофиясиз. Бу жиҳатдан Расул Ҳамзатов авар шеърини поэтикасига содиқ қолади. Чунки авар шеърини мисралар охирида келувчи қофиялар бўлмайди. Оҳангдошликни, ритмни мисралардаги бўғинлар миқдори, ундошлар такрори, туроқлар таъминлайди. Бу асарлар рус тилига таржима қилинганда эса сонетнинг бандланиш системасидаги асл назарий қоидаларга амал қилинган ва сонетга хос қофиядошлик сақланган. Расул Ҳамзатов бунинг табиий бир ҳол эканлигини асослаб ёзади: «Авар шеърини учун аллитерация (товушлар такрори — Н. Ш.), туроқ, традицион вазнлар табиий бўлганидек, рус шеъри учун қофия ҳам шундай табиийдир. Таржимада бир тилга хос бўлган формаларни бошқа тилга сунъий кўчириш, бу тил қоидалари ва поэтикасини бузиш мумкин эмас. Мен ўз тажрибамдан аниқ биламанки, бундай ҳаракат яхши самара бермайди. Пушкиннинг «Евгений Онегин» асарини оригиналдагидай қофиялаш системаси билан таржима қилиш йўлидаги уринишлар бизда бўлган эди. Авар тилида онегинча бандлар кўзга кўринди-ю, бироқ Пушкин кўринмади.

Лермонтов асарларини рус шеърляти қонунлари асосида таржима қилганда ҳам шундай бўлган эди. Шунинг учун тоғликлар таржимонга «Бизни Лермонтовдан Мартинов эмас, балки сен айирдинг» дейишди.

Хуллас, Расул Ҳамзатовнинг авар тилидаги сонетлари ўз халқининг диди, поэтикасига мослиги билан ажралиб туради. Аслини олганда, гап поэтик жанрнинг айрим формал белгиларида эмас, балки моҳиятида, мазмунида ва шунга мос яхлит шаклидадир. Ана шунга жиҳатдан қараганда, Расул Ҳамзатов қадимий анъанавий шаклни замонавийлик даражасига кўтаргани ва янгилаганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Мен бу сонетларни ўқиб, мазмунини чақар эканман, Расул Ҳамзатовнинг ижод уфқи ғоят кенглиги, шеърларининг оҳанг ва бўёқлари ранг-баранглигига яна бир марта имон келтирдим.

Расул Ҳамзатовнинг «Тоғ қизи» поэмаси «Доғистоним» мемуар қиссаси билан бирга бепоён мамлакатимиз бўйлаб парвоз қилди.

«Тоғ қизи»да тасвирланишича, туғилиши биланоқ Усмонга бешикетди қилиб қўйилган Асият ўнинчи синфни битириб, бўйга етгач, ҳар қандай дўқпўписаларга қарамай эскиликка қарши исён кўтаради. Бу эркинлик ва мустақилликни шоир ғоят юксак романтик кўтаринкилик билан тасвирлайди. Асият рус тили ўқитувчиси Вера Васильевна ёрдамида шаҳарга жўнайди, ўқишга киради. Муҳаббатнинг роҳатли ва азобли дамларини бошдан кечиради. Аммо «обрўйи топталган» Усмон Асиятни излаб топади, унинг ёқасини йиртиб, юзига пичоқ уради. «Бу аҳволда энди сенга ким қарайди?!» дея алам ва ғазаб билан қичқиради. Асиятнинг ҳақиқий ошиғи — Юсуф (илгари чўпон, кейин студент) ҳамда бошқа дўстлари унга ёрдам қўлларини чўзадилар. Асият даволанади ва соғайиб, дўстлари даврасига қайтади. Поэма Асият ва Юсуф муҳаббатининг ғалабаси билан яқунланади.

Бундай сюжет, умуман олганда, бир қанча асарлар учун анъанавий. Аммо шоир эскилик сарқитларини аёвсиз фош қилиб, дўстлик ғояларини улуғлаб, поэмага яхши урф-одатларнинг поэтиклаштирилган тасвирини сингдириб, публицистик ва романтик жўшқинлик билан йўғиради. Натижада асарнинг ўзига хос оригинал, эҳтиросли ва юксак бадиий бўлиб чиқишига эришади. «Менинг қалбим тоғлар

да», «Зарема», «Доғистон юлдузлари» каби поэмаларида ҳам материал, образлар миллий воқеликдан олинган. «Хиросима қўнғироқлари», «Аёл қўлларини ўпаман» поэмалари барча халқлар ушун аҳамиятли бўлган юксак темаларда ёзилган. Бироқ мавзу ва материал қайси воқеликдан, қандай меридиандан танланмасин, барибир Расул Ҳамзатов уларни энг пок ахлоқий принциплар, юксак инсонпарварлик ва халқпарварлик нуқтаи назаридан таҳлил қилади, умумбашарий ғояларни асар маъзига сингдириб юборади. Бу — Расул Ҳамзатов шеърларининг, поэмаларининг ҳам баланд парвозини таъминлайди.

Шоир ҳамиша душманликка дўстликни, хиёнатга садоқатни, ялқовликка меҳнатсеварликни, лоқайдликка жонкуярликни, манманликка камтаринликни, гумонга ишончли, пасткашликка олижанобликни, қаллобликка тўғрилиқни, писмиқликка очиққўнғилликни, қўрқоқликка баҳодирликни, шахсиятпарастликка коллективизмни, бадбинликка ҳаётсеварликни қарама-қарши қўйиб тасвирлайди. Бу ҳаётий диалектика Расул Ҳамзатов поэзиясининг ҳам ўзига хос диалектикасини ва курашчанлигини таъминлайди. Унинг шеърляти миллий чегараларни ёриб чиқиб, умумбашарий аҳамият касб этишининг сири ана шунда.

Расул Ҳамзатов шеърларининг алоҳида оҳанрабога эга бўлиб чиқишида мавзулар, материаллар, образларнинг, пафоснинг ранг-баранглиги билан бирга поэтик шакллар ва усулларнинг ранг-баранглиги ҳам алоҳида роль ўйнайди.

Шоирнинг ижтимоий-публицистик, интим, воқеабанд, ҳажвий шеърлари алоҳида-алоҳида китобларни ташкил этиши мумкин. Шунингдек, тўртликлари, саккизликлари ва сонетлари ҳам. Ҳатто эпиграммалари, эсдалик ёзувлари шаклидаги шеърлари ҳам. Унинг китобларида «Дарвозалар ва эшиклардаги битиклар», «Қабр тошларидаги битиклар», «Соатлардаги битиклар», «Ханжарлардаги битиклар», «Йўлак тошларидаги битиклар», «Кубачин олтин буюмларидаги битиклар», «Бешиклардаги битиклар», «Қоялардаги битиклар», «Китоблардаги битиклар» каби бўлимлар бор. Бу битиклар баъзан меҳр-муҳаббат, баъзан юмор, баъзан киноя-кесатиқ билан, баъзан катта фалсафий мазмун билан йўғрилган бўлиб, ўз оригиналлиги билан эътиборни тортади.

Хуллас, Расул Ҳамзатов шеърляти ўзининг кат-

та ҳаётий мазмуни, ранг-баранг мавзулари, образлари, шакллари билан барча халқларнинг маънавий бойлигига айланиб қолди.

Доғистон дочкини ҳозир айна қанотлари кучга тўлган пайти. Унинг парвози янада дадил, янада юксак бўлишини тилаймиз.

НУРИДДИН ШУКУРОВ
профессор



ВАТАН ҲАҚИДА

1

Тушуна олмасдим, тушундим букун —
Керак эмас менга ҳеч бир таржимон —
Қушлар кузда учиб кетаркан, нечун
Йиғлар улар аччиқ,
Куйлагай нолон.

Мен аввал ўйлардим: бесабаб алам —
Чекар чангга ботиб барглар куз маҳал.
Она шохин ўйлаб чекар улар ғам —
Мен энди англадим,
Билмовдим аввал.

Билмасдим ва лекин оппоқ бўлиб бош,
Йиллар ўтиб, мана, тушундим алҳол,
Не учун чўққидан кўчган кичик тош
Бунча бўзлаб йиғлар
Тириклар мисол.

Сени ўз туғилган юртингдан йироқ —
Йўллар ёхуд тақдир олиб кетган дам
Ватан севинчи ҳам, англадим, фироқ,
Аччиқ қўшиғи ҳам,
Нурсиз ишқи ҳам...

2

Қўнғироғинг солса доврўқ,
Шарафлайман номинг ҳам.

Иўқ севимли оир оҳанг.

Тинса менинг қўшиғим гар
Кечасими ё тонгда —
Демак, мени ўлди денглар,
Иўқман ёруғ жаҳонда.

Бургут мисол учдим кўклам
Кўзлаб овул — томингни.
Қанот қилиб олган елкам
Сенинг қутлуғ номингни.

Синса ногоҳ қанот бир кеч
Қора ёвуз бўрондан —
Мени тирик излама ҳеч
Унда ёруғ жаҳондан.

Ханжарингман. Жангда доим —
Мен исёнкор, кўп қайсар.
Шонинг учун мен фидойи,
Қора кунлар келса гар.

Жангчиларнинг сафида мен
Турмасам гар бахтсиз он —
Демак, тирик топмассан сен,
Иўқдир мендан ном-нишон.

Ёт ерлардан ўтмоқдаман,
Чалинади ёт лаҳжа,
Мен бесабр кутмоқдаман
Дийдор пайтин ҳар лаҳза.

Гар сочмаса кўзинг шодлик
Бизлар учрашган онда —
Юролмасман, демак, тирик
Энди ёруғ жаҳонда.

Нени куйлар вагонлар ғилдираги,
Қушларнинг чуғури,
Қайинлар барги?
Ватан ҳақда куйлар, танҳо ватанни.

Кўкдан учиб ўтаётган
Булутларда не ўкинч?
Кетаётган кемаларда қай соғинч?
Ватан ўкинчидир, ватан соғинчи.

Аччиқ кунлар, ғусса ва зордан
Ким асрар бизни?
Ким қутқарар? Ким берар ёрдам?
Биргина ватандир. Биргина ватан...

Омад чопган пайтда биз,
Тантанали қайдда биз,
Не ҳақда ўйлаймиз, нени айтамыз?
Ватан ҳақида сўз, сен ҳақда, Ватан.

Бахтингни, қайғунгни ким кўрса баҳам —
Юлдуз бўлиб порлайсан
Унга тунда ҳам,
О, Ватан!..

* * *

Мен йиғладим уч бор дунёда,
Ҳеч қачон бош эгмадим аммо,
Тоғ чўққиси чўмиб зиёга
Бўлди менинг кўз ёшимга жо.

Овулдаги нуроний тоғда
Боболарнинг удумин қилиб,
Шоир отам деган бир чоғда:
— Сен улғайдинг ҳисни пок билиб!

Яраландим уч бора беҳол,
Қақшаб оқди ундан ер дарди,
Қизил бута гуллари мисол
Юрагимдан томчи томарди.

Туман аро сас келди аммо:
— Бил: тузалар — шунақа қонун —
Ғолибларнинг дарди доимо
Енгилганлар дардидан бурун.

Шеърлар ичра менга энг азиз
Юрт ҳақида уч қўшиғим бор,
Менинг учун унинг эркисиз
Ҳатто бир кун яшамоқ душвор.

Умид билан этдим илтижо
Юлдузлардан, тонглардан уни.
Шундай чоғда келди бир нидо:
— Муқаддас деб билдинг севгини!

Уч мартаба тобланган аср
Босқинида мен тиз чўкканман.
Аскарликда энгашиб ахир,
Алвон байроқ бурчин ўпганман.

Утмишда ҳам урчиган шарпа,
Панжарага айланган қат-қат,
Лек сас келди:

— Тиз чўк, ҳар дафъа
Эзгу ният олдида фақат!

ДОҒИСТОНГА

Завқ билан номингни бўғинга бўлиб,
Нафас чиқардим: «Доғ»,

сўнг эса: «Истон».

Сўқмоғингга теккан узанги бўлиб
Қучаман тоғларинг ўтин, Доғистон,

Тиғ билан учрашар ватанда зиё,
Билмадим, — ким сенга ишончли ноиб, —
Кўпроқ Ҳиндистонми, бошқа юртми ё,
Мафтункор Парижми ва ёки Гуниб?

Сен менга борингни этасан тақдим,
Сойни ҳам, қоплондай елкангда боқиб.
Ишқни чақиримлаб ўлчамас ҳеч ким,
Туғилдик баримиз жўзда кин балқиб.

Кандакор буюқдир пайғамбар янглиғ,
Ахир у исмингни ҳар кун хотиржам
Ўйиб ёзди бешик, шамширга аниқ
Ва менинг исёнкор юрагимга ҳам.

Оқсоч осмон қадар юксалган ўлка,
Мен сенинг тақдириг ўйлайман кўпроқ,
Сени ўзим шундай кўтариб кўкка,
Унутиб қўяман ўзимни бироқ.

Мени ғордек гувлаб чорлагил доим,
Отга мўлжалланган ҳуштакка айлан,
Ишқдан қутилмаган худди ҳур ноиб,
Олдингда тиз чўкиб туришга шайман.

* * *

Илк мўъжиза тоғ деб биламан,
Юксак тоғдан насибдир меърож.
Қуруқ сўзлаш этилгандир ман,
Мен уларнинг вакили — тилмоч.

Ва иккинчи мўъжиза — Каспий,
У ҳар қандай ғазнанинг ҳусни.
Шошиб чиққан сўзга ҳам нисбий
Теранлигин жойласам унинг.

Мўъжизанинг учинчиси бул:
Дарё ва сой, ўрмон, дала-туз,
Тоғолчадан кайф таратган гул,
Тонг шафағи, тундаги юлдуз.

Ҳар минг йиллик даври — тасалсул —
Мўъжизалар соҳиби ёлғиз.

КАСПИЙ

Каспий, қирқ лаҳжали Доғистон элин,
Айт-чи, қай тилида

этасан хониш?

Ғалати бир овоз чиқарар тилинг,
Уни англаб бўлмас, ҳолбуки таниш.

Эслатар: эслайман қулоғим тўлиб,
Бозорда эшитган говурни шу дам,
Тоғ халқларин битта тилидек бўлиб,
Унда жаранглайди жами қирқ тил ҳам.

Сенинг сўзларингни тинглайман келиб,
Инсоний одатинг оламан билиб.
Ногоҳ чайқаласан зўрға, бемажол,
Гоҳо шивирлайсан майсадек бўлиб,
Баъзан чуғурлайсан гала қуш мисол.

Баъзан ув тортасан ўғли ёш кетган,
Бор умидин кўмган отадек ногоҳ.
Омадли келини масхара этган
Бемор донишманддек жим турасан гоҳ.

Менимча, қалбимнинг ўхшашлиги бор.
Мана шу денгизни эслатар, ахир:
Шодон пайтида у куйлар жарангдор,
Шалоплаб тўлганар сам босса оғир.

Мен бу ўхшашликни билганим учун
Балки этгандирман сиримни аён.
Ғар унинг шўр суви йўқолса бутун,
Сувсиз қолган каби беражакман жон.

* * *

Севадирман алвон наҳорни,
Севадирман кечки осмонни,
Севадирман гулгун баҳорни,
Севадирман қирмиз хазонни.

Севадирман, уйимда эмас,
Кенг далада бошга қўйиб тош,
Ётсам мудраб майсазорда маст,
Ой бошимга қўймагунча бош.

Сурнайсиз ҳам, найсиз ҳам ҳар кез
Муסיқадан олурман роҳат.
Йўқса ирмоқ бўйига тез-тез
Боришимга йўқ эди ҳожат.

Топажакман яшаш иложин,
Ҳатто менга қон ҳам керакмас,
Фақат тоғлар, чўққилар тожи
Юрагимга яқин бўлса бас.

Чўққиларга интилиб, ҳали
Тоғдан тоққа ўтурман кўп бор.
Бунда эрур софлик азали,
Бунда ўчмас бўёқлар бисёр.

Хонбалиқдай — чиқар булоққа
Тонгда майда қизил хол тошиб.
Мен ҳовучлаб, юзни ювмоққа,
Муздек кумуш оламан шошиб.

Мафтун этар гувлаган тонги,
Севадирман шохдор олқорни,
Тошни ёрган майсалар рангин
Ва севаман минг йиллик қорни.

Дарахтга ҳам келтириб имон,
Мен уларни оллоҳим дейман.
Дўст эшиги мен учун ўрмон,
Ўз мулкимдай унда дайдийман.

Тоғ гулига тушади кўзим,
Тонг отмасдан ари қўяр лаб.
Этадирман заминга таъзим,
Ҳар қаричин дилдан ардоқлаб.

Буримда сой тушаркан чўкка,
Ҳис этурман ўзимни ҳажда.
Чўзган билан қўлимни кўкка,
Ерни суйиб этурман сажда.

ДОҒИСТОНИМГА

Мен кўп мамлакатда юриб беармон,
Уйга қайтган чоғим ҳориб, ўртаниб,
Устимдан энгашиб сўрди Доғистон:
«Севиб қолмадингми олис ўлкани?»

Баланд тоққа чиқдим, ўша юксакдан
Доғистонга дедим олиб чуқур тин:
«Кўп юртларни кўрдим, фақат юракдан
Сенсан менинг қаттиқ севганим лекин.

Балки севгинга кам ичганман қасам,
Севги ҳам, қасам ҳам янгилик эмас,
Жимгина севаман, бўлмас қўрқмасам:
Юз бор қайтариқ сўз сўнгуси абас.

Бу ерда ҳамма ҳам ишқинга шу чоқ
Жарчидек қичқириб ичса гар қасам,
Тингламоқ, олисга акс садо бермоқ
Жонига тегадир тош чўққингининг ҳам.

Қон ва кўз ёшларга чўмилган чоғинг,
Камгап ўғлонларинг газабга тўлиб,
Ўлимга тик борган, ханжар қўшиғи
Жаранглаган ўғлинг қасами бўлиб.

Жаранглар тугагандан кейин ҳам бот-бот
Сенга, Доғистоним, севишин дилдан
Камгап болаларинг этган қасамёд
Жаранглаган чўкич, чалғилар билан.

Меҳнатга, жим ва мард яшашга мени,
Ҳаммани ўргатиб келдинг умрбод.
Ургатдинг отдан сўз азизлигини,
Тоғлиқлар беҳуда эгарламас от.

Вайсақи, олис, ёт пойтахт нафасин
Олиб қайтарканман сенга, бари бир,
Мағрур тоғинг, куйчи сойларинг сасин
Эшитиб, тек туриш мен учун оғир».

* * *

Доғистоним, ахир мен
сенга
Сигинмайми,
Севмайинми, айт,
Турналаринг сафидан
нега
Хайрлашиб кетган қуш бўлай.

Одамлар не берса, Доғистон,
Барин сен-ла кўрурман баҳам,
Этурман мен тоғингга нишон
Барча орден, медалимни ҳам.

Бахш этурман жарангдор гимн
Ва шеър бўлган сўзларни сенга,
Сен берсанг бас, ўрмон чакмонин,
Қорли чўққи қалпогин менга!

* * *

Қушқанотли, ҳой, карвон,
Келдингми сен олисдан?
Карвон куйлар, қурқурлар:
«Доғи-доғи-Доғистон...»

Қушқанотли, ҳой, карвон,
Қандай яшар Доғистон,
Кезарми кун кўкида,
Этарми ой нурафшон?

Жавоб берди бўлиб жам:
«Доғистонда ҳали ҳам
Ботар қуёш тоғ аро —
Тоғдан чиқиб субҳидам».

Қушқанотли, ҳой, карвон,
Қандай яшар Доғистон?
Отиларми фаввора?
Бинафшада не армон?

Жавоб берди бўлиб жам:
«Доғистонда ҳали ҳам
Қанот қоқар қуш каби
Булоқни тоғ қисган дам.

Булутдасан — ўтлоқда!
Кунгай ерда, овлоқда
Ҳануз анқир бинафша —
Ифор сели япроқда».

Қушқанотли, ҳой, карвон,
Қандай яшар Доғистон?
Аёл, эркак қай ҳолда,
Бола ҳақда не дoston?

Қушқанотли, ҳой, карвон,
Тўхта!.. Туман-ку у ён?..
У-чи, учар, қурқурлар:
«Доғи-доғи-Доғистон...»

КИЧИК ХАЛҚИМ, СЕВАМАН СЕНИ

Туман-ғуссани ичга соласан
Сўз ёшисиз, гапсиз, белгисиз.
Баҳри-дилинг оча оласан
Ёлғондакам ўйин-кулгисиз.
Куйинг ўхшар аста учётган
Бургутларнинг қўш қанотига.
Рақсинг эса, чавандозларнинг
Тизгин узиб кетган отига.
Мағрурлигинг — мангу, тоғ
қадар,
Сўзларингда қуёшлар балқир.
Тоғлиқ қалбим сенга нақадар —
Меҳр қўйган о, кичик халқим!
Туман чўккан кўҳна занжирдай
Зич даралар, қоялар аро,
Қалбинг очиқ доимо бирдай,
Қалбинг чўлдай кенгдир доимо.
Қўшнинг билан яшайсан иноқ,
Бобо ханжар тиламайди хун.
Жоҳил тоғлиқ эмасман қолоқ,
Ўзгачасан ўзинг ҳам бугун.
Эшитаман поезд гулдури,
Самолётлар гулдуросини.
Улкан давлат ўғли сингари
Кичик халқим, севаман сени.

ГИЛАМ

Бир кун тайёр бўлди тўқилган гилам,
Қирқиб олди митти пичоқда ойим.
Мен унинг кашагин, жуннинг
рангин ҳам —
Барин энг бошидан хотирлаб қолдим.

Сўнг тайёр гиламга қарадим мафтун,
Гулларин, рангларин санадим бир-бир.
Силадим безагин... ўртасин, четин...
Завқ-ла ўйнаб кетдим устида ахир.

Энди баҳор чоғи ўйнаб юрганда
Суюкли юртимнинг ўтлоқларида
Худди кўз ўнгимда гилам тургандай
Болалик пичирлар қулоқларимга.

Уша гиламдаги рангларни бир-бир
Ерга кўчиргандай бўлар табиат.
Кашагин тортгану бамисли ёмғир,
Безагин тўқиган офтоб фақат.

Қарайман ўтлоққа, тоғ этагига...
Зўр гилам тўқибди табиат она.
Қадрдон юртимнинг гилами узра
Завқдан ўйнаб кетгим келади яна.

ОНА ТИЛИМ

Ажабо! Туш деган нарса қизиқ-да,
Ўлиб қолганмишман тушда ногаҳон.
Кўксимда қўрғошин, қуёш тиғида,
Тоғлар орасида ётибман бежон.

Узоқда шарқираб сойлар оқмоқда,
Борлиқда бир ажиб дилбарлик ҳоким.
Мен эсам ўйлайман ётиб тупроқда:
Мана шу тупроққа қўшилар хоким.

Мен ўлиб ётибман, кимсасиз, унут,
Ҳеч кимса қайғурмас ва чекмас ёҳу.
Фақат чўққиларда қурқурар бургут,
Фақат водийларда инграйди оҳу.

Навқирон ёшимда бўлдим-ку адо,
Оташ юрагимни ўйди ахир ўқ.
На онам, на ёрим бермайди садо,
Дўст тугул ҳаттоки йиғичи ҳам йўқ.

Фигон отилади жонсиз бағримдан,
(Гўё фиғон бордек мурда дилида.)
Шу пайт икки киши ўтди наридан,
Қувноқ суҳбат қуриб авар тилида.

Мен-ку бу дунёдан кўз юмдим мангу,
Улар кулиб-кулиб сўзлашар борин.
Қандайдир Ҳасаннинг турфа иши-ю,
Қандайдир Алининг шўх кирдикорин.

Авар сўзин тинглаб кирди менга жон,
Оҳиста тирилдим ва шунда билдим:
Мени тузатолмас ҳеч дори-дармон,
Жонимга масиҳдир шу она тилим.

Майли, ким қай тилдан завқу шавқ олса,
Менинг ўз тилимга минг жоним фидо.
Эрта она тилим агар йўқолса,
Мен бугун ўлишга бўлурман ризо.

Майли, қашшоқ бўлсин, майли, беҳашам,
Лекин менинг учун азиз ва суюк.
Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам
Она тилим менга муқаддас, буюк.

Оташин Маҳмуднинг ёниқ шеърини
Наҳот таржимада ўқир авлодим.
Наҳот мен аварнинг сўнгги шоири,
Шуми эди менинг эзгу муродим?!

Севаман ҳаётни, дунё кўркини,
Муҳаббатим чексиз барча эл учун.
Ҳаммасидан азиз Совет юртини
Аварча куйладим етганча кучим.

Узоқ Сахалиндан Болтиққача то
Қалбимда кўраман ҳур Ватанимни,
Ҳар қайда қилайин унга жон фидо,
Лекин ўз юртимга қўйинг танимни.

Юртдошларим туриб қабрим олдида
Кўрсатсин аварнинг шоири шул деб.
Элим ёдга олсин она тилида
Ҳамзат Цадасанинг ўғли Расул деб.

ШОМИЛ

Яна ўртар мени эски жароҳат,
Яна юрагимни қиймалар армон.
...У мен учун энди кўҳна ривоят,
У ҳақда овуллар сўйларди дoston.

Кўнгил у эртакни қайда унутар,
Кечалар кўз юммай тинглардим тўлиб.
Ҳатто тоғлар узра сузган булутлар
Кўринарди Шомил лашкари бўлиб.

У бир қўшиқ эди. Уни гоҳида
Онам куйлар эди, эслайман ҳамон.
Онам бу қўшиқни айтар чоғида
Уйга чўмар эди кўзлари гирён.

Суратдан боқарди черкаска кийган
Кўзида ўт ёнган суворий одам.
У чапақай эди. Чап қўли билан
Қилич дастасини тутганди маҳкам.

У суратдан боқиб кузатган эди
Иккита акамни муқаддас жангга.
Онам марвариду болдоғин берди
Унинг номи билан аталган танкка.

Улимидан аввал отам бечора
Унга бағишлади ажойиб дoston,
Лекин Шомил номин қилдилар қора,
Ёғдирдилар марднинг шаънига бўҳтон.

Балки шу кўргилик бўлмаса отам
Кўпроқ яшармиди... мен ҳам айбдор.
Кўпнинг овозига жўр бўлиб мен ҳам
Шомилни шеър билан қилгандим абгор.

Халқим эрки учун тоғли еримда
Ёвларга беаёв бўлганди Шомил.
Болалик қилдим у мурғак шеъримда
Мен уни атадим сотқин ва қотил.

Тоғларни тун чулғар. Ётаман беҳол,
У дарчам олдида пайдо бўлади.
Гоҳида мўйсафид, кўпни кўрган чол,
Гоҳи лашкарбоши бўлиб қелади.

Дер: «Нелар кўрмадим дардли оламда,
Қанча азобларга бўлдим гирифтор.
Ун тўққиз жароҳат ёнар танамда,
Сўнг, гўдак, тиғ урдинг йигирманчи бор.

Ун тўққиз ярага чидадим, биллоҳ,
Ун тўққиз ярамдан қолмади асар.
Лекин сен урган тиғ битмагай, э воҳ,
Болам бўла туриб солдинг-ку, ханжар.

Озодлик жангига боримни бердим,
Қўшиқ, маишатга бўлмади фурсат.
Маддоҳларни баъзан қамчилар эдим,
Шеърбозни калтаклар эдим бешафқат.

Лекин мен уларни жабрлаб, уриб,
Хато қилгандирман ва лекин ишон,
Сендек сафсатабоз шоирни кўриб
Ҳақлигимга бир бор келтирдим имон».

Тонггача қаршимда турар у сиймо,
Тонггача ўша руҳ беради озор.

Қуюқ соқолини бұяган хино,
Попоғи устидан ұраган дастор.

Мен унга на дейин! Унинг қошида
Ва сенинг қошингда айблиман, халқим,
Мен хато қилгандим гўдак ёшимда,
Лекин чекинмоққа йўқ бу кун ҳаққим.

Ноиб Мурод бир вақт Шомилдан кетиб
Сўнг пушаймон бўлди. Яна қайтмоққа —
Аҳд қилди-ю, аммо ажали етиб
Йўлда дучор бўлди тубсиз ботқоққа.

Мен ҳам пушаймонман ўз шеърим учун,
Яна ортга қайтиб, қилдим деб хато —
Ё узр сўрайми Шомилдан бу кун!
Йўқ, йўқ, ботгим келмас ботқоққа асло.

У ҳам кечирмайди барибир мени,
Мен отдим орқадан, пана жойдан ўқ.
У қиличда ёзган мардлик шеърини,
Менинг бўҳтон шеърим кечирмайди, йўқ.

Майлига... лекин сен қил менга шафқат,
Халқим, кечир, сени севаман ёна,
Жон ўлкам, сен мени қарғама фақат,
Мисоли ўғилдан ранжиган она.

АЙМОҚЛАРИМ ҲАҚИДА

Дунё кездим.

Сўрсалар агар

Гўллик билан мендан қайратда:

«Уруғингдан бер-чи

бир хабар,

Борми улар бошқа давлатда?» —

Тоғ овулин томидан яккаш

Йироқларга ёриб кираман,

Худди менинг отамга ўхшаш

Истамбуллик туркни кўраман.

Тор кўчалар ортида зиё

Аста сўниб,

қуёш ботган чоғ

Учратгандек ўз ўглин гўё,

Ташлаганди у менга нигоҳ.

Порлар кичик томчида ботин

Кўкда кезган улкан қуёш ҳам.

Ёдимдадир каприлик хотин,

Ўхшаб кетар унга волидам.

У қолганди қирғоқда қараб,

Ортимиздан силкиганча қўл —

Тўлқинларга қарши эрталаб

Биз соҳилдан олган чоғи йўл.

Яқин бўлиб қолди Париж ҳам:
Париж кузин сингдириб буткул
Бир гўзал қиз олиб келган дам
Менга атаб қирмиз чиннигул.

Яширмайман, мен яширмайман,
Макиларга этса ҳам итоб
Тортинмасдан ўз синглим дейман,
Шажарамга бўлса ҳам хилоф.

Зотларимга талпиниб бетин
Не-не кучли тўфонни енгдим.
Узган чоғда қуллик занжирин
Африкалик бағрига сингдим.

Аймоқларим кўпдир шу қадар,
Ватанимга раҳмат дейман мен.
Мендан сўраб қолсалар агар:
«Бўлганмисан асирликда сен?» —

Дейман: нега бўлмайлик тутқун
Барча қардош халқларга, ахир.
Мени чехлар дўстлиги букун
Эта билди тамоман асир.

Қозонлиқнинг қизил гулидан
Рус аскарин қабри қизилроқ.
Булғор меҳри ўчмас, дилимдан,
Банди этган ўзига мутлоқ.

Кенгайгандек наздимда замин,
Ким ҳам олар ғурурим тортиб,
Бу безовта дунёда тагин
Аймоқларим бормоқда ортиб,

АЙЛАНАРҒАН ТОҒИ ЕР ШАРИ

Босиб йиллар зинапоясин
Алвон уфқни қаршилаб турдим,
Кўзладим ол шафақ зиёсин
Ва қуёшни сувдай симирдим.

Ёниқ қалблар, мағрур ва баланд
Чўққиларнинг диёрида тоғ —
Дарёлари, булоқларидан
Юлдуз ичдим ҳовучлаб ҳар чоқ.

Косасидан мовий осмоннинг,
Кўк ўрмону яйловлар кезиб,
Булут таъми сингган ҳавони
Ичганим бор ютоқиб, қизиб.

Мен ичдим учқунларин ҳам,
Сўқмоқ синган жарликда бир кез.
Оғзимда хўп мазаси қолган,
Унутолмай юрибман ҳаргиз.

Мен баҳорни ичдим, тоғларда
Кўкарганда бойчечак. Йироқ
Қиш-қировли шимол ёқларда
Аёзларни бамисли ароқ.

Ичдим. Юртим шарафи, фахри
Тоғларни-да сипқорарканман,
Қадаҳнинг бир гирди сингари
Жилваланди найкамалак шан.

Наъматаклар гуллади тагин,
Хушбўй эсди даралар бўйлаб.
Қояларга юксалган чоғим,
Шу бўйдан мен ҳўплаб қилдим кайф.

Маст айлади дунёвий сафо,
Завқ-шавқ аро яйради кўнглим.
Севдим, куйдим ва бўлдим адо,
Қўшиқ ичдим, ҳофиздай тўлиб.

Мураккабдир кайфият асли:
Дўстларим-ла кўролдим баҳам
Шодон кезлар бўза-асални,
Қайғули кун шаробни — талҳтаъм.

Ичмас, кимки ичар кўнгилдан,
Эрмақ учун, шунчаки мудом.
Хиросима кулин кўрганман,
Фестиваллар жазавасин ҳам.

Пуфлашгандек пиво кўпигин,
Пуфлаб ҳаёт жомини, умр —
Моҳиятин сипқордим тун-кун
Туйдим дилда ва сўнгсиз сурур.

Севиб, азоб чекиб, қувониб,
Ҳар бир куним ичиб яшайман.
Ортаверар чанқоғим яна,
Бунга ҳаёт сабабчи дейман.

Ташналигим қонмасдан туриб
Ўтсам ўтай дунёдан бир кун.
Айланаркан токи Ер шари
Бани одам шу дардга маҳкум.

* * *

Ер шари, бу — олтим беланчак,
Чайқалади ортмоқлаб бизни
Ва уқдирар бир умр бешак —
Бола бўлиб яшашимизни.

Одамлар-чи, асрлаб шундай:
Эртаю кеч йиғлар, чинқирар,
Оналарин бўзлаб чақирар...
Чайқалади беланчак лоқайд!

Биров йиғлар очликдан бунда,
Асрларким, томчи сутга зор.
Бошқа биров асрий фархунда,
Қўғирчоғин эркалаб ётар.

Яна биров тараллабедод
Билан кунни кеч қилсам дейди.
Булар эса хўроздай шаддод,
Бир-бирининг гўштини ейди.

Ер шари — мустаҳкам олтин беланчак,
Чайқалади ортмоқлаб бизни.
Асрларким уқдирар бешак
Бола бўлиб яшашимизни.

Бу беланчак кимларга музтан,
Кимлар учун дўзахдир ҳаргиз.
Бунда кулги, йиғимиз билан
Бир-бировни безор қилганмиз.

Бою қашшоқ, шоду ношод кас —
Беланчакка тушган жонки бор —
Бир кун қаттиқ ухлаб қолур, бас,
Ва уйғонмас ҳеч қачон такрор.

Ҳ А Ё Т

Рости, қарамасдим ўзимга унча,
Югуравермасдим докторга ҳар чоқ.
Бода сипқорсам-да кўнгил тўлгунча,
Дориларга ҳушим йўқ эди мутлоқ.

Соғлигим жойида, бақувват эдим.
Бироқ, йўлим тушиб бир кунни Мали
Республикасига, азим шаҳри, дим —
Бамакода битта ўлимдан қолдим.

Эгаридан учган ярадор отлиқ
Мисол чангалладим кўксимни ҳолсиз.
Худди юрак қушим ким — биров отди,
Тилим калимага келмасди ҳаргиз.

Пешонамдан муздай тер чиқиб, тоғлар
Ва онам хаёлдан ўтди ногаҳон.
Юрак уриб турган бўлса ҳам зўрға,
Амаллаб бошимни кўтардим шу он.

Кўзим очигида дўстлардан сўраб,
Мана шу сўзларни деёлдим аранг:
«Тўсмангиз! Африка осмонин кўрай,
Кўраин, қадрдон эмас у гарчанд.

Кўрай чор-атрофда неки бор — барин,
Дарахтлар соллансин бош устимда. Оҳ!
Қушлар сайрамоқда! Шу ердан бориб,
Яшнатмасми улар юртимни ҳар чоқ?»

Менинг кўзларимда акс этди уйқаш
Дарахтлар, Бамако самоси шу чоқ.
Жаҳонда осмоннинг бирлигини ўйлаш...
Бундан ортиқ сурур бормикан, валлоҳ!

Яқин эди ўлим соатим аён,
Юрагим уришдан тўхтовди гўё.
Бироқ ҳаёт менга қайтди ногаҳон,
Қайтди шу туйғудан топиб куч, сафо.

Ва зулмат чодирини сўкилди зимдан,
Кўзларимга оқди турфа зиёлар.
Бамисли қиш ўтиб, томирларимда
Жўш урди қайтадан олов дарёлар.

Кўз ўнгимда, ўзга юрт осмонида
Ҳамюртлар юзидек, африкаликлар
Кафтларидек иссиқ булутлар ёнди,
Кўнгил янглиғ тўлди юксак, юксаклар.

Менга — мўъжизага кўз тикиб ҳамма,
Хушнуд жилмаярди тепамда шу кўй.
Кўпни кўрган эдим, кўрмовдим аммо
Одамларнинг бунча бўлганини хушрўй.

Узуқ-юлуқ гаплар кирди қулоққа,
Оқ ва қора танли дўстлар сўзларди.
Жумлалар янграрди мисли мусиқа,
Дунёвий валторна қуйи сузарди.

Одамлардан ажиб нур оқар менга,
Яширмай яшайман ҳаётдан ўзни,
Қушлар баҳор олиб келса юртимга,
Шунинг-чун жилмайиб, ёшлайман кўзни.

ТИЛАКЛАРИМ

Шаҳримизга ёғди биринчи қор,
Бу ёруғ оламда янгирмоқда йил...
Яхшиларга шундай тилакларим бор,
Тилаклар — дўстона, сидқидил.

Истайман ҳаммаёқ болажонларнинг
Жарангдор, бахтиёр товшига тўлсин.
Қизлар чирой очсин ҳушни оларлик,
Йигитлар бақувват ва оқил бўлсин.

Шундай дўст тилайман — зеҳнли, кучли,
Бошга оғир кунлар тушганда ҳар хил,
Ҳалокатдан сизни қутқаролгувчи
Ҳақиқий жумлани айтсин у дадил.

Кулфатларсиз яшаш амри маҳол бу.
Бироқ, истардимки, шодумон дамлар
Хотирадан чиқса кечаги қайғу;
Бир-биридан совиб кетган одамлар

Қайта учрашганда жилмайса, кулса.
Онага азобмас ҳаловат бериб
Гўдаклар тўлғоқсиз дунёга келса,
Аксинча, шоирлар қон қусса шеърин.

Агар маъшуқангиз ранжитган бўлса
Раъйингизни қайтариб бу ёз,
Янги йилда албат васлингиз қўмсаб,
Ёнингизга келсин сўйлаб ишқдан роз.

Доғистонимга мен талай ва зўр-зўр
Шоирлар тилайман шу ажиб дамда,
Эшитилмай қолсин майли овозим,
Қарсиллатиб шеър ўқишганда.

Сенга-чи, хотинбоз, тилайман инсоф,
Иқрор бўл бу йилда айбингга буткул,
Биринчи хотининг айлаб юр тавоф
Йил бўйи ва хор бўл бамисоли қул.
Сенга тилагим шу, эй, эзма ўртоқ,
Сўйлаб калмаларни ғовлатмоқ ишинг,
Узр сўраб дейман, бу йилда камроқ
Гапиргил, ки кўпроқ оғрисин тишинг.

Яна бир тилагим ғалати пича,
Доғистон одатин унутган, хасис
Баъзи ҳамюртларнинг бу йилда ҳеч ҳам
Меҳмон кутишликдан боши чиқмасин.

Доим тўлиб турсин қадаҳларда май,
Қўшиқлар ювсин дил ғашликларини.
Ҳамма бир-бирига тиласин шундай
Ҳозир мен тилаган яхшиликларни.

ИНГИ ХУШХАБАРЛАР ТИЛАЙМАН СИЗГА...

Умрим сўнги кўзга чалинган бу чоқ,
Утди асримизнинг тўртдан уч қисми.
Мен бир жарчи шоир, бонглар урароқ,
Юксак минбарларга чоғлайман ўзни.

Сўзларим салмоқли ва тушунарли,
Сарҳадлардан ошиб ўтишарлар тик.
Хиллаб саралайман янгиликларни,
Ахир, қачон осон бўлган жарчилик?

Сизга хушxabарлар тилайман асли,
Бироқ узрим шуки, такрорлаб ёмон,
Хар куни сўйлайман уруш ваҳмасин,
Ой остида, дейман, тўкилмоқда қон.

Шундан тушларимга кирар ушбу ҳол:
Хуррам жумлаларим сиз сари етар.
«Ҳеч қайда учмайди ўқлар бемаҳал,
Ақл ҳукмрондир жаҳонда илк бор.

Ҳеч ким олиб қочмас тайёраларни,
Портлатворгум дея пўписа қилмас.
Учувчилар аста ҳайдар уларни,
Ёнларида қурол-яроғи бўлмас.

Ҳукм чиқарурлар биз ҳақда шингил —
Мишмишларга бефарқ, ўзгалар, албат.
Қамоқдаги сўнги ўғри энг сўнги
Назоратчи билан хўшлашар абад.

Ошириб мақталмас биров ютуғи,
Камситилган биров меҳнати бу чоқ.
Қўритилган хавfli дардлар уруғи,
Йитган ҳалокатли ёлғон сўзламоқ...

Қулоқ тутиб йиллар амрига дилдан,
Жаҳон дардларидан сўз очиб аввал,
Сизга, илоҳийлик муҳри босилган
Ишқий шеърлар ўқиб бахтлиман тугал.

Очиқ эҳтироснинг яланғоч, қайноқ
Олов тили ялов бўлсин ҳар сўзга.
Мен бир жарчи шоир, бонглар урароқ,
Янги хушхабарлар тилайман сизга.

* * *

— Шошмагил, йўловчи, отинг ҳам ҳорди,
Чохга бурил қани, қочиб кетмас йўл.
Кўзада кўпирган бўзамиз бордир,
Ҳинкал ҳам қайнашда, юра қол, тез бўл!

— Худо ёр, чохликлар, биламан, асал —
Бўза-ҳинкалингиз, қамаштиргай кўз.
Бироқ, қаранг, бугун оқшомга қадар
Уйга қайтаман деб берган эдим сўз!

— Узи келган меҳмон — худодан эҳсон!
Йўлчи, биз томонга, Гунибга сол йўл.
Бугун бизда тўйдир бир олам жаҳон,
Келинни ўкситма, қани, меҳмон бўл!

— Вой гунибликлар-ей, бахтли бўлсинлар,
Ёшлардан давлат ҳеч ўгирмасин юз,
Бироқ мен ойимга оқшомга қадар
Уйга келаман деб берувдим-да сўз!

— Эй доно йўловчи, кенгаш бер бизга,
Касалхона, ҳаким олисда, бехос —
Хасталик ёпишди бир қўшнимизга,
Эпласанг кулфатдан бизни эт халос!

Табиб бўлмасанг ҳам сўздан ясаб бол
Умид учқунини юрагида ёқ.

— Жийроннинг эгарин, майли, еча қол,
Қўшнингиз қаерда, бошла, бўл тезроқ.

БЕМОР ҮҒИЛ БОШИДА ОНА АЙТГАН ҚУШИҚ

Майли, уйга тўлсин тамаки иси,
Майли, бўза ичсанг, ё май ичсанг ҳам.
Майли, мен кампирга раҳминг келмасин,
Фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам!

Майли, олис юртга чиқиб кет уйдан,
Менга у томондан хатлар ёзмагил.
Майли, қайси қизга хоҳласанг уйлан,
Ё бевалар билан билганингни қил.

Ардоқлаб ўстирдим сени гунчадек,
Кўксим ҳароратин бердим бир олам.
Майли, ич, лаънати тамакини чек,
Фақат тезроқ соғай, соғайгин, болам!

БОЛАЛАР

Таратган чоғда ҳам анвойи исни
Парво қилмас эдим зинҳор уларга.
Отаси бўлдим у уч ширин қизнинг
Меҳрим тушиб қолди бирдан гулларга.

Энди эрмагимдир ҳар субҳидам боғ,
Ҳар новда остига ўтгум бош тиқиб.
Уларни гулдонга солаётган чоғ
Кўзимдан росмана кетар ёш чиқиб.

Дунёнинг жамики паррандалари
Куйлайди, дер эдим бир хил, бетаъсир.
Кўрсам боғда, кезар жигарбандларим!—
Яшабман, о, қанча ҳам кар, ҳам басир.

Етса қулоғимга энди қуш саси
Шовуллай бошлайди қалбим барг мисол.
Учса йироқларга қушлар галаси,
Чўкар юрагимга ўкинч ва малол.

Эртароқ кўрмадим ичию тошин,
Нега ҳаёт қадрин сезяпман энди...
Босганча бағримга қизларим бошин
Ўкириб-ўкириб йиғлагим келди.

Эсди бахт эпкини қайтадан секин,
Қайтадан чулғади бағримни ваҳм.
Қўрқардим оламни чўчитидан мен!—
Усиз шу пайтгача қандай яшадим?..

ТУРНАЛАР

Гоҳ шундай туюлар:

қонли жанггоҳдан

Бир замон қайтмаган аскар ўғлонлар
Ўлим қучмаганлар гўё у чоғда,
Балки оқ турналар бўлиб қолганлар.

У олис онлардан бугунга қадар

Бизни излагандек учарлар сарсон.

Балки шу боисдан юракда кадар,

Жим туриб қоламиз кўкка боқар он.

Ҳозир ҳам кўраман:

ёт ерлар узра

Турналар намозгар туманида гоҳ,

Утарлар мунтазам сафларин бузмай,

Одамлик кезлари қир ошган сиёҳ.

Олис-олисларга борарлар, аммо

«Кур-рув»лаб айтарлар кимнингдир номин.

Шу сабаб қадимдан ўхшармикан ё,

Ғамгин сасларига авар каломи?

Осмонда сузади турналар қатор —

Утган жўраларим, ҳешу ёр булар.

Шу ҳорғин қаторда битта бўш жой бор,

Балки менга атар бу жойни улар!..

Бир куни, эҳтимол, шу сафда мен ҳам
Тўлдириб ўтарман осмонингизни;
Кўкдан турна янглиғ «қур-рув»лаб у дам
Ерда қолганларим, йўқларман сизни!

ҲОЖИМУРОДНИНГ БЕШ ҚЎШИҒИ

Попоғимни отдилар беш бор,
Мен — ноибман, учқур қанотман,
Беш дуодек беш қўшиғим бор,
Ҳа, хунзахлик Ҳожимуродман.

Бош қўшиғим — онамга,
 билгай —
Кесилмади ҳали бу бошим,
Арғумоғим ҳамонки елгай,
Қилич эса ҳамон йўлдошим.

Иккинчиси — бир дуомисол
Доғистонга бахшида эрур.
Шу ўлкада толе бўлиб ёр
Шомилга мен саналдим ўнг қўл.

Истардимки, она-Ер билгай —
Кесилмади ҳали бу бошим.
Арғумоғим ҳамонки елгай,
Қилич эрур ҳамон йўлдошим.

Учинчиси — ёлғиз ёримга,
Уни хурсанд қилмадим қўп ҳам!
Зурриётим ярар корига,
Бир кун тутса мен учун мотам.

Тўртинчиси — ўғлимга эрур,
Она юртдан олисми-яқин —

Душман зотин барини билур
У довюррак, мисли бир чақин.

Истардимки, фарзандим билгай,
Кесилмади ҳали бу бошим.
Аргумоғим ҳамонки елгай,
Қилич эрур ҳамон йўлдошим.

Ёв устига солганда отни
Айтажагим — бешинчи қўшиқ:
— Кел, қаршила Ҳожимуродни,
Ботир бўлсанг, кел, майдонга чиқ!

Истайманки, душманлар билгай:
Кесилмаган ҳали бу бошим.
Аргумоғим ҳамонки елгай,
Қилич эрур ҳамон йўлдошим!

* * *

Сўқмоқ йўлдан бориш қийин овулга,
Ҳовуч-ҳовуч юлдуз тўла осмони.
Осонликча ета олмас бу элга
Чақирилган узоқ-яқин меҳмони.

Тоғларнинг ортида зўр тоғлар ўсиб,
Гўё само бирла тутшиб кетган.
Баъзан қўноқ бўлиб дўстлар келишиб,
Тоғларнинг мақтовин неча бор айтган.

Учоғимда ҳали олов ловулла,
Тарашалар ёниб бўлмоқда, рости.
Қурилмагай хоҳиш бирла овулла,
Туғилган ернинг ҳам чеки бор дўстим.

Агар селу бўрон йўлни ўпирса,
Барибир бўлолмас дўстларга тўсиқ.
Заранг косаларда чағир кўпирсин,
Мешдан тўлдирайин косани лиқ-лиқ.

Туғилган жой тоғи дилга мадад берар,
Табиат қонуни гарчи қаттиққўл.
Иккиюзламанинг йўли тушса гар,
Тўғри тубанликка топиб кетар йўл.

Эй, содиқ дўстгинам, бир он жим тур сен,
Акс садо сингари тарафдорим бўл.
Заранг косаларда чағир кўпирсин,
Косани тўлдирай мешда чағир мўл.

ДУСТЛАРНИ ҚАДРЛАНИ

Эй, дўстим, душмандан дўстни ажратгил,
Шошиб ҳукм чиқариб бўлма гуноҳкор.
Балки қаҳринг ўтар бамисоли ел,
Ғазабинг сочишга ошиқма зинҳор.

Эҳтимол қадрдонинг шошилиб қолиб,
Билмайин бехосдан этгандир хафа,
Дўстинг иқрор бўлса, бўйнига олиб,
Айбин юзга солиб айлама жафо.

Ҳамма ҳам кетма-кет қаригаи, чирир,
Умримиз дарёдек оқар тинмайин,
Ажраб қолмоқдамиз дўстлардан бир-бир,
Ҳақиқий дўст топиш қийиндан қийин.

Агар содиқ отинг оқсаса ногоҳ,
Қоқилиб суринса такрор ва такрор,
Отингни айблама — йўлдадир гуноҳ,
Уни алмашмоққа шошма, биродар.

Биродар! Хайрингни берсин, илтимос,
Тантилик қилишдан тортинма асло.
Жаҳонда дўстимиз унча кўп эмас,
Дўстларни йўқотиб қўймайлик, ошно.

Қонунга риоя қила олмадим,
Баъзан ихтиёрни ғазаб қоплади,
Ҳаётда жуда кўп дўстдан ажралдим,
Қанчаси юз буриб кетди, болади.

Сўнгра яна анча дўстлар орттирдим,
Шундай қилиб, мана, сўқмоқ йўл аро —
Гоҳ пушаймон бўлдим, гоҳо қайғурдим,
Ажралган дўстлардай бўлмади, аммо.

Энди барчасин бир кўришга зорман:
Хуш кўрмай кўнглини очмагани ҳам,
Ўзим ёқтирмаган ошнолар борми,
Менинг гуноҳимни кечмагани ҳам.

* * *

Илк бора янглишсанг қўрқма, биродар,
Илк бора ранжитса қилма эътибор,
Дастлабки ваҳима чўчишлик холос,
Агар қисматингда шу бўлиб, бир кун —
Илк бор дўстинг хафа айласа ноҳос,
Дарров қораламай уни ҳам тушун.

Наздимда, дунёдан топмайсан бирор —
Адашмай умрини ўтказган, ким бор?
Хаёл туманида ўралашиб гоҳ,
Дўстингнинг бошига тушиб ғам ҳижрон,
Ўрнин топиб сўзин айтмаса шу чоқ,
Унинг хатосини санама ёлғон.

Дўстгинам, бемаъни бир хато учун,
Мендан юз ўгирган бўлсанг ҳам у кун,
Сенга очиқ доим эшигим менинг.
Кулишдик, қайғурдик бўлишиб ҳамдам,
Ҳамон ўшандайман — кечдим гуноҳинг,
Фақат кечиринглар, дўстлар, мени ҳам.

АГАР ҚҰНОҚ БҰЛСАНГ...

Агар қўноқ бўлиб келгудек бўлсанг,
Сенга уйим очиқ, остонам муштоқ.
Агар ташналикдан толиқиб қолсанг,
Менинг дарём шаксиз — сеники мутлоқ.

Агар ўз уйимда ўзим бўлмасам,
Олдиндан хабар қил, қарши олайн.
Гул ҳам бор, нон ҳам бор, агар ўлмасам,
Топганим олдинга тўкишим тайин.

Совқотсанг ўчоққа яқинроқ келгин,
Чалма ёқай, кўнглим ўтдай илиқ, кенг.
Нолима, оч бўлсанг уялмай олгин,
Ҳатто еримни ҳам бўлишамиз тенг.

Агар ёнган шамдек бўшашсанг ногоҳ,
Бетоблик азоби қийнаса бедор,
Табибни келтиргум ёнингга шу чоқ.
Қонимни беришга розиман минг бор.

Хавфу хатар сезсанг ханжаримни ол,
Ёнбошинга тақиб юргин бемалол.
Ахир меҳмонимсан, дилтанг бўлмагил,
Ғаминга шерикман, ташвиш қилмагил.

Тулпоринг йиқилса, — жабдуқли отим,
Бир кунингга ярар, мин, чоптир жўрам.
Содиқ қўноқ бўп қол ва содиқ дўстим,
Ёмон кунимда ҳам, яхши кунда ҳам.

УНУТИБ БЎЛМАС

Менга ном қўйганни унутмайман асло,
Унутмайман ёруғ оламда ҳануз —
Шу ҳўмрайган, чўтир қоялараро
Қимки берган бўлса менга нон, уй, сўзи

Унутмасман сира ўт берганни ҳам,
Бурка ташлаганни нимжон кифтимга,
Унутмасман сира, дуч келгани дам
Дўстона босганни кафтин кафтимга.

Албатта эслайман, ошиб йўл, олам,
Ўтиб борар экан умрим карвони:
Ҳамма аёлларни — аритган ғуссам,
Яна бўлакларин — бўлмиш армоним.

Асло унутмайман, даралар узра
Кўприк қурганини ишонч-эътиқод.
Ҳам инсон меҳрининг битта қатраси
Ғазаб оловини ўчирганин бот.

Асло унутмайман, оддий бир меҳмон
Баъзида бўлганин энг ёвуз ганим.
Муштини ўқталиб турувин у он
Гуноҳкор бошимда ўшқириб маним.

Тоғлар оғушида шодмонман, мана:
Даралар устида мумкин унутмоқ —
Қимлиги аслида нотайин, яна —
Ўзлигин йўқотган касларни мутлоқ.

Унутгайман, кимқи, ўзи айтган дам
Гапин уддасидан чиқмадими, бас,
Кимки инсонлигин оқлолмаса ҳам...
Бундан бўлакларни унутиб бўлмас!

ШУ ҲАМ ЭРКАКМИ?

Кимки беғам, телбадек юрса,
Қачон кўрма хахолаб турса,—
Шуям эркакми?

Ким қиличдан букилмаса, ҳам —
Умри бўйи яшаса беғам —
Шуям эркакми?

Бир калима учун қашлаб бош,
Донолардек керса яна қош —
Шуям эркакми?

Ким юракдан бўлмаса шайдо,
Бирор қиз-ла ўпишмаса ё,—
Шуям эркакми?

Ким ҳар кимга «жонгинам» деса,
Учраганга илашар эса —
Шуям эркакми?

Бизга тутса узангини бот,
Ҳам душманга сотса шу заҳот —
Шуям эркакми?

Дастурхонга келганда, гоҳи
Бўшатмаса май тўла шоҳни —
Шуям эркакми?

Кўча-кўйда, одам кўп жойда
Шароб отса тинмай бефойда —
Шуям эркакми?

Кимки умри сафарда ўтса,
Ота уйин агар унутса,—
Шуям эркакми?

Ким ғайратга берилиб фақат
Қилмай қўйса бизларга шафқат,—
Шуям эркакми?

Ким сўз берса, сўзки бир яроқ,
Унга амал қилмаса бироқ,—
Шуям эркакми?

ЭРКАКЛАР

Баъзилар бўлади ҳавойи ва пуч,
Аммо, попоқ кийиб, кеккаяр доим.

Ишқ дейди:

— Барини қилинг менга дуч,
Аниқлаб бераман асл эркак ким.

Учардек мўйловин бурару аммо,
Баъзи бир кимсалар бўлади номард.
— Эркакман, дейишга ҳақлими ҳамма,
Текшириб кўрамиз,— дейди фалокат.

— Кўрамиз!— ҳайқирар тўлқинлар шу чоқ,
Тунги осмон бирдан ёришиб кетар,
Пайдо бўлар бўшлиқ узра бир сўқмоқ
Ва ундан бир йигит от қўйиб ўтар...

Бош узра ўқ учиб ўтар ногаҳон,
Нақ томоқ тагида ялтирар қилич:
Овулнинг гўзали, бир қоши камон
Хиёнат қилибди бир мардга бу кеч.

Шунда қадаҳ дейди:

— Ҳар қандай одам,
Мард бўлса, қаршимда тик турсин ичмай:
Нечоғ иродали, билинар шу дам,
Мардми ё номардми, айтиб берар май!

— Эй, барча кишилар келсин биз томон,—
Кармонда тангалар кулар жаранглаб,—

Қай бири яхши-ю, қай бири ёмон,
Қай бири қадрли — оларсиз англаб.

Бирдан тоғ товуши чўққидан бир жом —
Садосидай пастга таралди равон:
— Эркак ҳақ-ноҳақни фарқ қилар мудом,
Улолгай озодлик учун ҳар қачон.

ЎРҚОҚ ЭРКАК ҲАҚИДА ХОТИНЛАР ҚУШИҒИ

Тоғларда, жанг олди, кўп ивирсийсан,
Нечун тез солмайсан тўппончангга ўқ?
Безгак тутган каби нечун титрар тан,
Кимсан ўзи, тоғлик, эркакми ё йўқ?

Қўрқувдан бўлибди рангинг бир аҳвол,
Қисматни алиша қолайин, майли,
Попоқни менга бер, сен рўмолни ол,
Сен — хотин, мен эркак бўлайин, майли.

Қўлингга бераман ўткир бир ўроқ,
Зиммангда ўроқчи хотиннинг куни;
Мен эса, шивирлаб қасам ичароқ,
Қисаман сен тутган ўроқ тиғини.

Уримдан қайтасан, сигирни соғиб,
Сув-пувни ташийсан ва бу орада,
Уйингга, хотинлик бурчингга содиқ
Киримни ювасан киртоғорада.

Уйга қайтганимда қўноқлар ҳамроҳ,
Дастурхон тузайсан, бўза қуясан.
Қайтганимда, қўлим бўш келмас ҳеч чоқ —
Совғаларни олиб, мени суясан.

Шалпанг қулоғингдан ушлаб ўзгинам,
Гоцатлин зирагин тақиб қўяман,
Силаб, овутаман сени бир боғлам,
Сув текин унцукул мунчоғи билан.

Лаббўёқдан лабинг бўлар одболи,
Упа оқартирар сочу юзингни.
Ташвишу аламдан бўласан холи
Агарда овқатдан тийсанг ўзингни...

Афсуски, тақдирни алмашиб бўлмас,
Балки, кўйлагимни кийиб сен бир бор
Ёшу қари ичра юрсанг бир нафас,
Ўзингга қайтарди жасорат ва ор?!

Одамнинг кўнглини билиш кўп қийин,
Билинар фалокат бошга тушган дам.
Менимча, фалокат билдирар тайин
Хотинчалиш бўлиб қолганда одам.

ДУЗАХ

Кўҳна Кавказ яралган чоқ,
Бир ривоят яшайди мангу.
Худо тавқи ёғилган тоғда
Очиқ эмиш дўзах эшиги.

Асрларки, шу дарвозадан
Ўтар ўликларнинг йўллари.
Сукунатда чинқирган танни
Ямлар эмиш олов тиллари.

Икки чўққи, икки қўриқбон
Олисларга тикилиб аста,
Асрларки туришар посбон
Сўнгги бекат дарвозасида.

Булутлардек қора либосда,
Қора тусда турар икковлон.
Бўсағада умидларни уз
Жаҳаннамга келганинг замон.

Савол бердим уларга дадил
Тубсиз олов рўпарасида.
«Қай гуноҳлар дўзахда олдин
Жазо учун лойиқ аслида?

Эс таниган пайтларда илк бор,
Эшитгандим, гуноҳлари-чун
Севишганлар дўзах ичида
Алангадан бўлармиш кукун.

Балки унга ароқхўрларни
Барин тиқиш керакдир аввал.
Бу дайдилар шаробни қайта
Кўрмаслиги учун ҳеч маҳал.

Балки бунда улуғ посбонлар,
Навбатлар ҳам бошқача ўтар.
Ўғриликка бош бўлганлар ҳам
Гуноҳкорлар йўлидан кетар?»

Соқоллари кулдан оқарган
Тош посбондан шунда чиқди сас:
«Дайди, ўғри, севишганлар ҳам
Бунга илк бор кириши эмас.

Ерда дўзах яратган учун,
Афзалроқдир ҳаммадан кўпроқ —
Ким мансабга урсаю ўзин,
Ёлгон сўз-ла қурса иттифоқ.

Одамликдан тамом кечганлар,
Ҳақни кўриб айтмаганлар ҳам.
Йиғлаб, кулиб қасам ичганлар —
Тушар ундан муғамбирлар ҳам..

Сўнгра ғамгин қимирлаб лаби
Иккинчисин таралди уни:

«Ким виждони тоза бўлмаса,
Жазолаймиз шафқатсиз шуни».

Билдим, даркор посбон экансиз,
Жазо топсин дунёда ноҳақ.
Агар чиндан йўқ бўлса дўзах,
Фурсат етди қуришга уни...

ГУНОҲ ВА ЖАЗО

Узоқ ўтмиш кунларни эслаб,
Кексаларнинг пири, айт шуни:
Аварларда қай гуноҳ учун
Жазоларди ота ўғлини?

«У маҳаллар аяш йўқ эди.
Айби оғир бўлмаса ҳатто,
Бундан буён сабоқ бўлсин деб,
Қамчиларди ўғлини ота.

Гар гуноҳи бўлса оғирроқ
Ота калтак оларди қўлга.
Керак бўлса иснодни ювмоқ,
Жаҳл ичра ханжар суғурган.»

Сен не дейсан бунга, қария,
Шундаймиди ўтган асрда?
«Сал гуноҳи бўлса бўйнига
Урардилар бизнинг даврда.

Бурчин бузса, қамчилардилар.
Чидагил ва ёдда тут ҳар чоқ!
Мачит билан ичгумки қасам,
Иснод учун синарди таёқ».

Сен-чи, аср тенгдоши, отам,
Нелар дейсан?

«Нимаям дердим?

Тоғда энди гуноҳларни ҳам
Кўрмасликка олишар кўриб.

Кечиришар жиддий айбларни,
Нелар бўлмас? Кулфат эмасмиш.
Ўтакетган гуноҳни баъзан
Кўтаришар гўё оқил иш...»

ХУШОМАДГА УЧМАНГ

Замон кўз ўнгида ўлди қаҳрамон,
Зотан асрамоққа тумори йўқ-ди:
Уни ҳалок қилди на ўқ, на бўҳтон,
Уни аста-секин хушомад йиқди.

Иблисдек қўйнига кирди хушомад,
Мазах-ла ўйнади соф виждонини,
У ширин сўзларга учди ва фақат
Асал еб ўтказди ўз давронини.

Лутфу мурувватга берилиб, мамнун,
Гуноҳи ҳақида ўйламасди ҳам.
Аммо, бари бир кун бўлди ост-устун,
Уни ўз комига тортди тубсиз ғам.

Хушомад-ку, ишин битириб, шу он
Илонга айланиб, судралиб кетди,
Тош узра вишиллаб ўтганда илон,
Томган заҳардан тош ўт олиб кетди.

Хушомадга учманг!

Ундаги ҳар тук

Ўвузлик ўқидир. Бизларни ҳар дам
На шуҳрат ўлдирди, на бўҳтон, на ўқ,—
Биз ўлдик ширин сўз — ширин заҳардан.

Ёдда тутмоғи шарт буни ҳар нафас,
Юксак кенгликларга йўл олган шахдам
Фақат фазогирлар ё шоирлар-мас,
Юртнинг ҳар улуғи, арбоблари ҳам.

К Е Ч И Р

Узр сўрамоққа шайман эгиб бош
Насибинг бутуну камлиги учун.
Кеча мен хунбора тўкканимдек ёш,
Бугун сенинг кўзинг намлиги учун.

Гоҳ жадал еламиз, гоҳ қотамиз тек,
Узгарар, тусланар беқарор ҳаёт.
Мени аро йўлда қолдирганидек
Кечиргин, йиқитган бўлса сени от.

Девор соатлари бонг ураётир
Умринг яна бир куни ўтди, деб.
Бошингга иш тушса ҳамдардман ҳозир
Ва сен ҳам, эҳтимол, келарсан етиб...

Юзлар бор, дейсизки, биров ўпмаган,
Кўзлар бор, бир умр гўё сўлмайди.
Лекин бора-бора ажин кўммаган —
Юз ҳам,

ёш тўкмаган кўз ҳам бўлмайди.

Бир томчи ёмғирга зормиз саратон,
Кузда-чи, ёмғирдан бўламиз безор.
Кеча тўй-томоша кўрган хонадон,
Ким билади, балки, бугун азадор.

Умр бу — олис йўл, гоҳ баланд, гоҳ паст,
Баралла қўшиқ гоҳ, гоҳида пичир.
Қайдаким қоқилдинг, етди бир шикаст,
Айбим бўлмаса ҳам,

сен мени кечир!

КЎМАК БЕРИНГ!

Қайдадир дард чекар кичик, мурғак жон!
Онаси йиғлар зор. Одамлар, илдам
Топиб келармисиз бир дори-дармон,
Чақириб ул доно ҳақимларни ҳам!

Дунёга қўл чўзиб зорлангай аёл,
Дунё кўр ёким кар эмас-ку, бироқ —
Унинг ҳам оламча ўз ташвиши бор,
Бировнинг зорига солгайми қулоқ?!

Одамлар, наҳот бу даҳшатмас, даҳшат?
Шошилинг, офатни қувинг беомон.
Сизни бир лоқайдлик бир куни фақат
Қўймаса гўргайди азобга ёмон!

Тоғлик илтижода кўкка чўзмиш қўл,
Ноласин эшитмас ҳеч кимса бироқ.
«Қайда неваралар, қанисан ўғил?»
Шивирлар, атрофга салади қулоқ.

Қарияга оғир, қисади нафас,
Унга кўмаклашсин ким ҳам бундай дам?!
Ўғиллар шаҳарда, уни эшитмас,
Ўз ишидан ортмас неваралар ҳам!

Тинчини йўқотган, дардманддир дунё,
Инграб гоҳ дардини билдиргай бизга.
Биз эса бепарво, ўтар фурсат, он,

Гўёки ҳеч нарса сезмагансимон
Юрамиз ўт қалаб ўчоғимизга.

Наҳотки ҳаётга ачинмай сира
Дунёни беришга қийгай кўзимиз?!
Наҳот барбод этиб танбаллик ила,
У билан йўқолиб кетсак ўзимиз?

АЁЛ БИЛАН

Дўстлар, узр, боролмайман ёнингизга,
Сиз ҳам келманг юмуш ё бир хаёл билан.
Бугун кечни, тўғриси айтсам сизга,
Ўтказаман хилват жойда аёл билан.

Бунда фақат иккаламиз — мен ҳамда у,
Соатлар ҳам гўё бу кез тўхтаб қолар.
Сукунат куй-қўшиқларга айланару
Ажаб сирли ҳам сеҳрли маъно олар.

Сиз, юмушлар, қўшин янглиғ кирманг босиб,
Қаршиламай сизни яна малол билан,
Бу оқшомни, айтсам сизга, кўнгил ёзиб,—
Ўтказаман хилват ерда аёл билан.

Майли, поезд ўрмон оша ўтгансимон
Бош айлансин яна, яна тинсин кўзлар...
Тунги кўкда порлаб турган беҳад, бесон
Юлдузлардек жилвалансин Ерда сўзлар.

Йиртиб ташлай тунги рейсга билетимни,
Кутганларни алдай, майли, бу сафар ман.
Бугун оқшом ҳамма-ҳамма фурсатимни
Ўтказаман хилват ерда аёл билан!

* * *

Юртим — тоғ қизларининг севаман гул юзини,
Уялганда ҳаёдан ёнишлари ярашур.
Ушласангиз қўлидан ҳис қиласиз, ўзини.
Нозли қаршилиқ қилиб тортишлари ярашур.

Бирор пайт кўрганмисиз, кулганда кулдиргичи
Кўзларимни ёққанда — бу жуда ҳам ярашур.
Умр бўйи куйланган ўрим-ўрим қар сочи
Рўмолидан оққанда — бу жуда ҳам ярашур.

Майдагина шумтака жилға шошиб елганда,
Оёқяланг мисоли — унга жуда ярашур.
Саҳар пайти булоқдан муздек сувни элтганда,
Севаман шу дамларни — унга жуда ярашур.

Тоғ қизларин севаман одми кўйлақларида,
Фасонига бир қаранг — бу жуда ҳам ярашур.
Меҳмонга кўз солмасдан келтирганда тамадди,
Иzzат билан кетганда — бу жуда ҳам ярашур.

Тоғ қизлари сўзимни тингласа жим, берилиб,
Дилда қанчалар сурур — бу жуда ҳам ярашур.
Тоғлардаги шиддатли оқимларнинг софлиги,
Баланд-баланд тоғларнинг танти, сертармоқлиги,
Мовий осмон баҳрининг шу улуғвор кенглиги,
Буюк шараф ва ғурур — эҳ, қанчалар ярашур!

БУЛБУЛ ҚУШИҒИ

Эшитдингми булбул куйин?

Янграр шодёна.

Не ҳақда у айтар қўшиқ?

Бу ҳаммага сир.

Мен аминман:

Юрт ҳақида куйлагай ёна.

Йўқса, дарров тегар эди жонига ахир!

ШЕРОЗДА

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

ҲОФИЗ

Шерозда сўрадим мўъжаз дарёдан:
— Не боисдан, қани, бўлгин-чи иқрор,
Кўпдан сен машҳурсан ёруғ дунёда,
Бошқа дарёлардан нима фарқинг бор?

Жавоб берди дарё қўймай тўлғоғин:
— Ҳавас қилгуликдир номим азалдан,
Ҳофизнинг босганман у вақт чанқоғин
Ва мени куйлаган у ҳам ғазалда.

Сўрадим Шерозда атргулдан ҳам:
— Неча асрларки, нечун жаҳонда
Сени аташади энг гўзал, кўркам,
Ахир гулнинг зоти кўп-ку бўстонда?

Оқшом юлдузидай нечун қадингни
Ўзга атргулдан қўюрлар баланд?
— Чунки ортқирганди Ҳофиз қадримни
Ўзининг оташин ғазали билан!

Аёллар ҳуснига нигоҳ ташлаб ҳам
Ўша саволимни такрорладим боз:
— Не учун қадимдан сизни бу олам
Ҳусну латофатда санар беқиёс?

— Умрни бир қултум майга ўкшатган
Ҳофиз шундоқ деган саховат ила,
Бир дона хол учун дангал бахш этган
Бухорони шартта Самарқанд ила.

СОБИҚ ДЎСТИМГА

Туҳматларинг ўлдирмас сира,
Ажралишдик... Йўқдир ҳечқиси.
Лекин қалбда қолдирдинг яра,
Унинг мудом ўчмайди изи.
Елкамга сен ординг оғир юк,
Ақлим кирди, юраман вазмин,
Кимки кулиб сўрашса қуюқ,
Ўйлайман: — Бу — эмасмисан сен?
Суролмадинг менга қора доғ,
Ёқолмадинг қалбимда оташ.
Таъсирингда бўлмадим қўрқоқ —
Бегонадир менга хавфсираш.
Хатларингни йиртиб ташлайман,
Унутаман кечмишни мутлоқ.
Кулиб тушган суратингни мен —
Ўлгунимча сақлайман бироқ.
Таъна билан ўзимни койиб
Уни асрай. Бу — менга ибрат!
Симёғочдай турсин қорайиб:
Боқ, йўлингда қанча машаққат!
Бўш-баёвлик, гўллик бошларга
Келар солар... — сўзларди отам.
Бу ҳақда кўп айтдим ёшларга,
Бу ҳақда кўп ўқиганмиз ҳам.
Таълим берди ҳаёт мактаби —
У нуроний, донишманд устоз.
Ёддан чиқмас райком талаби:

— Ҳушёр бўлгин, комсомолга
хос!

Гарчи берган менга кўп таълим
Уқитувчим, отам, дўст-ёрон,
Аmmo яна мен учун мавҳум —
Кўп нарсани сен этдинг аён.

О Н А М Г А

Тоғ боласи,
шўхликларимдан
Тоғ қилардим мен тоқатингни.
Катталардай, ўжарлик билан
Қайтарардим барча гапингни.

Йиллар ўтди.
Тақдирдан ҳаргиз.
Ҳайиқмасдан мен топдим камол.
Энди сенинг олдингда тез-тез
Ийманаман ёш бола мисол.

Бугун уйда иккимиз яна,
Унсизгина титрайди қалбим.
Оқсоч бошим аста қўяман
Сенинг илиқ кафтингга мен жим.

Алам ҳуруж қилади тагин,
Алам эзар мени, онажон!
Сени жиндай шод қилолмадим,
Асир этган телба бир сурон.

Айланаман унда чархпалак,
Сирқиратар гавго танамни.
Бирдан ортга тортади юрак:
«Унутдимми,— дейман,— онамни?»

Уртаса ҳам сени ҳаяжон,
Кўзларингда кулар муҳаббат.

Кўз ёшингни артасан пинҳон
Ва хўрсиниб қўясан фақат.

Юлдуз чақнаб сўнгги бор тунда,
Ёритади энг сўнгги йўлин.
Бугун сенинг илиқ кафтингга
Оқсоч бошин қўяди ўғлинг.

О Н А

Руслар «мама» дейди, гуржилар — «нана»,
Аварлар «баба» деб суюб аташар.
Минглаб сўзлар ичра бу сўз пурмаъно,
Тақдирин ўзгача шарҳ этар башар.
Туғилганда айтган илк сўзимиз — шу,
Мазмун доираси кенгроқ тобора.
Аскар ўлар они энг сўнгги туйғу,
Нидодай жаранглар шу сўз, ибора.
Бу сўз муқаддасдир, холи гардлардан,
Шунданми, сукунат аро сарафроз
Бош эгиб, ҳислару турфа дардлардан
Кўнгилининг ўзига айтмоқ бўлар роз.
Кўзага сув берган булоқ — тик, қия,
Опоқ чўққиларни айларкан хаёл,
«Она бўлгин менга, эй, чўққи!» — дея
Шивирлайди ушбу сўзни эҳтимол.
Яна булутларни парчалар чақин,
Мен эсам ўлтириб тинглай бу чоқда:
Ерга сингаётган ёмғир «чак-чак» и
Жаранглаб бу сўзни хурсанд айтмоқда.
Пинҳон хўрсинаман ненидир эслаб,
Кўз ёшим сир тутиб кун ёруғида:
«Ташвиш қилма, она!» — деб бошлайман гап. —
Бари яхши бўлар ўз йўриғида!»
Ўғлим, деб ҳаётдан топар у маъно,
Муқаддас меҳрга қул бўлиб яшар.
Руслар «мама» дейди, гуржилар — «нана»,
Аварлар «баба» деб суюб аташар...

* * *

Бизларда нимаки бўлса яхшилик,
Шуларнинг ҳаммасин жамидир ёшлик.

Дил ўти, тортишиш, мурасасизлик
Тез ўтиб кетармиш беш кунлик ёздек.
Ёш ўтиб ўзгарса бир оз рангу қут,
Ёшлик оловлиги бўлармиш унут.
Йўллар, ташвишлардан толиқиб бир пайт
Бўлиб қолармишман мен ҳам тинч, лоқайд.
Вазмин бўлармишман ва салобатли,
Иззату гийбатга бефарқ, тоқатли.
Бир пиёла чойга чорлаб меҳмонни,
Ажратмас эмишман дўсту душманни.
Шундай кечар бўлса кексайган чоғим,
Ҳозир тойиб кетсин, майли, оёғим.
Лоқайд яшамоқдан кўра соядай,
Яхши ҳозир қулаб тушмоқ қоядан.

ЛАКЛАР

Ираклий Абашидзе қизига

Орта қолди дарёлар, тоғлар,
Чўққилар ҳам қолди юксадиб,
Кириб келди уйинга бир лак¹
Йигламайсан нега дод солиб?

Онанг тунлар куйлаганида
Кўнгил ҳисси — тошқинларини,
Айтмаганми, гуржи уйига
Лаклар қилган босқинларини.

Зерикарли тунларда отанг
Сўйлаганда сенга эртақлар,
Мени сенга танитмадими —
Қароқчилар насли деб лаклар?

Асов отим уйғотиб ҳавас
Кишнаб-кишнаб кўкка ирғишин,
Ёпирилиб келсам ёвуздай,
Катталар ҳам мендан қўрқишин.

Шундай эди у замонларда —
Тинчлансин деб йиғидан гўдак
Номим айтиб қўрқитардилар:
«Жим ёт, ухла, келяпти лак!»

¹ Утмишда грузинлар доғистонликларини лаклар деб аташган.

Гумбазларнинг пештоқларида
Чарх уради оппоқ каптарлар,
Гуржистонда энди лаклардан
Ҳеч ким тортмас хавфу хатарлар.

Сен туғилдинг тиниқ кўз билан
Салобатли тоғлар бағрида,
Кўтараман сени осмонга
Етказай деб юлдуз қаърига.

Қарашларинг ўткир ва зийрак,
Ўтирайлик дарё бўйида.
Тўқий сенга гулдан чамбарак,
Сувлар оқсин ўйнаб қуйида.

Қуёш ботди доvonлар оша,
Ой сузмоқда булут йўлида.
Бир оз қилиб ойни томоша
Ухлаб қолдинг меҳмон қўлида.

Бехавотир ухлайвер, гўдак,
Сенга алла айтмоқдадир лак.

* * *

Тоғлилар нақлича ўликлар бедор,
Азага келганни улар кўрармиш.
Шу учун азага келганлар қатор
Тобутдан сўл ёққа бориб турармиш.

Тоғлар тоғлар билан учрашмас, лекин
Хотира сақлаш хос замон, заминга.
Шу учун тириклар вақти вақтида
Ўликларга бориб турар таъзимга.

Зиёрат қилгали онам қабрини
Топмасди ҳеч бир куч тан билан жоним,
Турмасдим лаб тишлаб, ютиб нафасим,
Тоза бўлмасайди агар виждоним.

Онамни зиёрат қилиб қабрдан
Қайтарканман гўё тўкиб армоним,
Руҳим енгил тортиб қолади бирдан
Янгиланган каби жоним, имоним.

Қадим ривоятда айтилган такрор:
Ҳасратзадалар ҳам тинчир оқибат.
Ўликлар олдида кимки гуноҳкор
Яна кўп гуноҳлар орттирар беҳад.

Мен кўпинча узоқ-узоқ элларда
Юртдан юртга ўтиб кезиб юраман.
Шунда ўйлаганда ўз диёримни
Отам қабри узра, чапда тураман.

ШЕЪРИЯТ

Аввал иш, ишдан сўнг дам олиш — одат,
Сафар, сўнг ўн минут ҳордиқ чиқариш.
Мен учун ҳордиқ ҳам, иш ҳам — шеърият,
Ҳам — сафар, ҳам — ҳордиқ чоғдаги роҳат.

Бешикда аллалаб, тепамда мудраб,
Жасоратга ундаб куйлаб кўкламни,
Қалбимда туғилдинг муҳаббат бўлиб,
Мен сен билан кўрдим ёруғ оламни.

Бола эканимда сен она эдинг,
Улғайгач сен бўлдинг сеvimли дилдор.
Кексайсам бўлурсан қиздай меҳрибон,
Улсам хоким узра қолурсан ёдгор.

Баъзан чиқиб бўлмас тоғсан мен учун,
Баъзан ўргатилган қуш каби қобил,
Курашганда — қурол, учганда — қанот,
Сукунат эмассан ёки соқов тил.

Қаерда иш тугаб бошланар тиним?
Қачон сафар? Қачон ўн минут ҳордиқ?
Билмайман сен менинг куним ҳам туним,
Дам ҳам, машаққатли меҳнат ҳам сенсан.

ЁШ ШОИРГА

Балки қилолмасман сенга устозлик,
Лекин эсингда тут шуни, ёш шоир:
Шеър дунёга келмас тўлғоқсиз, дардсиз,
Шодлик ё қайғунинг фарзандидир — шеър.

Хожи лаънат ўқи, хожи мадҳия,
Бир хил бўл ҳаётда ва шеърятда.
Шуни унутмаки, тўй либосин ҳам,
Оппоқ кафайнинг ҳам игнаси битта.

Толе ҳақида ёз, шундай ёзгинки,
Юзин ўгирмасин юрак ҳасратдан.
Денгизга оқувчи дарё туғилар
Муздек қор, баҳорги илк ҳароратдан.

Муҳаббатни куйла учқур байтларда,
Аmmo сенга бўлсин ҳамиша аён:
Ҳақиқий солдатнинг қалбида доим
Муҳаббату нафрат яшар ёнма-ён.

Шошқалоқлик билан қалам чоптирма,
Ёзгин фақат фикр келганда тобга.
Ким узади, ахир, хом кўк олуни,
Кимнинг ҳаваси бор ғирт хом шаробга.

Хушёр ва синчков бўл, ахир зўр овчи
Тун бўйи тикилар қорли ўрмонга.
Уқинг бутадаги қуёни эмас,
Кумушранг тулкини олсин нишонга!

ОҲ, ЛАЗЗАТ

Қучоғимга ташлангин, жоним,
Нима керак кечани кутмоқ?
Ғийбатчининг кўзлари тунда
Аланг-тажанг бўлар бадтарроқ.

Шундай бўлган бу ерда доим:
Ёшлар сириг сезган қўшнилари
Разведкадан қайтаётгандай
Икки ёшни гап-сўз қилишар.

Кел, биз очиқ қучоқлашайлик,
Ғийбатчилар куйиб оҳ тортсин.
Бизни кўриб севишганларнинг
Шижоати, рағбати ортсин.

Кел, бағримга ташлангин, жоним,
Олма гул қор учсин, қўнсин хоҳ.
Севгисизлик гуноҳи азим,
Севишганлар эрур бегуноҳ.

Ортга йўл йўқ энди қайтгали,
Биз биттамыз энди бегумон.
«Оҳ лаззат» дер юксак чўққилар,
«Оҳ лаззат» деб такрорлар осмон.

Қ Ұ Р Қ О Қ

«Онажоним, мени яширгин,
Ваҳмдан муз кирди қонимга.
Нима қилай, маслаҳат бергин?
Раҳминг келсин менинг жонимга».

«Шамширни ва попоқни ташла,
Мўйлабингни, ўғлим, қирдиргин,
Рўмолимни ўраб ол бошга,
Тўғри бориб қабрга киргин».

* * *

Сизми ўқиб-ўқиб ҳайронман ҳануз:
Не ҳолки, сиз — қалблар жарчиси, ҳотам,
Оналар ҳақида айтмабсиз бир сўз,
Маҳмуд, Элдарилав, ҳатто сиз — отам!

Каҳобросолик у Маҳмуд сўз деди:
— Марямда қолибди ошуфта кўзим.
Бунақа саволни бермасми эдинг
Уни кўрганингда бир бора ўзинг?!

Марям саждагоҳим эди ягона,
Унинг ошиғи деб элда олдим ном.
Шу қизнинг кўйида ўлар чоқ онам —
Эсладим, шу билан барчаси тамом...

Элдарилав улар бу сўзга сўзин:
— Мен ҳам, ўлай агар, билмабман у дам,
Эсдан чиқарини Моседо юзин
Кўргач ёруғ жаҳон, ҳаттоки онам.

Фақат заҳарланиб чоқ ёқда бир кун,
Тўйда бир қадаҳни бўшатганим он,
Онамни йўқладим, чиқди сўнгги ун,
Шунда у қаршимда бўлди намоён.
— Сен нечун Доғистон тупроғи узра

Онанг куйламадинг! —
Боқдим отамга.

— Ёш етим қолувдим, эслолмам сира,
Рухсори, алласи, меҳрин... аттанг-а...

Мумтоз сатрларнинг мен ҳам вориси,
Сиздек ўткир бўлсам ҳам сиздек ҳотам,
Онамни куйлардим, гапнинг тўғриси,
Маҳмуд, Элдарилав, яна, сиз, отам.

АЁЛ ЮКИ

- Пичан келтирасан ёйдек букилиб,
Терингдан ҳўл бўлгай ҳатто хору хас.
- Ойи, сен кўтарма, ахир мен туриб.
- Уғлим, бу эркаклар юмуши эмас.

Саратон бўлар хоҳ, хоҳ кузак бўлар,
Хоҳ шамол қор селлиб дайдиған дамлар
Овул аёлларин кўраман, улар
Доимий юк билан ҳорғин қадамлар.

- Узим сув келтиргум туриб субҳидам,
Дарбозани очиб, челак берсанг бас!
- Қўйинг-е, акажон, — дейди сингилчам, —
Бу ахир эркаклар юмуши эмас!

Чўққига ўрловчи, баланд сўқмоқ йўл,
Саратон ҳовури бўғади нафас.
— Хотин, қизимизни менга узат, бўл.
— Йўқ, қўйинг эркакка бу иш ярашмас!

Булутлар тўзғиган тоғда ёз-қишин
Ернинг елкасида турган янглиғ кўк,
Севги андуҳлари, турмуш ташвиши
Аёллар кифтига тушган оғир юк.

Эркаклар жанг қилиб бўлгали хунжор,
Билсанг, арзийдурган икки сабаб бор.
Бири: она юртин ҳимоя қилмоқ,
Унинг сарҳадларин дахлсиз билмоқ.

Иккинчи бурч ота-бободан ёдгор,
Ҳамма эркакларга шундай буюрар:
Аёлларни асра, ўлсанг ҳам миинг бор,
Мард шундай курашда шаксиз билинар.

Қўшиқ куйлашгаям эркакка ёна,
Бор фақат арзирли икки баҳона,
Бирн: она-Ерга меҳрдир улкан,—
Тану жонимизга омухта албат,
Сўнмас юлдузимиз у бўлиб қолган.
Ўзгаси аёлга бўлмиш муҳаббат!

ЧОЛ ҚҰШИҒИ

Кимнинг оти кишнади саҳар,
Қайси тулпор ёзгай қанотин?
Эҳ, қанисан, ўт-олов йиллар,
Тиндирмаган елқувар отни?!

Қани, энди тўпни ўқласам,
Ҳассалардан ёқсам эҳ, гулхан...
Уруш палла эдим ёш, ўктам,
Воҳ, ўзимни хобда ҳали ҳам
Ўшандоқ ёш, абжир кўрурман!

Ойдин кеча, ким боғда хумор,—
Куйлар излаб кўнгил ҳушини?
Қўшиқ айтиб мен ҳам неча бор
Олгандим-а қизлар ҳушини.

У қўшиқлар сеҳрига ҳамон
Ҳамон тургум қулоқни осиб.
Кўз ёшланур, кўнгилда армон,
Қизлар кўнглин овлаш бегумон
Ҳар кимгаям бўлмаган насиб!

Бу кексалик юкин чанг мисол
Бўлса илож кифтдан қоқардим
Ва рўбарў келган гулжамол
Юрагида олов ёқардим.

Майли, қалби эрса ҳамки тош,
Чорак аср ёшим бўлса бас,

У юракни қилиб кўп ювош
Шипширдим ҳам: «Тунда қаламқош,
Деразангни очиб қўй бирпас!»

Рақсга тушсам тутмишлар ёқа,
Ҳам бермишлар тўла қадаҳ — шох.
Дилу тилим бир хил... шунақа,
Ориятни асардим ҳар чоғ!

Шу боисдан бошида ҳануз
Қордан рўмол ўраган оппоқ
Қоя узра буюрса номус
Рақиб билан келдим юзма-юз,
Орқаеидан отмадим мутлоқ!

Кун ўтади, яқинлашар тун,
Буриб бўлмас буларни кетга.
Менга даркор бўлса куч бугун,
Кекса билми керак йигитга.

Бу ёшларга мухлисман қари,
Вужудимда ҳарорат-ку кам...
Кексайсам-да ўз ўғитларим
Ила кўп бор асрагум ҳали
Хатолардан ҳаммасини ҳам.

Эй, чавандоз, тинмаган, шошган,
Қайси юртлар сари йўл олдинг?
От ўйнатиб доvonлар ошган
Ёшлигим, айт, қайларда қолдинг?

*

Даркор эмас менга
Эй, сиз, оналари барҳаёт
Мени овутишни қўйинг, негакъ
Ясама кўринар сизнинг афгонлар.

Билинг, айбситмайман,
 сиздан йўқ гинам,
Барча ҳамдardликлар беҳуда бироқ...
Оҳ, тирик бўлганда мунисим, онам,
Йўламас эди-ку менгаям фироқ.

Марҳумга чекишдан кўра дунё ғам,
Менга дардкаш бўлиб йиғлашдан аввал —
Тирик онангизни эъозланг ҳар дам,
Ўз андуҳ, ўзганинг кулфатидан ҳам
Эҳтиёт қилинглар мумкин нақадар.

Сиздан бир илтимос:

 ҳар дам, ҳар қачон
Азиз онангизни айланг эҳтиёт,
Бўлмаса кутадир бало беомон,
Ўзни кечирмайсиз, экансиз ҳаёт.

Мана мен гоҳи кун бўғар нафасим,
Додлаб уйғонаман тунлар ногаҳон,
Онам чақиргандай, келади саси,
Дегандай бошимда туриб: «Болажон?»

Эй сиз, ёнгинамда турганлар қатор,
Айтинг, бу андуҳдан наф тегарми ҳеч?
Барҳаёт чоғида,— сўрайман такрор.
Онани асрангиз, кейин бўлгай кеч.

ФАРЗАНДЛАР

Гулларда кўрмасдим ўзгача чирой,
«Гулчалар» дер эдим кулиб, бесезим.
Буларга мафтунлигим ортадир, вой-вой,
Уйимда ўсаркан гулдек уч қизим!

Ҳар гул-ла сўрашиб тўхтаيمان бир зум.
Ошиқ паҳлавондек аста эгиб бош!
Гулдонга уларни соларкан, кўзим
Қоплагандек бўлар гилтиллаган ёш.

Илгари ўйлардим, бир хил сайроқда
Дунёда бор қушлар ўйинчоқ мисол.
Аммо фарзандларим кўрдиму боғда
Ношуд эканимдан тамом бўлдим лол...

Қалбим шитирлайди энди шох янглиғ
Келганда қушларнинг қанотин саси.
Булут ошиб кетса қушлар галаси
Юракда аламдир санчилгандек тиг.

Оҳ, қайдан билибман, мен лақма аввал
Бебаҳо бир туҳфа эканин ҳаёт.
Қизларим бағримга олганим маҳал
Барин тушундим у ёш ҳам келди бот!

Бу янгича бахтдан яйради кўксим,
Бир янгича ташвиш босди ногаҳон.
Бу нурни ҳуркитиб қўйишдан қўрқдим,
Қандайин яшабман усиз бир замон?!

Панадан елкамга отсаю ғалим,
Ишшайиб турсая дуч келгани дам?

Бизни кулиб туриб,
ишшайиб туриб,
Ичи қора шахслар неча-неча бор
Аниқ мўлжал ила орқадан уриб —
Отиб ўлдиришди, қаранг, бемалол.

Биламан, йўғимда турфа хил бўҳтон
Ёғдиргай эрта ҳам улар бўлиб жўр,
Қуйруқ ташлаб қўйиб,
писиб бегумон,
Овчи ёяберсин, майли, катта тўр.

Унинг бу қилиғи менга ярашмас,
Шайман рақиб билан икковлон фақат
Юзма-юз тўқнашиб олишгали, бас,
Буқа билан буқа келгандек қават.

ТОҒЛИК КЕКСАЛАР

Улар тоғда, юксакда яшар,
Кўп замонким ўтроқ ва ўктам.
Виждонларин баланд билишар
Шарқнинг ҳамма чўққисидан ҳам.

Чалғитолмас чолларни ҳеч кас,
Шундай ўткир эрур кўзлари,
Дуч келганга бир қарашса бас —
Кимлигига кўзгу сўзлари!

Жанг олдидан уларга аён —
Азал-бошдан шу эрур одат;
Ким чидару бир қоясимон;
Кимни кутар машъум ҳалоқат.

Ёлғонни ҳам дарров пайқарлар,
Кимдан чиқиб, кимда юрмасин:
Қанча нозик, қанчалар серҳал
Ва қанчалар пишиқ бўлмасин.

Нўстин кийиб бутун йил бўйи
Тоғда юрган оқ соқолли чол,
Гапни шундай қотириб қўяр
Ҳар каломи гўё бир мақол!

Тоғ чоллари!

Неча бор ҳали

Юрт мақтовин кўргайлар баҳам.
Кўп асқотган маслаҳатлари
Саркардалар, элчиларгаям.

Ёт чавандоз отини аҳён
Ҳов олисда соларкан йўлга,
Уша заҳот чолларга аён —
Не хусусдан келар овулга:

Не вазифа унга юкланмиш,
Енгилми у ёки оғирроқ,
Қиз олгали балки йўналмиш,
Ё дўстига бўлмоқчи қўноқ?!

Чохда ўтган Камолил Башир¹
Бола экан кўриб битта чол
Башорат-ла дебди: «— Ғам ташир,
Кўп кишига ҳам бўлгай завол!

Улар қизу хотинларин бот
Йўлдан ургай йигит бир куни,
Эл номусин қилиб эҳтиёт
Ўз отаси ўлдиргай уни!»

Эндигина бола Шомилда
Мўйлаб сабза уриб келарди,
Ўз тонглари — тўп мурғак дилга
Саркардалиқ қила биларди.

Ўша кезлар гимринлик бир чол
Қилган экан шунақа бир гап:
«Бир ўт ёқар ҳали бу шунқор,
Бор Кавказни олар у чулғаб!»

¹ Камолил Башир — афсонавий ҳусн соҳиб.

Мурод шеърин тинглаб илк марта
Бошқа бири қилмиш башорат:
«Уқ еб ўлгай бир куң албатта.
Аёлларнинг кўзи деб фақат!»

Қўрқа-писа кутгум ҳар нафас
Шеърларимда кўргай не холлар;
Журналдаги танқидчилармас,
Суҳбатаро тоғдаги чоллар.

Чўққи янглиғ мағруру буюк,
Очгай сирин уларга башар.
Билишади, қорайганда кўк
Бу юлдузлар недан имлашар.

Ҳа, чўққидек мағруру ўктам,
Отларига бўшатаман йўл,
Қачон, қайда рўбарў бўлсак
Бош эгаман қовуштириб қўл.

ТОҒДАН КЎЧГАН ТОҒЛИКЛАРГА

Тоғ аҳли, сиз тақдир ҳукмига агар
Кўникиб водийга кўчсангиз, илк бор —
Тоғлик удумингиз олиб кетинглар,
Тоғ иси, мардлигу дўстлик бўлсин ёр.

Сафар тараддудин қилиб, минг такрор
Содда кўчингизни этаркансиз жам,
Ғорлар жарангини қолдирманг зинҳор,
Унутманг қўбизни, тоғ қўшигин ҳам.

Гўдаклик кезингиз белашган ўша
Эски бешигингиз ташламанг яна.
Кавказни чарх урган гўшама гўша
Оталардан эгар ёдгордир, мана.

Водий кўп сахийдир, у қуёш ичар,
Унда мўл кўркамлик, ҳарорат ва нур,
Жасорат ва номус чўққисин пича
Тарк этсангиз кўчиб бу абас бўлур.

Бу бўлиқ бепоён, яшнаган, кўркам
Водий қучоғига отланган, ҳей сиз —
Камбағаллик тоғда қолсаям бу дам
Лекин ҳалолликни олиб кетингиз!

Жондош қояларни ташлаб кетаркан,
Урганманг дарёлар беқарорлигин.
Шошган дарёларни денгиз ютаркан,
Сиз сақланг тоғликнинг асос борлигин.

Тоғ аҳли, кўчсангиз тоғдан, аввало
Тоққа хос номусни олингиз у дам,
Акс ҳолда бир умр бўларсиз гадо
Ҳатто толеингиз кулиб турса ҳам.

Тоғ аҳли, сиз қайда бўлманг, пурвиқор
Тоғлик удумини қилманг ҳеч барбод,
Ажиб кўркамлигин сақлаган мисол
Қояда туғилган оғу умрбод!

Тоғ аҳли, кўзани ортинг карвонга,
Унда сув ташибсиз олисдан кўпроқ!
Оталар қабридан олинглар ёнга —
Тошлар парчасини ҳам чимдим тупроқ.

Ажабмас, водийда толе бўлса ёр,
Шуҳрат, довруғингиз эшитса олам,
Тоғ аҳли, қадрингиз туширманг зинҳор,
Шуҳратга арзимас қадри паст одам!

* * *

Бир оқил кишини ҳатто юз нодон
Яхши биламанки, буколмас асло.
Бир тентакка бериб беҳудуд имкон
Юз оқил қочганин кўрганман аммо.

Шу тентак шоввозда қолди ихтиёр,
Роҳат, фароғатда, ҳар иши сара...
Шу экан донолар қочса шармисор,
Ҳатто бу ишидан қизармай сира.

Оқилнинг сўз кучи менгадир аён
Унинг бир каломи, валлоҳу аълам,—
Тентак сафсатасин этадир пайқон,
Ҳатто юз овсарга берадир барҳам.

Бир доно куйчини юз-юзлаб овсар
Бўғиб қўйганини кўрганман, бироқ.
Куйга қора суртар, қўшиқдан кулар
Оқни қора қилар, қорани-чи оқ.

Яхши биламан, ҳа, тентакка оғир,—
Майблиги ёмон бичилгандан ҳам.
Табиатнинг ўзи камситгандир зил,
Ожиз туғилгандан дарди эмас кам!

Кўрсатмоғим керак тентакка керам,
Бироқ бошим узра ўйнар хилчини.
Ўзимни урганга ҳамки ачинсам...
Бу — тентак бўлганим, эмасми чини?!

СЕВИМЛИ АЁЛЛАРНИНГ НОМИ

Безовтадир бу буюк очун,
Бир тадбирни билурман бироқ...
Жанжаллардан тиймоқлик учун
Эрларга шу тадбир дурустроқ.

Ҳаддим бўлса агар,
 ботиниб
Чўққиларнинг барига шу зум
Олам кезиб, қўярдим ўзим
Суюк аёлларнинг отини.

Бу оламнинг кўркам ярмисин
Номи янграб турса ҳар ёнда,
Урушқоқлар олгай сокин тин:
Ору уят уйғониб қонда.

Ҳаддим бўлса яна зиёда
Масъулликка кафил деб жисмим,
Сарҳаддаги барча дарёга
Қўяр эдим оналар исмин.

Токи виждон, тантилик яшар,
Унинг ҳукми элга келгай қўл:
Бунақанги дарёлар оша
Ўтишларга ҳеч қўймагай йўл!

Аримасин дея кўздан нур,
Этар эдим урушларни маън;

Юлдузларни атардим бир қур
Қизларимиз номлари билан.

Шунда бирдан тинчирди осмон,
Ёмон ўйлар юрмасди учиб...
Бўлмас эди бирорта нишон,
У жанговор самолётлар учун.

Ер ҳам тинчиб ҳарбу зарбидан,
Жўшгай яна шавқ, илҳомлари...
Доим янграш шоир қалбида
Суюк аёлларнинг номлари.

БИЗДАН ДУРУСТ...

Келгач умр байтул хазони
Ёлғиз истак қолгай дунёда :
Фарзандларнинг бахту камоли
Бизникидан бўлсин зиёда.

Тўкис бўлсин ризқу рўзлари,
Бизда эди ярим-ёрти гоҳ...
Жондан кечиб севсинлар бари,
Фикрлашсин жасуру огоҳ.

Оталарин бор уйқусидан
Ширин бўлсин тунги хоблари.
Ёшлик, бахтнинг шан туйғусидан
Ажралмасин дил китоблари.

Майли, мақтов эшитсинлар хўп,
Кетмасинлар талтайиб бироқ.
Ёзганлари завқ-шавққа тўлиб,
Бизникидан бўлсин яхшироқ!

Виждон бўлсин уларга ҳакам,
Ҳақиқатга тик қарашсин, бас,
Унга яқин юрсинлар қар дам,
Биздан дуруст яшашсин хуллас!

БИЗ — ЙИГИРМА МИЛЛИОН

Йиллар суронида бир фидойи жон,
Бедарак кетгандан маҳшарга қадар —
Йигирма миллионмиз, йигирма миллион,
Урушдан қайтмаган, қурбон бўлганлар.

Ваҳшат ўпқонида йитмадик беиз,
Гар йўллар бўлса ҳам нотекис у он.
Хотинлар тушида ҳалиям ёшмиз,
Оналар хобида гўдакмиз ҳамон.

Ғалаба кунида тинмасмиз биз ҳам,
Ойнадан нур сўниб, оғгунча кеча,
Баримиз — аскардан генералгача
Кўринмай юрамиз сиз ила ҳамдам...

Бу кунни кутамиз доим интизор
Шу кунни сизлар ҳам офтобда, руҳда.
Бошимиз устида кулгу ила вор
Елвагай учадир гўё омухта.

Йўқ, асрий уйқуда кетмадик беном,
Мангулик оловин ёнида ҳар вақт,
Кўнгил амри билан этиб эҳтиром,
Сўрайсиз бизлардан турли маслаҳат...

Урушдан қайтмаганлар фикрини билиш
Хоҳиши сизда ҳеч бўлмасин қанда —
Айниқса, бировни таниб, ўрганиш,
Ё бирор гуноҳга тўғри келганда.

Неники хандақда дахлсиз билдик,
Е неки қайтардик кечиб жанг-сурон,
Сизга барчасини васият қилдик,
Елғиз умримизни тикиб бегумон.

Биздан сўнг қуйилган медалларсимон,
Юрт олдида тенгмиз барчамиз, дўстлар —
Йигирма миллионмиз, йигирма миллион,
Урушдан қайтмаган, қурбон бўлганлар.

Тоғлари булутга қадалган элда,
Қуёшдан ойгача ҳар фурсат, ҳар зум
Тириклар ёдида яшармиз бирдай,
Бўлиб гоҳ ғуссаю гоҳи табассум.

Майли, военкомат бизни ўчирар,
Ва лекин рақиблар олсин шуни тан —
Энг аввал марҳумлар урушга кирар,
Агар тирикларни чақирса Ватан.

Дўзаҳий у кунлар келмасин асло,
Лекин биз жабҳалар олишга шаймиз,
Тирилик, бошқатдан ўлармиз, аммо
Бирор тирик жонни ёвга бермаймиз.

Сиз ҳам ҳар нафасни қилиб эҳтиёт,
Емонлик дуч келса чекинмай сира
Тоза виждонимиз ҳаққи, умрбод,
Бир авлод бўлингки, бизга хос, сара.

Кўп йиллар яшангу ибратли яшанг,
Дунёни қилингиз аҳил, серкарам.
Бирорта миллатни асло камситманг,
Бошингиз осмонга етган чоғда ҳам.

Қабр тошларида — не турфа нишон,
Не эллар фарзандин бунга қўйганлар.

Биз эсдан чиқмаслар — йигирма миллион,
Урушдан қайтмаган, қурбон бўлганлар.

Ҳар учган юлдузким мисли бир хитоб,
Мажнунтол бир ёнда маҳзун, агар бош...
Бошимиз устида омухта шу тоб —
Шодлигу маъюслик,
Кулгию кўз ёш!

ТОҒЛИКЛАР ЛЕНИН ҲУЗУРИДА

У палла аллақачон
Доғистон тоғларида
Кишилар куйлашарди
Қўшиққа солиб уни.
Шу номни такрор этиб
Қонли жанг чоғларида
Жангчилар жон берарди
Дарада кундуз-туни.
Торгина дудли, ғариб
Кулбамизга бўлиб жам,
У ҳақда билганларин
Шавқ билан сўзлардилар.
Ленинга атаб бахши
Айтсами қўшиқ


шу дам —

Шу қўшиқни қайтадан
Куйлашга ундардилар,
Номини билардилар.
Бироқ тоғда ҳеч қачон
Кўрмаганлар ҳаттоки
Бирор кичик расмини.
Доғистонда кўп оғир
Йиллар эди у замон.
Қайноқ ёзу қизгин жанг
Утказарди азмини.
Баҳорни соғингандай
Қаҳратон қиш палласи,
Кунда куйган сояни

Орзу қилгандек, бетин —
Қийналган, ҳолдан тойган
Кишиларнинг ҳаммасин
Тушига кирмиш Ленин.
Уни тоғдан ҳам баланд
Деб ўйлар эди бари.
Қилич солса душманлар
Даҳшатдан қочиб қолар.
Улар-чи тиғдан ўткир
Ҳам сермаъно назари
Қора попоқ тагида
Ёниб ақлу ҳуш олар.
Ҳузурига бориш-чун
Отланганди сафарга
Доғистон элчилари
Пойтахт сари қутлуғ дам
Кубачиклар зўр қилич
Тутди тортиқ этгали,
Андида тайёрлашди
Паҳлавонбоп бурка ҳам.
Унга олиб кетишди
Трубка — сопи олмос,
Ҳам шоҳидан тикилган
Тамаки халтаси бор.
Яна бутун Доғистон —
Каспийдан
Сумадигача
Топширди унга салом
Йўл бўйи такрор-такрор.
Кетишди ошиб дара,
Ошиб дала, ошиб тоғ,
Кенг юзларин ялатиб
Шамолнинг зўр шаштига
Тоғликлар
Кўпни кўрган.
Умрида улар бироқ

Бўлишмаган бу нурли
Советлар пойтахтида.
Москвада бўлса-чи,
Меҳнаткаш Москвада
Саҳардан тунга қадар
Қайнарди шонли меҳнат.
Ёш соқчи қаршиларкан
Кремль бўсағасида
Дарбозадан ўтказар
Деган каби «марҳамат».
Кенг очилди бундаги
Ҳамма эшик уларга,
Оддий экан жиҳози,
Камтарона турмуши.
Ёнларига чиқди тез
Паҳлавонмас, оддийгина
Паст бўйли киши.
Кремль палатаси,
Нақшинкор деворлари
Чироқнинг шуъласидан
Енгилгина қисиб кўз
Эски дўстдай сўзлашар,
Хайрихоҳ саволлари,
Маслаҳат ҳам сўрайди
Сўз кетидан қўшиб сўз.
Шамол каби ўтади
Сездирмай учқур фурсат.
Доғистон элчилари
Бўлишди жуда мамнун.
Кетишга отланишди
Димоғ чоғ, кўнгил хурсанд,
Келтирган совғаларин
Унутаёздилар бутун.
Меҳмонларга жилмайиб
Қаради Ленин шунда,
Олди бурка, қилични,

Олди трубкани ҳам.
Уларни ранжитмай деб
Гапирмади, бутунлай
Чекишдан узоқлигин
Аста кулиб қўйса ҳам.
Улар деди Ильичга:
— Бизнинг тоғли, олис эл,
Шу тобгача кўрмаган
Билсанг, аниқ юзингни.
Ильич энди бирорта
Суратингни бизга бер,
Энг ажойиб совға шул,
Кўриб юрсак ўзингни.
Халқ вакили ошиқар
Уйга, елдан тез суръат,
Йўлда янги режалар
Билан яшар бус-бутун.
Тоққа олиб келишар
Қадрдон, азиз сурат
Лениннинг сўзи билан:
«Қизил Доғистон учун».



Саккизликлар, Тўртликлар,

Бутиклар

www.ziyouz.com kutubxonasi

САҶКИЗЛИҚЛАР

* * *

Шошилмай ёздилар боболар қадим
Ханжарлар юзига ханжарлар билан.
Мен зўрға қийналиб ёзаман ҳадеб
Уни қалам билан, бўш сўзлар билан.

Жангга от сурдилар боболар қадим
Хайрлашиб севган ерлари билан,
Менинг сиёҳ билан зўрға ёзганим
Тошга ёзди улар қонлари билан.

* * *

Умрим — гилам. Мен уни эплаб
Тўқиёлмадим. Хижолатдаман,
Тўқимамга қараб синчиклаб,
Қанча-қанча нуқсон топаман.

Китоб ёздим, эплаёлмадим:
Бўш саҳифа кўп унда беҳад.
Бунчалар суст ташладинг одим,
Бунчалар кеч келдинг, маҳорат?

* * *

Қўшим бир қиссани қиларди баён,
Қошгани чимириб, кўзларин қисиб.
Бир кампир кўзасин кўтариб шу он
Ўтди оқсоқланиб кўчани кесиб.

Гапни чала-чула тугатди-да чол,
Кампир орқасидан қараб қолди у.
Кампир муюлишда бурилгач, дарҳол
Деди: «Қандай гўзал жонон эди у!»

* * *

Менинг қалбим байрам дастурхонидир,
Ҳамма нарсадан бор — ҳеч ками кўстсиз.
Таклиф қилдим дўстни, у бўлди ҳозир,
Сен ҳам кириб келдинг, ногоҳ таклифсиз.

Биз турдик қаршингда, дилбар, қаламқош,
Бутун эътиборни ўзингга олдинг.
Бўлдинг уй эгаси ва базмга бош,
Такаллуфсиз меҳмон мен бўлиб қолдим.

* * *

Болалар йиғлайди билмаймиз нега?
Билиб бўлмас буни баъзан сўраб ҳам.
Бугун бир хафалик илашди менга,
Ўзим ҳам билмайман, нимадан бу ғам.

Шамол эсар бугун шикоятмуз,
Бугун алланечук ёмғир ҳолати.
Қуёш ҳам осмондан нур сочади сушт,
Сенинг товушинг ҳам бугун ғалати.

* * *

Кунларни эслайман, олис, аввалги,
Жуда оз яшаган дўстларни, ҳайҳот!
Мен тирик қолганим сабаби, балки,
Улмаслиги учун ерда хотирот.

Жанг-жадалда қанча дўстлар қолдингиз,
Ҳаётни, ёғдуни севган шу қадар...
Ҳаёт юрганимнинг сабаби бу кез,
Чақмоқ умрингизни куйлашдир магар.

* * *

Баҳор сафо, саз келса,
Баравж сайрайди қушлар.
Лекин илк аёз келса,
Сўнади ул хонишлар.

Қиш, қор чўзилса қанча —
Эшик очмас зимистон,
Куйчи тўнмас, аксинча,
Куйлар баттар жўшиб қон.

* * *

Хатлар ёзмайди дўстим,
Хатлар ёзмайди дўстим.
Уз-ўзимга ёзаман,
У ёзган деб ўйлайман.

Ва ҳамсояларимга
Ўқиб бераман қўймай,
Меҳр ва соғинч тўла —
У ёзмаган хатларни.

* * *

Тоғлар кулранг туманда.
Уфқ бўғиқ, тонг нигун.
Қуёш қани, қаёнда,
Бу не ғира-шира кун?

Кун эмас бу, жангоҳдан
Тунда ёлғиз қайтган от,
Сувориси шул ёқда
Жонсиз ётибди, қайҳот...

* * *

Уйғотди хуш тонг ҳиди,
Осмон булутсиз. Тиниқ.
Кеча довул-сел эди,
Борлиқ йиғлоқи, сўник.

Кўк тоқига бу тунда
Шоти қўйган ким экан,
Ойналарни қурумдан
Артиб қўйган ким экан!

* * *

Нотаниш бекатлар
Тўхтовлар они
Вагондан чиқаман:
Кўраман сени!

Олис ёт элларга
Тайёра элтар.
Чиқсам: Биров... Сенга
Кўп ўхшаб кетар!..

* * *

Биламиз — умр иши кўп қийин савдо.
Нолиймиз. Ҳаётни сўкамиз баттар.
Қанча солмасин у шўришу ғавго,
Кўнгилни боғлаймиз унга шу қадар.

Уйдим-чуқур йўллар, қалқишлар, жунун...
Бу қандай кўргулик, қандай ихтиёр!
Ва лекин барибир умр кўп ширин,
Ҳаётдан гўзалроқ яна нима бор?!

* * *

Одамлар туш кўрар шодликни, ғамни,
Уйини, бахтини ва кўп шу йўсин...
Лекин биз сен билан учрашган дамни
Ҳеч ким тушида ҳам кўрмаган бўлсин.

Теварак-атроф ҳам билмаса тузук
Бошимизга тушган бу на сирли кор —
Нечук изтироб бу, нечук бахт ўзи
Ва қалбда титраган нечук нажиб тор?!

* * *

Зўр бир қўнғироқни қиламан орзу,
Унга еру осмон бўлса ҳавоза.
Қошимга сен келган пайтда кўкдан у
Чексиз қувончимни этсин овоза.

Минг бир оҳангли ул буюк қўнғироқ
Ярим кечадами, ё кундуз куни;
Тинмай жарангласин, сен кетганинг чоқ
Юрагимга тушган сўнгсиз қайғуни,

* * *

О, сен ҳаёт тонги! Тенгқурлар билан
Сени хуш ўтказдик, шодлик бир дунё.
О, ҳаётим шоми! Сен уйсан улкан
Ва қайғу майини ичмаклик танҳо...

Фалак! Қўй, ёндирма юлдузларингни,
Розиман самодан абад ўчсалар.
Эсга солдинг ахир ул дўстларимни,
Қисматидан айтиб ғамгин қиссалар...

* * *

На моҳи талъатсан! Кўрдим кечқурун,
Алғов-далғов бўлди бир зумда қалбим.
Мени алдамапти демак қора тун...
Тонгда кўриб... баттар ром бўлиб қолдим...

Баҳорда янада ёндинг бетакрор,
Қуёшингдан гўё кўзлар қамашди...
Мени алдамапти гул тўла баҳор.
Қиш... сенинг ҳусниятни яна ҳам очди...

* * *

Гоҳ гувлаб киради хонамга шамол,
Киради эшикми тешикдан ўтиб.
Уйга худди шундай, кудурат, малол
Кўчадан кирадир этни жунжитиб.

Хонамиз меҳрдан, нурдан чароғон,
Қара, қаҳратон ҳам, қор ҳам йўқдир, бас.
Бу совуқ гап-сўзлар, маломат, гумон
Кўчадан киргандир... бизники эмас.

* * *

Жуда қувонганлар дастур жамоат
Кўз очиб дунёга мен келган маҳал.
Чакки гапми, ўсиб соатма соат,
Тоғликлар сафига кирурман жадал.

Лекин бундан буён яшайман қандай,
Қандай куйлай, ёнай, йўқолди тинчим.
То қолсин қалбларда камаймай жиндай,
Туғилган пайтимда бергай севинчим.

* * *

Гарчи ширин эмас барчага ҳаёт,
Бироқ барча севар... мангу, абадий.
Гарчи сени қарғаб соларман фарёд,
Бироқ, юрагимда ўчмас ишқ ўти.

Мен совуқ қотаяпман. Ёмғир ҳам тинмас.
Мен нодон кутама кўкламда қорни.
Гарчи тушимда ҳам ва ўнгимда ҳам
Сира тополмайман чорлаб сен ёрни.

* * *

Юрагим ёнмоқда, юрагим олов,
Аmmo қанотим йўқ.. нетай юракни.
Қанот? Мана қанот! Елкамда баёв!
Лекин баланд тоғлар тўсмиш фалакни...

Учдим мен... ва ўтдим тоғлардан, бироқ
Денгизга йўлиқдим асов, беқирғоқ.
Бу дардлар, бу ғовлар тугарми охир...
Севги, йўлинг оғир... йўлларинг оғир...

* * *

Уғилнинг насиби дунёни бўйлар,
Лекин она ёпиб берган нон ширин.
Файзга, меҳрга тўлмасми уйлар
Она чироқларни ёқса кечқурун!

Онамни ўйлайман ҳар кун, ҳар соат,
Унинг қўшиқлари қалбимда шоён.
Дунёда мен илғаб етган ҳар ҳикмат
Азиз волидамнинг меҳридан аён.

* * *

Билса эдинг мен ҳақда ҳамма нарсани агар,
Аввал-охир — умрингда ранжитмасдинг мени ҳеч.
Лекин менга осонмас, оғрийди жароҳатлар,
Уларни сен келтирдинг мени билмай эрта-кеч.

Билса эдинг мен билан не кечгани — ҳаммасин,
Аввал-охир — умрингда севмасдинг мени зинҳор.
Умрим буткул у нохуш лаҳзада қоларди, чин...
Мени билмаслигингдан мен қанча шодландим, ёр.

* * *

Мен йўлларга зорландим, боқдим:
«Дўстлар келсин... дўстларим — бахтим...»
Йўллар айтди: «Ҳеч йўқ иложи...
Ҳозир ишнинг айни ривожини...»

Эшикларга қанча топиндим:
«Дўстлар очсин сизни... соғиндим...»
«Бизда не айб! Улар жуда банд...
Сўнгроқ... ҳозир чора йўқ, дилбанд!...»

* * *

Май. Ўтлар кўкарди тоғнинг қошида.

Сочлари оқ она томнинг бошида.

Ўғил урушда ўлди.

Чарчоқ аёл келар булоқдан танҳо,

Келин бўлмоқчийди ўшанга, аммо...

Ўғил урушда ўлди...

Болалар кулкиси янграр дафъатан,

Булар бошқа аёл, бошқа отадан...

Ўғил урушда ўлди.

Баҳор. Қирлар... Қўшиқ. Уюр учқур ўқ.

Кекса-ёш ҳамма жам. Фақат у... у йўқ.

Ўғил урушда ўлди.

* * *

— Эй тун, қачон тугайсан, қани,

Вир қиссасан узун, бемаъни,

Нечук қора қийноқсан, толдим...

Неча чўчиб, неча қўзғолдим.

— Унчаликмас. Одатий тунман,

Лекин сенинг учун узунман.

Сал кечикди йўлдан ҳамроҳинг,

Келсин, нурга тўлар атрофинг...

* * *

Агар уйда сўз бошласам — сўзлайман сенга,

Жим қолсам, бу — роз айтганим она заминга.

Тинглар асрим, тинглар олам... Яна қолсам жим,

Бу — тоғларим, сув, нур билан дил мулоқатим.

Йўлда агар гап бошласам — ҳамроз коинот,

Сал жим қолсам — чарх ураман бошинг узра бот.

Чўнг денгизга гапирмайман — сенгадир сўзим,

Сенга — тунлар эртақ бўлган ва тонглар созим...

* * *

Разолатнинг сиёғи ўчсин,
Бор бўлсин бу нур тўла олам,
Шаҳло кўзинг, қўлинг бор бўлсин
Ва биз айтган ул бир жуфт калом.

Бор бўлсин, асрим, содда ва чигал,
Бор бўл, ўша сен туғилган он.
Ва бор бўлсин бизларга маҳтал
Минг-минг ёрқин юлдузли осмон.

* * *

Саккизликлар — саккиз қатор,
Тоғдан тушган саккиз ирмоқ,
Шеър уммонин йўллари тор,
Ул уммонга етинг тезроқ.

Саккизликлар — саккиз қатор,
Кўҳистонлик саккиз ўртоқ.
Кезиб чиқинг йўллар бисёр
Номинизга туширмай доғ.

* * *

Нега алдаб, яширмақ нега,
Ерга ахир, кўп йиқилганмиз.
Вақт бизларга бўлди тошбағир,
Биз ҳам кўп бор гуноҳ қилганмиз.

Оғир бўлу тўқ бўлма, умр,
Чиғириққа сол мени ҳар дам —
Аммо, Ватан, кечирма бир қур
Бизнинг майда гуноҳларни ҳам.

* * *

Эстон! Қумиқ! Кичик халқмиз деб,
Кўп қисинманг, чекманг, қайгулар.
Дарчадан-да кўринар балқиб
Катта ерлар ва катта сувлар.

Менинг ўлкам мўъжаз, кўзмунчоқ,
Макон қайда, кафтга жо бўлар:
Баъзан нураб ётару бир тоғ,
Қаъри тубсиз бўлар, бой бўлар!

* * *

Агар бизнинг тоғ эркаклари
Қанот билан этсайди парвоз,
Унда, улар тоғ этаклари
Узра бургут бўлишарди, рост.

Агар бизнинг аёллар ҳам, бас,
Қанот боғлаб учсайди баланд,
Бургутлари билинмас, Кавказ
Донг топарди каптарлар билан.

* * *

Қирғоққа талпинар денгиз тўлқини,
Қумларга ташланар шиддат тиғида,
Арзимас чегара чиқар юлқиниб
Денгиз ва тўлқиннинг оралиғида.

Қирғоқ ва денгизнинг қонуни шундоқ —
Тўлқин денгиз сари қайтар юлқиниб.
О, халқим, шодликда, ғамда ҳам ҳар чоқ
Сен — ўша денгизсан, мен-чи — тўлқининг.

* * *

Пўстинларин елвагай ташлаб,
Суҳбат қурар бир тўп кексалар.
Дейман, худди шундай гаплашар
Агар тоғлар тилга кирсалар.

Ана жаранг кулки, тўполон,
Бегам ўйнар шўх болатойлар.
Шундай сўзлар, гар битса забон,
Ўлкамдаги дарёлар, сойлар.

* * *

«Айтгил-чи, эй, бизнинг сўзамол дарё,
Кездинг юз чақирим, юз йиллар бўйи,
Не кўрдинг энг гўзал, ҳаммадан зебо
Шу узун йўллару шу йиллар бўйи?»

Менга жавоб қилди тоғли дарёча:
«Гўзаллик кўрмадим, кириб шу ёшга,
Айни ўзанимда жойлашган ўша
Қора ва шаклсиз бир тошдан бошқа».

* * *

Мангу туюлмайди менга бу осмон,
У гўё тургандай омонат, нураб.
Менга туюлади: гўё ҳар бир он
Тушиши мумкин у устимга қулаб.

Бироқ тоғлар турар мағрур ва ўйчан
Улар паноҳига олгандир мени.
Улар, кўҳна уйни кўтариб турган
Устундай кўтариб турар самони.

* * *

Қадрдон юртимдан бугун мен йироқ,
Юрак кўтаролмас баландликни ҳеч.
Таъна эшитмадим мен сиздан бироқ,
Тоғликлар, меҳрингиз туйдим эрта-кеч.

Биламан, сўнг йўлга чиққаним они,
Юрагим тешишдан тўхтаса билдан, —
Кузатиб қолурсиз, мен дўстингизни
Елкада кўтариб, яхши сўз билан.

* * *

Мен ҳали олови чирсиллаб мангу
Ёнган ўчоқларни кўрган эмасман.
Бироқ кўкрагимда, — мана ўзинг кўр —
Олов ёнар, ёнар тиним билмасдан.

Туну кун чироғи ёнган, нурафшон
Товланган қишлоқ йўқ рўйи заминда.
Бироқ она қишлоқ чироғи ҳар он
Мангу порлаб турар менинг кўзимда.

* * *

«Нега сукутдасан, эй ташландиқ уй,
Наҳот танимайсан, азизим, мени?
Отам қўли билан бунёд бўлган уй,
Нега қучмаяпсан полапонингни?»

Тошлар айтар шунда: «Тушунсанг-чи сен,
Нега қувонайлик, нега, полапон,
Ахир бу кулбага мангуга эмас,
Сен фақат бир кунга бўласан меҳмон».

* * *

Жилга тошар, шаршара гувлар
Ва олисларга бориб сингади.
Сойлар жўшар, дарахтлар куйлар,
Маст шоирлар базми сингари.

Ватанингни мангу тарк эта,
Нега кулиб жўшасан, эй, сув?
Мен эса Ватандан кетаётганда
Юрагимни ўртайди қайгу.

* * *

Денгизнинг ортида, олис-олисида
Ажойиб гулларнинг ҳуснига тўйдим
Ва бирдан соғинчдан титроқ кўксимда
Шода гулларнинг исини туйдим.

Кўк денгиз ортининг, эй одамлари,
Гарчи оқу қора — кулишдик бирга.
Ва мен ишонардим уларнинг бари
Ўхшарди цадалик овулдошларга.

* * *

Яна она-Ватан ортда қолмишдир,
Яна дарё орти — бегона, ҳижрат.
Ватаним сарҳади — на ўрмон, на қир,
Тинчликнинг сарҳади — Ватанга сарҳад.

Бироқ яна қайтгум ортимга, қайноқ
Қўлларин қисарман дўстларнинг беҳад,
Ватаним сарҳади — на кўприк, на сув,
Ҳижроннинг сарҳади — Ватанга сарҳад.

* * *

Бу — жаннатмас, билдилар қушлар,
Авжлари кам куз кирган сайин.
Бошқа иссиқ ерга алишар
Ёз бўйи мақтаган жойин.

Лекин камгап бургутлар шўшмай,
Жим боқарлар шийдам боғларга.
Кетгилари йўқ бу оғир пайт
Юртни ташлаб, бошқа ёқларга.

* * *

Ермолов келмоқда, буйин эг, Кавказ!
А, Пушкин.

Тик чўққилар, тоғ ўғлонлари
Эгилганмас, билган ўз ҳаддин,
У пайтдаям, ҳозир ҳам ҳали,
Генералнинг кўриб савлатин.

Чўктиролмас макр, куч тизни,
Ҳақ сўзларнинг зўрроқ обрўси:
Енголмади Ермолов бизни,
Асир этди пушкинлар Руси.

* * *

Мен ўз юртим ҳақда барча ой нур сочган элларга
Дилдагидек сўйламоқни ҳеч ўхшата олмадим.
Тўла-тўла хуржунларни олиб юрдим йўлларда,
Бахтсизлик-да, лек уларни ҳеч бўшата олмадим.

Ва жарангдор қўшиқ билан, ўз қадрдон шевамда
Ой нур сочган жаҳон аро куйлаб жўша олмадим.
Мен тунука қопланган бир зил сандиқни елкамда
Олиб юрдим, ул сандиқни лекин оча олмадим.

* * *

Қайтдим. Мана тоғлар, даралар.
Узгарибди лекин элимиз:
Бошқа тилда сўзлар болалар,
Ўлмоқдами она тилимиз!

Наҳот энди ўз тилимизда
Гаплашмасак, ёзмасак, эсиз...
Ҳа, дарёлар шошар денгизга,
Ютилишин билса ҳам изсиз.

* * *

Турибман бобомнинг олов тафтини
Унутган ўчоғин қошида бу он.
Кимлардир, қачондир бунда базм қурган,
Улар бу қулбага қайтмас ҳеч қачон.

Бироқ, ёнар мудроқ тошлар оқшомда
Ва давра қуради эркаклар — ёш, дов.
Менинг хотирам ҳам уйғонар, шунда
Товлана бошлайда ўчоқда олов.

* * *

Овулдошим, ёвқур йигитнинг
Қора сочли ёри бор эди.
Йигирмага тўлганда улар,
Уруш келиб мангу айирди.

Ботир йигит ёрин сочига
Оқлар қўнди биттама-битта.
Ўғилларин ёши ҳам бугун
Отасининг ёшидан катта.

* * *

Уруш мендан айирган, эй қадрдон биродар,
Сенинг овозингни мен эшитаман баробар.
Одамлар бор, ёнимда юради шому саҳар,
Бироқ, улар мен учун аллақачон ўлганлар.

Уруш мендан айирган, садоқатли биродар,
Неча бор юрагингинг оловида исиндим.
Одамлар бор, тиригу ёнингда ўтирса гар,
Баданингни жунжитиб совуқ пуркар бетиним.

* * *

Оловларда ёнган жангтоҳга
Кетди неча ботир болалар.
Ҳозиргача дил тўлиб қонга
Уларни деб йиглар оналар.

Уруш сўнди, юртда улғаяр
Жангчиларнинг ёш ўғлонлари.
Ташвиш билан уларга боқар
Ёш қайлиқлар, оналар бари.

* * *

Йигитлар бир жанжал бошласа,
Келар эди имдодга аёл:
Пойларига рўмол ташласа,
Қўлларидан тушарди қурол.

О аёллар, оламда бугун
Қитъалар ҳарб бошлалса тажанг,
Эркакларнинг пойига беун
Кўзёшдан ҳўл рўмолни ташланг,

* * *

«Тоғлик аёл, нечун ҳар нафас
Юрарсан сен эски рўмолда?»
«Гул либослар менга керакмас,
Неча йиллар ётар бефойда».

«Сен уларни нега киймайсан
Ва боқарсан уфқлар томон».
«Мен олдида безанмоқ бўлган
Йигит жангдан қайтмаган ҳамон».

* * *

Доғистоннинг тоғлари аро
Дўстлигимиз бўлсин деб пойдор,
Тортиқ этар йигит дўстига
Ўткир қилич, чакмон ва тулпор.

Мен ҳам сизга қўшиқларимни
Тутай худди дўстлик нишони.
Улар — менинг олмосдек тигим,
Учқур отим, иссиқ чакмоним.

* * *

«Келяпсиз учиб қайлардан,
Осмонда чарх урган бургутлар?»
«Ҳалок бўлди фарзандлар жангда,
Бизлар ўша шаҳид йигитлар!»

«Олисларда товланаётган,
Ахир, айтинг, юлдузлар, кимсиз?»
«Биз қайтмаган тоғликлар қабри
Ўзра кўз ёш тўккан кўзлармиз!»

* * *

Жаҳл келса, ақлу ҳуш кетиб,
Токи йиғсин, дея эсини,
Ханжарларга қўйингиз битиб
Болаларнинг маъсум исмини.

Оналарнинг кўз қароғига
Боқолмасдан, йиғсин деб эсин.
Милтиқларнинг тунж қўндоғига
Ўйиб қўйинг она чехрасин.

* * *

Йигирма йилдирким, икки акамга
Қўйилган номаълум юртда қабртош.
Йигирма йил, улар узра тушимда
Мен — учинчи ўғил тўкадирман ёш.

Англадим дунёни кезиб йилма-йил,
Англадим қидириб шеърига мисра:
Бутун ер халқи ҳам — учинчи ўғил,
Ёш тўкар урушда кетганлар узра.

* * *

Дунё кездим, кўрдим ҳаётни,
Не маъбадлар, ранглар, кемалар...
Айтдиларки: «Бу одамизоднинг
Қўлларидан келмас нималар!»

Кездим, кўрдим: ёнарди ўтда
Не маъбадлар, ранглар, кемалар...
Айтдиларки: «Бу — одамзот-да,
Қўлларидан келмас нималар!»

* * *

Бу дунё кемадир. У кучли бўрон
Олдида омонат, хароб ва носоз.
Кемада аёллар, болалар бордир,
Сузишни билганлар эса жуда оз.

Агар кема аро қўзғалса бирдан
Фитнаю жанжалнинг қаро шамоли,
Не бўлар бу ожиз кемамиз билан,
Не кечар сузишни билмаслар ҳоли?

* * *

Яралишдан сал олдин дунё
Янграганмиш бир сўз, бир калом;
Не сўздир у: қасамми, дуо,
Илтимосми ё буйруқ тамом?!

Омон қолсин десак бу дунё,
Бугун зарур ўша бир калом.
Майли қасам бўлсин у дуо,
Илтимосми ё буйруқ тамом!

* * *

Янги ва зўрроқ ноодамий қурол
Ихтиро этмангиз одамлар учун.
Дўстлик деб аталган қадимий қурол
Юрагим қинига жойлашган турғун.

Оталар, боболар мерос қолдирган
Бу олтин қуролни бизга ишониб;
То уни синдириб қўймайлик бирдан,
То уни қилмайлик занглар нишони.

* * *

Бунда тоғлар нақадар зангор
Ва гувуллар бугдойзор зарҳал!
Агар бундан олса андоза
Дунё яна бўларди гўзал.

Она юртим оқсоқолларин
Ҳикматлари юракда ҳар дам.
Уларни сен англасанг барин
Дунё яна бўларди кўркем.

* * *

Нима бордир, эскирар бари
Ўзгаради бари бешафқат.
Ўзгаради йил ўтган сари,
Ўзгармайман мен ўзим фақат.

Баъзан, баъзан вақт этар ҳушёр:
Йиллар бизни аямас нақ тиг.
Қариб қолган дўстларни кўриб
Юрагимда уйғонар оғриқ.

* * *

Тунлари кўксимга аёлдек аста
Хавотир бош қўйиб тонггача ухлар.
Дам қувонч, дам қайғу ухлар кўксимда,
Қўрқув остонамни итдай қўриқлар.

Тонгда уйғонмайман ёлғиз бир ўзим,
Хавотир уйғонар олдинроқ мендан,
Мендан олдин қувонч, ҳам очар кўзин,
Қўрқув остонамни тирнайди тонгдан.

* * *

Одамлар, судралиб яшайсиз нечун?
Тошбақа судралиб яшайди фақат.
Гарчи улар шошмас,— яшамоқ учун
Уларга берилган роса юз йил вақт.

Бунчалар шошасиз, одамлар қайга,
Қуёндек чопасиз шошиб муттасил?
Қуём умри, ахир, тинимсиз пойга,
Ахир, улар яшар бор йўғи беш йил.

* * *

Хаттоки дунёда беш дақиқалик
Умри қолганлар ҳам дунёда яйраб,
Хаяжонга тўлиб боқишар тетик,
Яшамоқчи каби яна юз йиллаб.

Олида-чи, тоғлар сукунат аро
Ҳорғин ва юракда сезмасдан ларза
Қотганча туради, ғамгин, бесадо
Умри қолган каби фақат бир лаҳза.

* * *

Қайғурасан, сукут сақлайсан.
Биродарим, эй, сафардошим.
Олисларга ўйчан боқасан,
Дардларингни мендан яшириб.

Шундай десам биродаримга,
Деразага боқиб айтди жим:
«Хув тоғлардан сўнг яна тоғ бор,
Ўша тоғнинг орти — қишлоғим».

* * *

Одамлар, биз тонгда турамиз шодмон,
Лекин биламизми, не келтирар кун?
Қасамлар ичамиз, ичдирамиз онт,
Кўрсакки, эшикда пайдо бўлмиш тун.

Хазинамиз — куч ва қудратни тақир
Кун олиб кетади ўзи-ла, тайин.
Ёмғирдан сўнг чакмон кийиб олган
бир
Хотиржам балоғат қолади кейин.

* * *

Тоғларда абадий бекиниб ётган
Олтинлар ва тошлар не керак менга?
Керакмас кўкдаги юлдуз ҳам, зотан,
Порламай беркинса булут қўйнига.

Сен хоҳ кўп яшагин, оз яша ёки
Сенга бир ҳикматни айтайин ошкор:
Узгаларнинг дарди гар ўзингники
Бўлмаган бўлса, бу ҳаётинг бекор.

* * *

Бўлса ҳам бебаҳо оппоқ попоғи
Бош бўм-бўш бўлиши мумкиндир гоҳо.
Мумкиндир қўрқувдан титраб турмоғи
Олтин қилич тутган кимса ҳам ҳатто.

Гоҳо омборлар тўла зотнинг ҳам
Бўлади кечирган ҳаёти бўм-бўш
Ва гоҳо соддагина сўзлар билан ҳам
Қўшиқлар бўлади ҳақиқий, сержўш.

* * *

«Не дейсан сен анов одам ҳақида?»
Дўстим жавоб берди елкасин қисиб:
«Уни танимайман, бироқ у ҳақда
Мен қандоқ яхши сўз билайин, қизиқ?»

«Не дейсан сен анов одам ҳақида?»
Бошқа бир дўстимдан айладим сўроқ.
«Уни танимайман, унинг ҳақида
Мен қандоқ ёмон сўз айтайин бироқ?»

* * *

Шуҳрат тирикларга, керакмас, тегма,
Одамлар ҳақида не биларсан сен?
Гоҳо улар ичра энг яхшисин ва
Ҳатто энг зўрин ҳам ўлдирарсан сен.

Шуҳрат, ўликларга кераксан чиндан,
Халал ҳам бермайсан уларга минбаъд.
Ўликларни қайноқ нафасинг билан
Сен тирилтирасан мудом то абад.

* * *

«Қандоқ яшаяпсиз, ёвқур — эркаклар?»
«Хотин ёмон бўлса — тақдирни сўкиб!»
«Қандоқ яшаяпсиз, ёвқур — эркаклар?»
«Хотин яхши бўлса — яшаймиз тўкин!»

«Қандоқ яшаяпсиз, каптар — аёллар?»
«Агар эр ёмондир — тийрадир жаҳон».
«Қандоқ яшаяпсиз, каптар — аёллар?»
«Эр яхши бўлса ҳам, барибир — ёмон!»

* * *

Дўстим, сен андилик бўлсанг гар, эшит,
Шоҳона кулоҳ-ла шод эт жаҳонни.
Балхарлик кулолсан агар, лой пишит,
Чархингни айлантир бахш этиб жонни.

Инсон, ўз ҳунаринг қадрла, алҳол,
Андилик, лой қориб бўлмагин сарсон.
Кўза ясаш учун, сен ҳам эй, кулол,
Жунларни қийқимлаб, қилмагин корсон.

* * *

Майса узра чўзилиб йироқ
Овулга мен боқдим кечқурун.
Унда порлар минг-минглаб чироқ
Гоҳи яшнаб, гоҳ ўчиб беун.

Қип-қизариб ёнади гоҳо,
Гоҳи ёнар нур гилам тўшаб.
Бири равшан тортади, бири
Ўчар дўстлар қалбига ўхшаб.

* * *

Гоҳо мен буркасиз чиқсам сафарга
Қораяр тўсатдан тоғ узра осмон.
Тулпорим оёғи лат еган кунда
Тоғда ўтқазурлар пойга бегумон.

Ўрмонга қуролсиз мен кириб борсам
Қўрқмасдан қушлар ҳам учар бошимда.
Энг яқин дўстларим ташлаб кетсалар,
Сурбетлаша бошлар рақиблар шунда.

* * *

Уч муқаддас қўшиқ яшар эл аро,
Уларда жамики қувончу алам.
Биринчиси барча қўшиқдан аъло,
Уни тўқир она бешик кучган дам.

Иккинчи қўшиқни ҳам она куйлар зор
Уни куйлар она, куйлар зўриқар
Ўғиллар жасадин кучганда мозор.
Учинчиси — қолган барча қўшиқлар.

* * *

Физиклар аро ҳам шоирлар бордир,
Шоирлар ичида бордир олимлар.
Дунёга бағишлар ҳақиқат ва нур
Уларнинг меҳнати, уйқусиз тунлар.

Физиклар, лириклар, бир кун тўсатдан
Бош узра янграйди ҳаёт нақмоғи,
Биз ҳалок бўламиз нур касалидан.
Юрак кучланиши зўрайган чоғи.

* * *

Қадимда кутарди бешафқат жазо
Инсон сиймосини чизган кишини.
Айтардилар: фақат олло таолло
Бажармоғи жоиз бу қутлуғ ишни.

Инсоннинг сиймоси бетакрор, уни
На чизиқ беролар, на берар бўёқ.
Ҳатто суратдаги ўрмону тоғлар
Ҳақиқий ўрмону тоғдан хирароқ.

* * *

Қора тунда эшик қоқади меҳмон.
Тоғлик бўлсанг, сақла расм-русумни.
Истайсанми ёки истамайсанми
Эшикни очгин-да кутиб ол уни.

Ҳамма ухлаб ётар, сен эса бедор
Юрагинг қўшиқни куйлашга ташна.
Агар шоир бўлсанг, кечикмай зинҳор
Тунни унутганча қўшиқни бошла.

* * *

Қозон қайнар, овқат пишмаган ҳали,
У ҳақда эртадир битмоқ қасида.
Ахир хинкал билан палов таъмини
Билиб бўлмас сира гулхан исидан.

Гоҳ сокин, гоҳ баланд жаранглар пандур
Фикрингни айтишга шошилма бир зум.
Ҳали қўшиқ сўзин эшитмай бир қур
Сен қўшиқ ҳақида чиқарма ҳукм.

* * *

Ханжарнинг дастаси тоза кумушдан,
Товланиб турибди нақшдор, гулгун.
Ханжарни суғуриб олиб қинидан
Боқдим: у занг босган, кўкарган ва кунд.

Бировнинг меҳнати — ачиниб боқдим
Ва шу он ўнгимда сафланди бари:
Ичи занглаб ётган, кунд китобларнинг
Тилларанг, нақшдор муқовалари.

* * *

Уйим остонасин тарк этди дўстим,
Ўнгимда кетди-ю, тушимда қайтди.
Қувонч юриб келган йўлларнинг устин
Майсалар қоплади у кетган пайти.

Дўстим кетди. Нега керак энди шон?
Қандай яшай, қандай куйлайин қўшиқ?..
Энди ғамда кўздан ёш ситилган он
Артиб қўймоқ учун ўнг қўлим ҳам йўқ.

* * *

Чексиз кўкда бургут қоқмоқда қанот,
Тоғ пойида уя қураб чумчуқлар.
Бургутнинг парвози чумчуқ учун ёт,
Гарчи улар ўзин бургут деб билар.

Денгизда тўлқинни кўтарар шамол,
Мудраган сойларда сув қотгандир маст.
Сойлар ўзин денгиз деб сураб хаёл.
Бироқ, оқ кемалар уларда сузмас.

* * *

Бу эртакка ишонишар Хиросимада:
Касаллик — рутубатдан бўларкан холос
Мингта қоғоз турна шаклин касалхонада
Ким тиңмасдан ясар экан қирққанча қоғоз.

Хаста дунё, қўлларингга олгин оқ қоғоз,
Қоғоз турналарни ўйлар, унутиб ғамни,
Ҳалок бўлма ўша япон қизидай ноҳос
Қўлларингга ушлаб сўнгги қоғоз турнани.

* * *

Қора қарға учар излаб эринмай
Мўрисидан тутун чиқмаган уйни.
Улим элчисидай айланар тинмай
Эгасини кутиб ичиккан уйни.

Одамлар уйингиз бўлсин саришта,
Ёришсин у ором, меҳнат қўридан.
Қарғалар учмасин унинг бошида,
Қалдирғоч ин қурсин айвон тўрида.

* * *

Бу дунёда ширинроқ нон йўқ
Она ўз ўғлига пиширган нондан.
Олов йўқдир, ёруғроқ, серчўғ,
Оналар ўчоқда ёққан оловдан.

Менинг юрагимга жўр бўлган ашъор —
Она қўшиғидан не бор гўзалроқ.
Ҳамманинг кўксидан унинг меҳри бор:
Мен онам ҳақида ўйлайман ҳар чоқ.

* * *

Фолбин хотин рангин тошлар билан очди фол;
Тақдиримни айтиб берди ул фолбин хотин:
«Мақсадинг ҳам гўзал эрур, ёруғ истиқбол,
Бироқ ҳали кўп кўрарсан душманлар зотин».

Бўлди етар, фолбин хотин, айтма бошқа сўз,
Фолингсиз ҳам барча гапни ўзим англадим:
Уй-мақсади гўзал бўлса одамнинг, ёвуз
Душманлари бисёр бўлар, кўп бўлар ғаним.

* * *

Елкаларим эди менинг оқ,
Нечун улар қорайди бу дам?
Қора ранг — оқ кунлардан қўноқ,
Кун бор эди — қорайди елкам.

Қора эди сочларим менинг,
Оқарибди нечун у қордек?
Бу оппоқ ранг қора тунларнинг
Хотираси — улардан қолди.

* * *

Мағрурланма, эй Вақт, инсон олдида,
Сен уни соям деб санама, зеро,
Одам борки, умри нурли олтиндай
Сенга умр бўйи сочади зиё.

Умримиз ёритган донишмандлардан,
Ботиру шоирдан бўлгин миннатдор.
Агар сенинг бағринг нурафшон бўлса
Демак, юрагингда улар ўти бор.

* * *

Биз билан заминда ётар соямиз,
Оёқ остимизда чўзилиб ерга.
Биз уни топтаймиз, топтай олмаймиз,
У кетар заминдан биз билан бирга.

Соатлар ва кунлар ўтар бешафқат,
Қариймиз, тўкилиб тушади тишлар.
Гарчи вақт олдида бизлар соямиз,
У бизни заминдан ўчириб ташлар.

* * *

Умрнинг китоби гўзал бир афсун,
Бу китоб сўзлари донодир ҳар он.
Бошоқ бўлиб ердан кўкармоқ учун
Қора ер бағрига тушар ўлик дон.

Баҳорги ёмғирлар тушар қайдадир,
Кўкариб чиқаркан қирдан ялпизлар.
Йиглаб ёш тўкаркан ҳайратдан шоир,
Туғила бошлайди ҳақиқий сўзлар.

* * *

Кўряпсанми, йигит, шовқинга тўла
Шаҳар кезиб юрган мункайган чолни?
Кўряпсанми, йигит, тоза қўл билан
Силамоқда қордек оппоқ соқолни?

Ҳали жуда ёшсан, йигитсан ҳали,
Бироқ йиллар ўтар, оқарур соқол.
Қўлларинг булғама ёшликдан бошлаб,
Уларнинг поклигин мангу сақлаб қол.

* * *

Болаликни кўраман танҳо,
Лабда кулги, киприкда маржон.
Мен қанчалар чақирмай, аммо
У ортига қайтмас ҳеч қачон.

Кўраяпман қариликни ҳам,
Сукут сақлаб боқиб ортидан.
Қичқирсам-да унга «Кетгин» деб
У барибир кетмас олдимдан.

* * *

Ёмғирли кун дарчадан боқдим.
Туман, дарча узра томчилар.
Ёмғир тиним билмай томчилар,
Тоғни, уйни ювар бу оқим.

Ҳеч чима ҳам чалинмас кўзга,
На далани, қирни туяман.
Ёмғир ёғар, кўзимни юсам,
Кечган умрим, сени кўраман.

* * *

Кўрга атроф қора туюлса,
Ой сабабмас, қуёш сабабмас.
Деҳқон агар камбағал бўлса,
Замин асло сабабчи эмас.

Айбдормас-ку ахир совуқ ҳам
Оёқланг титраса зор-зор?
Бироқ, инсон то чекарсан ғам,
Бунга фақат одамлар айбдор.

* * *

Улғаяру учиб кетар қуш,
Ўз инидан четга интилар.
Ва гоҳида инсон ҳам хомуш
Ватанидан йироқда ўлар.

Инсон яшар, олға интилар,
Қувиб етай дея орзуни.
Қушлар каби парвозда ўлар,
Парвоз аро юмар кўзини.

* * *

Деразам ортида ёмғирлар тинмас,
Деразам ортида чақмоқлар бу дам.
Юрагим қатида тўпланди бесас
Оғриғу қувончлар, севги-ю, алам.

Қувончни дўстларга қилгум армуғон,
Қўшиққа бераман оғриқни қат-қат.
Севгини элимга тўкарман ҳар он,
Аламни ўзимга қолдиргум фақат.

* * *

Кўтарса-да гарчи еттиқат кўкка,
Амалу бойликлар, унвону мансаб,
Сўнгги дамда ҳеч ким келмас кўмакка,
Барчаси бекордир дўстинг бўлмаса.

Наҳотки, кун келиб мен ҳам тўсатдан
Топтаб юрагимнинг қутлуғ ҳисларин,
Унвону амаллар, мансаб қасдидан
Сиздан юз ўғиргум, азиз дўстларим?..

* * *

Эй, елкадор одам, деразам тўсма,
Деразам олдида турмагин беҳол.
Кундуз ёруғини кўзимдан тўсма;
Деразам олдида турма, кета қол.

Ахир, унда — тоғлар, далалар йўли,
Денгизни тўсмасин — сузсин оқ кема.
Елкангни кўришдан эзилди кўнглим,
Кета қол, деразам олдида турма.

* * *

Қайғую шодликни кўрганман йўлда,
Кулиб йиғлаганман — вақт эса ўтди.
Гоҳи қувонч бўлиб кирган кўнгилга
Юрагим қатида ғамга айланди.

Аламлар зафарга айланди гоҳо,
Кўз ёши кулгига... Тортишманг, минбаъд,
Ҳеч қачон бўлмаган ва бўлмас асло
Қувонч ва қайғуни айирган сарҳад.

* * *

Зим-зиё демагин Африкани сен,
Гарчи тортишмайман енгиб сабрни.
Бироқ, у зим-зиё бўлса, англагин,
Демак, кимдир ундан тўсмоқда нурни.

Агар бисотида бўлмаса олтин,
Халқларни айблама, ўйлагин андак:
Улуғ шаҳарларни қуришдан олдин
У ҳақда ғорларда тўқишган эртак.

* * *

Барчамиз ўламиз, фониймиз охир,
Гарчи бу маълум гап, янгилик эмас.
Бироқ, яшамоқдан мақсадимиз бир:
Қолсин деймиз биздан уй, дарахт, сўз, сас.

Барча наволарни ўлдиролмас вақт,
Барча жилғалар ҳам қуриб қолмайди,
Жилғалар дарёга қўшар куч, тоқат,
Қўшиқлар биз ҳақда мангу куйлайди.

* * *

«Отам тулпорини беринглар менга,
Чоптира оламан, минг қатла шукур!»
Қамчини босаман, от эса ерга
Кўтариб ташлади мени ўша қур.

«Сукут сақланг, ҳозир бошлайман ялла,
Беринглар отамнинг соз — дуторини!»
Аmmo қўлларимни урганим палла
Узиб юбордим мен унинг торини.

* * *

Инсон дилидаги қора туйғулар
Агар айланганда музга ё қорга,
Заминни қопларди мангу музликлар,
Ташна ўтар эдик ёзу баҳорга.

Инсон дилидаги меҳру муҳаббат
Тиниқ булоқларга айланса агар,
Ерда ҳар қадамдан тиним билмасдан
Булоқлар жўшарди хоҳ шом, хоҳ саҳар.

* * *

Ҳар ўтган кун бир дарахт десак,
Инсон умри ўрмондир бешак:
Не оғочлар йиқилди... Чопиямагани қанча
Ўрмон — умримдан менинг?

Кун, бу ёлғиз отлиқдир, бирдир,
Инсон умри гўё уюрдир.
Қанча отлар қочиб кетди... Қанча от қолдийкин
Умрим — уюримда менинг?

* * *

Удгаяркан болалар беғам.
Мен бирдан қўрқаман, неси қўрқинчли?
Олма гули оқ, ажиб кўклам...
Негадир қўрқаман, неси қўрқинчли?

Булут ёриб ракета учса,
Негадир қўрқаман, неси қўрқинчли?
Ҳеч гап йўғу... лекин қани тинч қўйса
Мени юрагимнинг эски қўрқинчи.

* * *

Тонг билан шом, тун билан кундуз —
Оқ балиқчи, қора балиқчи.
Олам — денгиз, бизлар балиқмиз.
Чуқур ерда сузиб борувчи.

Олам — денгиз. Балиқчи бедор,
Қармоқ, тўри шайдир қўлида.
Ушлашига мени қанча бор
Кун қармоғи, туннинг тўрида?

* * *

Йигирманчи аср тунд назар —
Бизга боқар норози, ҳорғин.
Бўлган эмас дунёда бир гал
Бунча риё ва бунча қирғин.

Йигирманчи аср тунд гарчи,
У розидир биздан бу замон.
Чунки жабру зулмга қарши
Жанг борганмас бундай ҳеч қачон.

* * *

Ёмғирли кун денгиз бўйида
Йиглаб турди негадир чўққи,
Нелар пайдо унинг ўйида,
Бир аёлча дардлари йўқ-ку?

Тонг-азондан баҳорги дала
Кулар-ўйнар елга басма-бас.
Нега кулар? У на шўх бола,
На бир катта дардни ҳам билмас?

* * *

Бош чайқайди олим асабий,
Шоир хафа, ёзувчи тажанг.
Не бўлдийкин, йил сайин Каспий
Саёз тортиб кетмоқда, аттанг.

Ваҳм нечун, не ҳам бўларди
Кўҳна Касбий сал тоб ташласа?
Мен қўрқаман инсонлар қалби
Саёзлашса, қурий бошласа...

* * *

Қийин эмас дарддан ёш тўкмоқ,
Ёшни тиймоқ мушкул атайин.
Қийин эмас ўтмишни сўкмоқ,
Уни тўғри таърифлаш қийин.

Йиллар кирар меҳмондек уйга,
Кимга ёқар узлуксиз меҳмон,
Келган пайти мақтаб минг куйда,
Кетгандан сўнг сўкамиз обдон.

* * *

Қайда кўрма, нолигани нолиган шоир,
Тушунмайди гўё ҳеч ким дарди, шеърини.
Қайда кўрма, қайнана куёвдан нолир,
Хотинига жуда-жуда кам деб меҳрини.

Ва ҳайдовчи зоти борми қайда дунёда,
Полицияни сўкар бари, ўч-ғашлиги кўп...
Ва билдимки одамларда фарқ йўқ зиёда,
Фарқдан кўра, бир-бирига ўхшашлиги кўп.

* * *

Шамол ерни олса забтига,
Хору хасни учирса беҳад,
Ичи ковак дарахт йиқилса,
Демак шунга етишган фурсат.

Егин-сочин, эзилса ҳар ёқ,
Қасиргада йитса кўп аъмол...
Омон қолар қўшиқ, ўрмон, боғ...
Бунга ҳоким бўлолмас шамол!

* * *

Ҳали мутлақ зўр билимдон кўрмади жаҳон,
Кўп кўрган у лекин сохта донишмандларни.
Ўшаларнинг важоҳатли обрўси ёмон,
Зимдан ушлаб, тергаб турар жаъми бандларни.

Суқрот ўтди. Пушкин ўтди. Илм беэга.
Олам чексиз. Ҳаёт ўзи буюк муаллим.
Тавба! Азал ҳикматлардан баъзан дунёга
Ўша сохта билимдонлар беради таълим.

* * *

Худди поездлардек келамиз бизлар.
Ва йўлга тушамиз пишқириб, яшнаб.
«Ҳаёт» деган бекат, сен ҳаммамизни
Шошиб кузатасан вокзалга ўхшаб.

Мен ҳам келдим, яқин муддатим чоғи,
Мени олиб кетар бу йўллар масрур.
Эй, сўнгги бекатнинг қизил чироғи,
Мени сўнгги йўлга чиқармасдан тур.

* * *

— Сиз нени кутяпсиз, бемор одамлар?
— Ё шифо, ё ўлим, кутамиз, қайдам...
— Сизни не кутмоқда, соғлом одамлар?
— Беморлик ё ўлим кутар бизни ҳам.

— Сиз-чи, эй сиз, мазкур суҳбатга имдод —
Қабрда ётганлар, сўрайлик сиздан?
— Кимнидир ё шараф кутар, ё иснод,
Яшамадик ҳисоб бошқа негизда.

* * *

Кўп мардларни даврон шафқатсиз,
• Ҳақми-ноҳақ босди пойига.
Кўп мардларни кўмди лаҳадсиз,
Ҳақ-ҳурматин қўймай жойига.

Даврон гоҳо чарх урди тинмай
Жанг ўтган қир узра нақ қузғун:
Қаҳрамон ким, қўрқоқ ким, билмай,
Бирваракай чўқиди кўзин.

* * *

Катхудо бир одам ваъз айтар эди:
«Донолар доноси тахтда турса соз!»
«Йўқ! Юртни сўрасин мардларнинг марди!» —
Бошқаси қиларди унга эътироз.

Мен дейман, дунёни бошқармоқ иши
Шоирлик олдида оддий бир хизмат.
Шоирнинг шеър холос дарди ташвиши,
Лекин шунинг ўзи минг алвон ҳикмат!

* * *

Сафар тортиб хорижда бўлсам,
Уч кунчадир завқу сафоси.
Тўртинчи кун қўмсатар бирдан
Яқинларим, уйнинг ҳавоси.

Жозибали ёт тил, денгиз сур —
Мафтун эгар биринчи уч кун.
Тўртинчи кун тортар она юрт:
От кишнаши, тоғлар, хуш гурунғ...

* * *

Ўроқ жой танладим иморат учун
Ва юлдим ўтларни таг-томиридан.
У майса-гиёҳлар шитирлар бугун
«Тирикман» дегандай саклам томидан.

Қайта тирилади минг топта, минг юл,
Пойингда бўлмаса, бошингда бир кун.
Қўшиғим, тоғларнинг майса-ўти бўл,
Улардек ҳамиша собит бўл, дуркун.

* * *

М. Лермонтовга

Озмунча битдими қўшиғу дoston
Улкамиз ва баланд тоғларга доир.
Уни ҳам то ҳануз олқар кўҳистон,
Ирмоқлар мавжида куйланар шоир.

Асрлар тумани шомги чанг мисол
Сузиб ўтаётир кўкдан басма-бас.
Ва лекин ҳеч қачон билмайди завол
Кавказ куйчисию мўйсафид Кавказ.

* * *

Олисдаги чўққи ҳам яқин кўринар баъзан,
Узатсанг, шундоққина етгудай тоққа қўлинг.
Чақир тош, қорлар бўйлаб юрасан, суринасан,
Поёнига аммо ҳеч етай демайди йўлинг.

Сир-асрор йўқдек бизнинг ишимизда ҳам унча,
Қалам-қоғоз олдингми, тер селдек қуюлади.
Қийналиб бир-бирига сўзларни жуфтлагунча
Тоққа чиқиш минг карра осонроқ туюлади.

* * *

Ўт ёнади ўчоқда, сакладан ўрлар тутун,
Девордаги нинанинг кўзичалик тешикка
Ҳўкиздек гавда билан суқулар шамол тикка,
Ичкарига кириб у музлатар уйни бутун.

Иситаман шеъримни юрагим тафтин бериб,
Аммо беҳуда кетар баъзан бу амал-аъмол:
Худди ўша уй каби музлатар шеърни шамол,
Бўш сўзлар орасидан сатрларимга кириб.

* * *

Ќузатганман неча бор дўконда узоқ қолиб;
Довруғи Доғистонга ёйилган қўшниларим,
Қўллари гул заргарлар казоб¹ ни ишга солиб
Олтиндан мисни осон қилишар эди ажрим.

Олтин санаб юрганинг мис чиқиб қолар баъзан
Ва лекин шеърда уни дарров пайқаш азобдир.
Мисни-мисга, олтинни-олтинга ажратасан,
Уқувчим, заргар ўзинг, фикринг эса казобдир.

* * *

Мен қари сайёдман, сўз эса сайдим,
О, кошки, мен уни ота олсайдим.
Оддий сўз лип этиб кўриниш берар,
Изини йўқотиб доғда қолдирар.

Сайдим қув, кўрмайди тутқунликни хуш,
Сўз эркин чарх урар бамисоли қуш.
Сўзга тоғ, ўрмонлар бағрин очади,
Сўз қалам остидан чиқиб қочади.

* * *

Тансиқ сўзни чорламайман мен,
Хилватларда маҳтал, куюниб.
Унинг ўзи мени йўқласин,
Кўз ёш каби келсин қуйилиб,

У тўсатдан келсин, бесўроқ,
Қоғоз узра қуласин адл.
Яқин дўстим хонамга шундоқ
Эшик қоқмай киради дадил.

¹ К а з о б — кимёвий модда.

* * *

Яшаб ўтган мозийда, бор бўлган асли Хочбар,
Афсоналар, мишмишлар ботирга эмас жоиз.
Фақат унинг довруғи етиб келган бизгача
Номаълум бир шоирнинг машҳур қўшиғи боис.

Дунёи дунда шоир ўткинчидир, бебақо,
Ботир ҳам қулар бир кун, қаро ерда ётади.
Лекин яшар шоирнинг бу олам тургунча то
Бетимсол ўй-хаёли ва берган шаҳодати.

* * *

Ҳўл латта, ниналар... дамёстиқдан сўрилган ҳаво,
Ҳаёт-мамот талашар... Эслайман ғира-шира:
Тўшагимнинг ёнидан жилмайди тонггача то,
Юриб чиқар кабутар каби оппоқ ҳамшира.

Қўшиғим, сенга менинг юрагим қони сингди.
Ҳоли жонимга қўймас бир армон эртаю кеч:
Лоақал бир кун нажот ҳамшираси бўлдингми,
Сен ҳам биров бошига эгила олдингми ҳеч?!

* * *

Йўлга чиқсанг қоқнон ол, май ол,
Дўстинг билан баҳам кўрарсан.
Ол ўткирроқ ханжар. Бемалол,
Хавф-хатардан йироқ юрарсан.

Сафардаман мен кўпдан буён,
Қўшиқ фақат йўлга олганим.
Дўст учраса — у шароб ва нон,
Ўткир ханжар, учраса ғаним.

* * *

Товон тилар зигирчалик санг,
Қийналасан сим-сим оғриқдан.
Ярим йўлда қоқилмай, десанг,
Қоқиб ташла уни чориқдан.

Шу тошчадек, дўстим, шеърларинг.
Нуқтагача ўқидим зўрға.
Сакта сўзлар, хом сатрларинг
Тиқар эди нақ мени гўрға.

* * *

Шоирлар бор — фарзанди замон,
Шоирлар бор — мангуликка эш.
Дов-дарахтлар, яхшими, ёмон
Тусланишга маҳкум ёзу қиш.

Ранг танлашда қарагай доим
Улар фасл ўзгаришига.
Ям-яшилдир қарагай доим
Боқмай йилнинг ёзу қишига.

* * *

Кечикиб келади поездлар фақат,
Пайтида алмашар тун билан наҳор.
Вақтида келади, ҳа, вақт ҳамма вақт:
Қишда — қиш бошланар, баҳорда — баҳор.

Вақтдан адашмагин, эй, шоир, сен ҳам,
Тушмагин бандаи ғофил ҳолига.
Кечаётган кунга хайр, де оқшом,
Тонгда чоп янги кун истиқболига.

* * *

Шеърият, мазлумга ҳомийлик қилдинг,
Қароли бўлмадинг зўравонларнинг.
Олдинг паноҳингга нотавонларни,
Волимларни эса душман деб билдинг.

Шеърият, имонни келтирмай эсга
Зўри, зари борга қуллуқ айлаган,
Эрни бойлигига қараб танлаган
Келинга ўхшамоқ ярашмас бизга.

* * *

Ўғрларим ҳабашиман, худонинг берган куни
ош кўтармай ишлайман, юздан тер оқар шаррос.
Ўжаларимга эса қанча уннай, шунча оз:
инч қўйишмас тунда ҳам бузиб ширин уйқумни.

икшаман мен, зирқираб қобирғаларим оғрир,
кки ёндан теримни шоти шилгани шилган.
утулмоққа имкон йўқ, мен бир умр қўшилган —
раванинг юки, оҳ, кундан-кун зилдай оғир...

* * *

Наҳот қаҳрамонлик шунчалик мушкул!
Жасорат бирла лаҳза, умр-чи, бироқ,
Ўз номига лойиқ яшаш ҳам буткул,
Мардлик кўрсатишдан кўра оғирроқ!

Сотқин ё ўғрилиқ мушкулми, ахир!
Пасткаш бўлмоқ мумкин оний лаҳзада.
Сўнг иснод тамғасин ўчириш оғир,
Ёки яшаб ўтиш шундай тамғада!

* * *

«Үнутибсан куйлашни, сурнай,
Аввалгидек оҳанг, куч қани?»
«Үйим янгроқ азалдан шундай,
Битиб қолган қулоғинг сани».

«Энди серзавқ эмассан, сурнай,
Аввалгидек дилкашлик қани?»
«Үйноқиман ҳамон мен шундай,
Совугандир юрагинг сани!»

* * *

Чўпонлардек турар чўққилар,
Оқ булутлар — попоқ бошида.
Жилгачалар қорда чопқиллар,
Халос бўлиб муз қуршовидан.

Бесас куйлар шан томчилар бот,
Қояда-чи, тўшагида зор
Касалманд чол хўрсинар: «Наҳот,
Энди бошқа келмайди баҳор?!»

* * *

«Сўйла, денгиз, нечун шўрсан бунча ҳам?»
«Одамлар кўз ёши бағримдаги таъм!»
«Сўйла, мавжларингда нелар намоён?»
«Мавжларим остида маржонлар пинҳон!»

«Нега сен нотинчсан, сўйла, эй, денгиз?»
«Мардлар ҳалок бўлди қаъримда, эсиз:
Бири ёш оқмасин дея юмди кўз,
Бири маржон излаб йўқолди изсиз!»

* * *

«О, тоғ бургутлари, нелар чорлайди,
Бу мангу қорларда не даркор сизга?»
Ҳарорат, ҳиммат ҳам ром қилолмайди,
Юксаклик бахш этар эркинлик бизга».

«Юртдошлар, сизларни нелар чорлади,
Қайсар табиатнинг нотинч бағрига?»
«Фароғат, ҳарорат сеҳри тортмади —
Эркини ваъда қилди юксаклик бизга!»

* * *

Туғилганмиз қувончли дамлар
Аёлларнинг қутлуғ бағрида.
Айтинг, ахир нечун одамлар
Бадфеъл бўлиб қолар баъзида.

Улғаймоқда бизларга қараб,
Кулбамизда навниҳол фарзанд.
Нега ширин сўзларни аяб,
Қаҳримизни сочамиз баъзан?

* * *

Ғийбат, бўҳтон, ёвузлик, заҳар,
Охир бориб тиқади гўрга.
Лол қолмасман шундай десалар,
Шундай бўлар, шу сабаб бўлган.

Билолмадим бир сирни ҳечам,
Шундай бўлур баъзида нечун —
Ҳақиқат ҳам, севги, шароб ҳам
Ўлдиради одамни бир кун...

* * *

«Қайдасан бахт, қайлардасан эй, ёруғ иқбол?»
«Сен етмаган чўққиларда нурдай турибман!»
«Қайдасан бахт? Чўққиларни қилдим-ку ишғол».
«Сен сузмаган дарёларда сузиб юрибман!»

«Қайлардасан? Ортда қолди минг-минглаб дарё».
«Сен эртага куйламоқчи қўшиғингдаман!»
«Қайлардасан? Қўшиқларим сенга тўтиё».
«Эплай олсанг етиб олгин, ҳув олдингдаман!»

* * *

Далаларнинг кўксини тилиб
Далалардан ҳосил кутамиз.
Бошоқ тўлгач ҳосилга кириб,
Битта қўймай ўриб кетамиз.

Бу бепоён далалар кўксин
Қонимиз-ла суғоради ғам.
Худди шундай, ҳасратлар бир кун
Уриб кетар буткул бизни ҳам...

* * *

Ҳиндларнинг нақлига кўра энг аввал
Оламда илонлар пайдо бўлгандир.
Тоғликларга қолса, улар ҳар маҳал
Энг аввал лочинлар пайдо бўлган дер.

Мен эса ўйлайман: ушбу оламда
Одамлар бунёдга келган илгари.
Кейин, қай бирлари лочин бўлган-да,
Илонга айланган қайси бирлари.

* * *

Савол берсам дейман одамларга хўп,
Шундай жавоб берса улар ҳар асно:

«Очмисиз?»

«Йўқ!»

«Юпунмисиз?»

«Йўқ!»

«Яшаш даҳшатлими?»

«Йўқ, асло!»

Ер юзини кездим, ҳар қадамимда
Ташвишли одамлар, муҳтожлик ва ғам.

«Очмисиз?»

«Ҳа!»

«Юпунмисиз?»

«Ҳа!»

«Яшаш даҳшатлими?»

«Жуда ҳам!»

* * *

Мен қуёш ўрнида бўлсам агарда —
Ажратиб ўтирмай кундуз кечани,
Бирдай нур тўкардим қишу ёзларда,
Лаббай, дердим кимки йўқласа мани.

Қишдаги қуёшдай севимли нигор,
Мунча ҳам хасиссан, мунча бағри тош?
Йўлларимга нуриг қилмайсан нисор,
Менга бахш этмайсан ҳарорат, оташ.

* * *

Амру фармониягга тайёрман, тйёр,
Буюр, чўққилардан дадил ошаман.
Оловдан қўрқмасман сен буюрсанг ёр,
Денгиз гирдобига, буюр, тушаман.

Ер юзининг ярмин айланиб чиқай,
Номингни эъвозлаб ҳар он, ҳар нафас.
Не десанг тайёрман, хизматингга шай,
Хайрлашар чоғи ўпиб қолсанг бас.

* * *

Сеҳру мўъжизага ишонмайман ҳеч,
Майли ҳукмин менга ўтказсин қисмат:
Ўлимга бўйсунай, икки йил ўтгач
Қайта тирилишга берса ижозат.

Неки қолган бўлса жудолик чоғи
Ҳаммасин кўрардим гар қайтиб келсам.
Ёнингга борардим ғамдийда бўлсанг,
Агар шод бўлсанг-чи? Ўйлардим тағин.

* * *

«Эрта келган меҳмон эрта кетади»
Донолар шундай деб нақл этади.
Боғимда ишқ пайдо бўлди тонг-саҳар,
Қайтишни ўйламас оқшомга қадар.

— Нон ва шароб билан сени сийладим,
Қўзғолмайсан, азиз меҳмон, нега сан?
— Меҳмонмасман! — дея севги кулади,
Қалб уйингга балки, кўпдан бекаман!

* * *

Шухрат қозонмоқлик қийин эмасдир мутлоқ,
Лаҳзада қаҳрамон бўлмоқ мумкин бемалол.
Аммо ўз шонингга доғ туширмай яшамоқ,
Мардлик кўрсатмоқдан кўра маҳолдир, маҳол.

Ўғрилик, хоинлик қилмоқ қийинмас мутлоқ,
Бир лаҳзада номинг қаро бўлгуси буткул.
Аmmo умринг бўйи ўчмас бу иснод, бу доғ,
Бош кўтариб яшамоғинг мушкулдир, мушкул.

* * *

Кекса олча тагида ўлишади шайдолар,
Шивир-шивирларини эшитаман оқшомда.
О, сиз илк висолу илк бўса, илк ваъдалар,
Гарчи энди йироқсиз, ўт ёқасиз кўксимда.

У чоқ олча ниҳоли нозиккина, ёш эди,
Ёнида ёрим билан топардим, ҳузур, фараҳ.
Илк севгимнинг гувоҳи ўша навниҳол энди —
Атрофга шох ёйибди, бўлибди кекса дарахт.

* * *

Болгарияда битган алвон атргул,
Ҳуқуқим бўлганда, юлдуз ёнидан —
Навқирон Ватаннинг гербидан буткул
Сенга жой берардим, севиб жонимдан.

Болгарияда битган алвон атргул,
Қаршингда йўқотар гуллар тусини.
Ҳуқуқим бўлганда, алвон атргул,
Нафосат ордени қилардим сени.

* * *

Гарчанд бу қиссанинг тарихи узоқ,
Бироқ у ёдимга келар ногаҳон.
Бир ўғил етаклаб кўр онасини
Даво излаб кезмиш айланиб жаҳон.

Юра-юра օхир топибди даво,
Онаси кўрибди ёруғ дунёни.
Сўқир ер, қўлинг бер, мен билан юргил,
Кўзингни очайин сен бенавонинг.

* * *

Жаҳон кезиб қайтсак узоқ элларда.
Ўғлидан айрилган кўплаб волида
Сўрар: «Доғистонлик бир зот кўрдингми?»
Кўрдингми, кезарми унда афтода?»

Шунда бор гуноҳим олиб бўйнимга,
Дейман: «Кўрган эдим битта ҳамюртим!»
Ҳар она шу менинг ўғлим деб ўйлар
Нафасин жимгина ичига ютиб.

* * *

Бир вақтлар тошларга уриб оёғим
Зўрға йўл босганман тун сўқмоғида.
Онам деразада қўяр шам ёқиб,
Адашмасин дея қайтар чоғида.

Шундан буён ўтдим кўп йўллар босиб,
Дуч келар гоҳ бўрон, гоҳ чақмоқ, қуюн.
Лекин ҳамма жойда шу шам шуъласи
Ёритар йўлимни кечса ҳамки тун.

* * *

Кечагина менга севимли бўлган
Қўшигимни қўйдим бугун унутиб.
Бу кун куйлаётган қўшиғим, балки,
Эрта унутилар, бир кеча ўтиб.

Аммо юрагимда битта қўшиқ бор —
Яширинган ғам билан куйлаган онам.
Бу қўшиқ севгидан туғилган ёдгор,
У эсдан чиқмагай ҳеч қачон, ҳеч ҳам.

* * * *

«Дунёда тартиб йўқ, ҳаммаси расво»
Дедию, бир шоир дунёдан ўтди.
«Бу дунё гўзалдир» деб бошқа бири
Қирчиллама чоғда кўз юмди, кетди.

Учинчиси вақтдан ўзиб яшади,
Улимга ён бермай, оқсоқол
Ёмонни ёмоқ деб, яхшини яхши,
Ёздию ўзи ҳам бўлди безавол.

* * *

Бўронсиз, курашсиз, тинч, осойишта
Яшаб келганингдан ўзингча шодсан.
Ҳеч ким шерик эмас шодлик, ғамингга
Дўстинг йўқ, демак бил, сен бенажотсан.
Юзга кирсанг ҳамки, фарқи йўқ билгил,
Сочинг оқарса ҳам ўхшаб донога,
Одамлар олдида очиқ айтаман:
Демак, келганинг йўқ ҳали дунёга.

ТҮРТЛИКЛАР

1

Қайси бир чўққидан мен тош иргитмай,
У пастга думалар, йитар бенишон.
Мен қайси маконда куй-қўшиқ битмай,
Учади қадрдон тоғларим томон.

2.

Одамларнинг гапини нимага қилсам таққос?
Менимча, навбаҳорнинг ёмғирига ўхшар у.
Бир кун ёгса — гаштлидир, иккинчи кун ёгса — соз,
Кейин ҳам ёгаверса, келтиради ғам-қайғу.

3

Бу дунёда эзма ким? Ҳуснига ҳали биров
Қайрилиб бир боқмаган шўрлик қари қиз эзма!
Бу дунёда эзма ким? Қўнса ҳам сочга қиров
Ўр бўлиб қолган шоир, ҳаёти эсиз, эзма!

4

Мени сўкмаяпсан, билиб турибман,
Сўкяпсан сен менда ўзгани кўриб.
Сезяпман, сен мени мақтамаяпсан,
Мақтаяпсан менда ўзингни кўриб.

5

— Қушлар, тонгдан бери жимсиз, бенаво?
— Ёмғир ёғяпти, биз унга соме.

- Шоирлар, сиз нега бермайсиз садо?
— Ёмғир ёғяпти, биз унга some.

6

- Қўшигим тугасин, менга қулоқ бер,
Қушча, сайрашингни қилсанг-чи канда.
— Бўлсанг агар ростдан ҳам шоир,
Ўзинг жим тур, мен куйлаганда.

7

Бир тўда олқиндининг қўлида қолса назм,
Истеъдод аҳлин қисиб, кўп ситам — жабр этар.
Худди шундай келгинди зотлар қадимдан-қадим
Ўз юртида инсонни хор-зор, мусофир этар.

8

Валломат альпинистлар мулоқоти, баҳсидан
Эшитганман: чўққига чиқишдан тушиш қийин.
Қирқдаман, турибман мен нақ довон тепасида,
Демакки, йўлим оғир, хавфлидир бундан кейин.

9

Айирар бизни ўлим жаҳонимиз ва жондан,
Ишқ қолар фақат унинг домидан қутилиб соғ.
Худди шундай чироғи ўчмаган хонадондан
Хуркканча ўзин олиб қочади ўлимтик соғ.

10

Мен безган қўшиқни куйлайди шамол
Деразам ёнида тун-кун тинмайин.
Мен севган қўшиқни куйлайди шамол
Қўшним деразаси ёнида майин.

Олқиш ва шарафга кўмилган киши,
 Ўзингдан кетма кўп, талтайма зинҳор.
 Шуҳрат нарвонидан кўкка чиқишнинг,
 Унутмагин, бир кун тушиши ҳам бор.

Ер неъматларининг тақсимотида
 Баъзан адолат йўқ, ажримимиз бўш:
 Бўтқадан семирдим тишим борида,
 Тишсиз қолганимда узатишар гўшт.

Қўлингдан иш келса, ғайрат бўлмаса,—
 Бундан ёмони йўқ, жуда ҳам оғир.
 Кучинг бор, маҳорат, санъат бўлмаса,—
 Бундан ёмони йўқ, жуда ҳам оғир.

— Нечун сўзлашасан, айт-чи, эй, одам,
 Баланд тоғ ва қадим ўрмонлар билан.
 — Сўзлашиб турганлар бўлмас сира кам
 Оқил, кўпни кўрган комронлар билан.

Ибтидо, туғилиш — биринчи доvon,
 Улим — иккинчиси, йўлнинг поёни.
 Сен бўлсанг, ўзингча, бандаи нодон,
 Забт этмоқ бўлибсан юз бир доvonни.

Ҳаёт тегирмондир, ҳаёт тегирмон,
Йилларни туяди тоши тинимсиз.
Дўлида камая борган сари дон
Айланар у шунча чаққонроқ ва тез.

Бало-қазо, хасталик, қарз-ҳавола ва ғаним,
Томингдан ўтган чакка, далангга тушган чақмоқ,—
Юқорида бирма-бир мен санаб ўтганларим
Асл моҳиятини англамас фақат аҳмоқ.

«Айт-чи, қандай одам қўзғар нафратинг?»
«Доимо қўрқиб турган қалтироқ эркак!»
«Ким ундан ҳам кўпроқ қўзғар нафратинг?»
«Қўрқиб жим турувчи ялтироқ эркак!»

Тонг секин, эриниб, кечикиб отар,
Кеч эса шошилиб бир дамда тушар...
Гўё битта кўрпа кун билан тунда,
Улар бир-биридан тинмай тортишар.

Ялдо қиш тунлари, о ялдо тунлар,
Бир оз қисқаринг, деб қилмасман тилак.
Фақат фикрларим узайсин дейман,
Ҳаёт ҳам, ўлим ҳам ёришсин бирдак.

Умрим ўтиб борар доим иш билан,
 Жангу жадал билан — тилагимга мос.
 Улим ҳам кўп олдин хабар юбормай,
 Ўйлайман, сийловдай келар деб нохос.

Хаёлга келтирмас ўлимни ботир,
 Шоир мард ўлимни куйлар ҳар маҳал.
 Аммо шоирни ҳам, баҳодирни ҳам,
 Эшик очиб кутар шу боқий ажал.

— Кимга яшаш оғир ёруғ дунёда?
 — Кимгаки одамлар ишонишмаса!
 — Ундан ҳам оғирроқ қандай одамга?
 — Кимки ишонмаса бирор кимсага!

— Етилмай ва пишмай, хомлай узилган
 Фойдасиз мевадай нима бесамар?
 — Вақтида узилмай, ерга тўкилган
 Ва чирий бошлаган ширин мевалар!

— Туғилгандан буён дард-азоб кўрмай
 Яшаган одамдан бахтлироқ ким бор?
 — Дўсту ёрига ҳам, душманига ҳам,
 Ҳасад қилмаган зот кўпроқ бахтиёр!

Икки кўз бир-бирига ўқ отмасин деб,
Улар ўртасига тикланган девор.
Икковлон бир ролни ўйнадими, бас,
Улар ўртасида ҳасад бор, қасд бор!

— Қачон ўсмир бўлар доно эркакдай?
— Бошга тушса ғам.
— Қачон эркак бўлар ёш болакайдай?
— Шодлик босган дам.

— Кимга қийин?
— Қийин, кимда бўлмаса,
Маслаҳат берувчи бирорта одам!
— Кимга ундан қийин?
— Кимда бўлмаса,
Маслаҳат олувчи бирорта одам.

Бизлар, йўловчилар, тинчмиз, хотиржам,
Йўлларда итларни кўрмаган пайтлар.
Ундан ҳам хотиржам, тинчроқ бўламиз,
Кўришмаса агар бизларни итлар.

Уч йўлни биладан барчага бирдай,
Ундан сен ҳам, мен ҳам ўтармиз ҳали.
Биттаси ҳаётдир, биттаси — ўлим,
Биттаси ҳар қимнинг ўз умр йўли.

БИТИКЛАР

БЕШИКЛАРДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Шовқин солманг, эркаклар,
Ухлашни истар чақалоқ,
Керакмас ичиш, куйлаш
Ва қондошга ўқ отмоқ.

* * *

Сен ҳам бир пайтлар, оқсоқол,
Бу тулпорда чопгансан хушқол.

* * *

Бунда йиллаб ётган доно эмас
Ва кулаётган ҳам нодон эмас.
Бундаги на қўрқоқ, на қақрамон,
У ҳозир оддий қўноғим холос...

* * *

Мудраганга яхши тушлар насиб этсин,
Тушига кирган мақсадларга у етсин.

* * *

Болаиғ қилар тўполон,
Ухлолмайсан, на чора,
Сен ҳам шундай бўлгансан,
Ўзингга ўхшар бола.

ХАНЖАРЛАРДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Дадил бўлгин, дўст қўли,
Кел, дастамни сиқ.
Душман кўксин ўч бўлиб
Тилгай пўлат тиг.

* * *

Ханжар тутсанг, ёдда тут шуни аввало:
Ханжар учун доим қиндир яхши жой.

* * *

Қуёш сочса ҳамки сўнгсиз аланга,
Қуриш насиб эмас ундаги қонга.

* * *

Сен кескир ханжарга соҳиб бўлган чоқ
Қўлдан ҳам муҳимроқ ишласин идрок.

* * *

Довдир ва гўл
Тигни шоширар.
Тиг доно қўл
Қадрин оширар.

* * *

Зотан ханжар сурнай эмасдир,
У иккита ўлани билар.
Бир қўшиғи ўлимга хосдир,
Бири эса эркин мадҳ қилар.

* * *

Наздимда, тигимдан ўлганлар увол,
Бундай пайт руҳимни тимдалайди дард.
Қалбга нафрат тўкар келгуси завол —
Яна кимларнидир ўлдирмоғим шарт.

* * *

Сен ирғитган дамда нишонни кўзлаб
Тигинг хато кетди, укажон, бўзла!

* * *

Икки қирра. Иккиси ҳам қон
Тўкиб, ўлим сочмоққа шайдир,
Биттасини муҳаббат ниҳон,
Иккинчисин зўрлик чархлайди.

* * *

Кўҳна замин узра юртлар, элларда
Қадим-қадимлардан ҳаммага аён:
Занглаган ханжар ҳам абжир қўлларда
Кескир эканлигин қилур намоён.

* * *

Қасам ичаркансан сен, ушлаб даста
Қасам тигдек бўлсин тўғрилиқ шаштда.

* * *

Қайдадир, қачондир ханжар тўккан қон
Қасос учун тигни чархлайди пинҳон.

* * *

Дастамга қўлингни чўзишдан аввал
Уйлагин: оқибат бўлмасин чигал.

* * *

Ханжар қизиб кетар гоҳо,
Баъзан тўнар гўё муз.
Бола туғмас, бироқ пайдо
Қилур етим, тул, ёлғиз.

* * *

У муз мисол сокин ва совуқ,
Аммо қиргин пайти етиб келса ул —
Кимнингдир устида бўлгай темир чўғ
Ва ёнгин бағрида куяр бир овул.

* * *

Ханжар ҳазар қилар таслимдан,
То сўнгги дам кўрсатгин кучинг.
Ханжарингни чиқаргин қиндан
Мардонавор жанг қилмоқ учун.

* * *

Душман яқин жойда ухладингми, бас,
Ногаҳон уйғотар келган офат, ғам.
Рақиблар биз томон келишса бесас,
Бизга насиб этар ўзга бир олам.

* * *

Ханжар қанча гулдор, қини ҳам гўвал,
Унинг қилган иши баридан афзал.

* * *

Ханжар билан мақтанма, ўғлон
Ва қўлга тиг ушлаганинг дам
Вазмин бўлгин, ўй сургин бир он
Ханжар бордир ўзгаларда ҳам.

* * *

Мени бобонг ушлаган маҳкам,
Сўнгра унинг набиралари.
Сен ҳам ўйлан, дўсти муҳтарам,
Қўл чўзсанг гар ханжарлар сари.

* * *

Мўлжални кесмасанг, бўл иқроор,
Мен эмасман бунга айбдор.

ШОХ-ҚАДАҲЛАРДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Биз шак келтирмасмиз, сув шони — бутун,
Доим қадрлансин ва мақталсин сув,
Аммо восита деб сувсаган учун
Ҳўкиз манглайдан олинмадим-ку!

* * *

Меҳмонга тут лим-лим шох,
Бир бор, икки... ёки беш.
Дардин тўкмоқ бўлган чоғ
Токи тортинмасин ҳеч.

* * *

Қилич зарби билан ечилган чигал
Баъзан май билан ҳам қилинади ҳал.

* * *

Зиёфатда қулт-қулт ичамиз мамнун,
Эрта тонг ланжликдан юрак жигархун.

* * *

Сен ўзингга ўзинг қуйиб
Майга ёлғиз бўлсанг қул —
Хоҳ эшикка тамба қўйиб,
Ич, хабар топар овул.

* * *

Дам бўлурки, билмайди тангри
Шох эшитиб олган сирларни.

* * *

Қадаҳдаги сув, чой ёки сут эмас
Ким майни хоҳламас, зўрламагин, бас!

* * *

Йўқ, бизнинг ишимиз эмасдир миқдор,
Ўзинг уйла, уйга қайтишинг ҳам бор.

* * *

Шароб ман қилинган кимса ичар май,
Ман қилган шахс ҳам гоҳ ичмоққа шай.

* * *

Гоҳ ичиб идрокин йўқотар оқил,
Баъзан тескариси: қуюлар ақл.

* * *

Қадаҳга шаробни қуйиб лиммо-лим
Ичасан гўёки ҳукмдор, султон.
Хулосага шошма, бўлади маълум
Майга қул эканинг пайт етган он.

* * *

Балли, шароб ичиш йўли билганга,
Бу тадбир мақтовга лойиқдир бир оз.

Лек не етсин майни канда қилганга,
Бутунлай ичмаслик ҳаммасидан соз.

* * *

Хамманинг тотмоғи мумкиндир майдан,
Аммо эсда тутмоқ керак ҳар бир он:
Май ичса бўлади ким билан, қайда,
Қай миқдорда, нелар сабабдир, қачон?

* * *

Ўзгалар соғлиғи учун
 кўтарсанг доимо,
Шахсий соғлигинг ҳақда
 ўйлаганмисан асло?

УЧОҚЛАРДАГИ ВИТИКЛАР

* * *

Қайга элтса ҳамки тақдир тўлқини,
Сенга ҳамдам бўлар менинг ёлқиним.

* * *

Сўнгсиз қайғудир, қўноқ
Турмаса юрак уриб.
Сўнгсиз қайғудир, ўчоқ
Сўнса оловнинг қўри.

* * *

Сўлиб қолса алангам
Менга ачинманг, кўриб.
Қийналинг, теграмда жам
Бўлганларни қайғуриб.

* * *

Оёқларга югурса тафт,
Руҳий зулмат бўлур даф.

* * *

Бежиз эмас, эртақларга
Макондир ўчоқ боши.
Ағёр ўлими-ла тугар
Эртақда ёв талоши.

* * *

Қадрдон овулингга шздон қайтганинг
маҳал
Эҳсон бўлиб қаршилар тутун
баридан аввал.

* * *

Қўшиқларинг тушади өсга
Бу ўчоқнинг ёнида.
Янги қўшиқ қуюлар ҳисга
Бу ўчоқнинг ёнида.

* * *

Рости, бундай ҳарорат ҳеч қаерда йўқ,
Бу отанг уйида ёнган тафтли чўғ.

ЙЎЛ ЕҶАСИ ТОШЛАРИДАГИ ВИТИКЛАР

* * *

Йўл ўзининг йўловчиларин
Шундайин қаршилар энтикиб:
Айёр кулги билан ёшларни
У олади эркалаб, кутиб.
Оқ соқолли чолларни ғамгин
Олисга қолади кузатиб.

* * *

Олдинга интилгил, олдинга боқ
Ва албатта қачондир, бир дам
Тўхтагин ва ташлагин нигоҳ
Босиб ўтган йўлингга бардам.

* * *

Ҳаётда жуда кўп йўллар, лекин ҳаммасин
Охири бир, ҳар хил бўлса ҳам ибтидоси.

* * *

Босиб ўтмоқ учун йўлни дарҳол
Ёнингга дўстингни ва ўланни ол.

* * *

Бу йўллар кўп нарсаларга гувоҳ бўлган, гарчанд
Кулгулар янграган, кўз ёшлар қумни куйдирган.

* * *

Ҳаракат баъзан ҳар қандай ишда
Кўмақ берар мақсадга етишда.

* * *

Бизларга бу йўллар ишқий кўмақ бермоққа шошар,
Маҳбуба ёнига элтиб, бир кун ажратиб ташлар.

БАЛХАР КЎЗАЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Нафис чиройли кўзалар
Ишланади оддий лойдан.
Ва шундай чиройли шеърлар
Оддий сўздая бўлар пайдо.

* * *

Бир нарсада кўзага қилма тақлид,
Шаробга кўза янглиғ тўлмагин лиқ.

* * *

Болалар рақсга тушсин
Унга сарёғ йиғишганда.
Йигитлар давралар тузсин
Бўза лиммо-лим тошганда.

* * *

Бош чангалласа-да қайғуда, аммо
Сенга юқоридан боқар доимо.

САКЛЯ УСТУНЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Бурканг учун бу устунда,
Жой топилади ҳар қачон.
У уйни тутиб турар-ку,
Буркангдан эгилмас, инои!

* * *

Қачонлардир тоғни безаган у,
Ҳамда ташлаган-ку қуюқ соя.
Сен учун устун керак бўлганда
У чорлади «Мени чопгин» — дея.

* * *

Шоҳлар йўқ менинг танамда
Ва лекин миҳлар чўзган — бўй.
Буркангни ўшанга илдам
Узум бошидек осиб қўй.

ҚОЯЛАРДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Қайғу дами йиғла, қаҳрамон,
Йиғламаслик мумкинмас тўниб.
Булутли тунд пайтда, инон,
Қоялар ҳам йиғлар ўкиниб:

* * *

Йигит муҳаббати, бургут шиддати
Ҳечам қояларни қилмайди писанд.

* * *

Жасурлик қояга дадил эришар,
Жоҳиллик қоядан қулайди бешак.

* * *

Яраланган ботирга
Бўлмайди асло зиён.
Қоя-тош ғар тигланган
Яшар минг йилдан буён.

ҚАБР ТОШЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

* * *

У донишманд эмас, бенишон эди,
У на баҳодир, на қаҳрамон эди.
Лек мозор қошидан таъзим қилиб ўт,
Ер қучиб ётган зот чин инсон эди.

* * *

Нима қилсанг қилгин, бўлмасман хафа,
Розиман ҳақимда нелар айтсанг ҳам.
Лекин гўрлар аро жим ўтган дафъа.
Қабримнинг тошига кўз ташла бир дам.

* * *

Бунда ётган ғариб қисқа яшади,
Мавҳумдир у билган фикр, тилсимлар,
Фақат ойдин эрур: у инсон эди,
У йиғлаб туғилди ва ўлди инграб.

* * *

Йигит ҳақсизликка кўксини тўсиб
Жангларга борган.
Ноҳақлик заминда юрибди писиб.
У-чи? Мозорда.

* * *

Кеккаймагин қўрқоқ, кеккайма ганим,
Ер қаърида ухлар, дея қаҳрамон.

* * *

Қасос тиклар бешак йигитнинг шаънин,
Милтиқ ва ханжари саломат, омон.

* * *

Онамиз азада йиғларкан юм-юм,
Қасос кўпирса ҳам ўтли қонимда,
Сенинг қотилингни, қадрдон иним,
Айиргим келмайди онажонидан.

* * *

Адир биқинида ётган бу ғариб
Муҳиб эмас эди на мол, на зарга.
Эллар аро янграр куй, ўланлари.
У кўчди эл битган кўп қўшиқларга.

* * *

У кутарди кўклам келишин
Эрир дея қор.
У ёғибди сокингина, жим
Ўтса-да баҳор.

* * *

Қабр тош остида қиз топар завол,
Ё унга эр бўлур мункиллаган чол.

* * *

Бунда тин олмоқда қаҳрамон йигит,
Қаҳрамонлик тирик шарафдир ҳамон.
Қўрқоқнинг танини кемирар сукут,
Аммо қўрқоқлик ҳам кезмоқда омон.

* * *

Омадларга соҳиб бўлган эди у —
Ешгина эр — йигирма ёшли.
Ўлим унинг учун армону қайғу,
Ғамнинг интиҳоси ва боши.

* * *

Қалтираб қулади дарвишнинг тани...
Уни бунга ўлим етаклаб келди.
Сен қанчалар севсанг азиз ватанинг,
У ҳам юртин шу тарз ардоқлар эди.

* * *

Дўстим, тақдирингга айтгил шукрона,
Ётибман-ку ернинг остида, мана.

* * *

У баланд тоғларни қўмсарди жўшиб,
Дарёлар ҳақида куйларди қўшиқ.

* * *

Бизлар умид билан йўллар қураимиз,
Йўлларнинг сўнгида ерга кирамиз.

* * *

Йигирма ёшли ўсмир
Жангда бошдан ўқ еди.
Икки юз яшар қарға
Унинг кўзин чўқиди.

* * *

Икки қондош ётибди бунда,

Виждонларин қўриқлайди тош.
Бир дам тўхтаб эгил таъзимга,
Сен уларга учинчи қондош.

* * *

Бир-бирин қўмсаб узун тунларда,
Яшадилар нурли висолга шошиб.
Эҳ, уларга фақат қоронғи қатъра
Утли муҳаббатнинг фараҳи насиб!

* * *

Она замин, сенинг ҳофизинг —
Ухлаяпман тор гўрда бесас.
Қўшни гўрда ухламоқда ким,
Қайлардан у, ҳеч маълум эмас.

* * *

Бунга яширинмиш ер ташвишларидан
Ҳориб саксон яшар сайёҳ қария.
Нелар қолмиш унвон ё ишларидан
Ундан ижро топмиш қай эзгу ният.
Чолдан нелар қолди дунёга мерос
Орзулар камоли ё абасга хос.

* * *

Марҳумнинг ҳаёти зулмат қўйнида
Ярқираган ханжар мисоли қисқа.
Ханжар «ялт» этиб жой олди қинидан,
Илк бор ҳуқуқ топди ҳордиқ олишга.
Ҳофиз рубобини қўлига олиб
Куйларди ошириб элининг завқин.
Аммо торни бу кун филофга солиб
Бу маҳзун гўшага яширдилар чин.

ЭШИКЛАР ВА ДАРВОЗАЛАРДАГИ БИТИКЛАР

* * *

Тақиллатма, қўноқ, уйғотма,
Жўнаб қолгин, бўлсанг шумқадам.
Ниятинг пок бўлса, кирақол, қайтма.

* * *

Бунда руҳинг енгил тортади,
Тарқалади ғам-ҳасратларинг.
Қутлуғ қадам бўлиб киргайсан,
Қадрдон дўст бўлиб чиққайсан.

* * *

Эрта-кеч тортинма эшик қоқишдан,
Мен доим хурсандман бундай қўшиқдан.

* * *

Уйга кирдинг, шошилма, бироқ,
Кетаман деб қилма тиқилинч.
Дамингни ол, ахир, йўл йироқ,
Тўйиб олгин ва иссиқ чой ич.

* * *

Катта йўлдан уйим бир оз чет,
Бурилишдан эринма бироқ.

Меникига бир йўл кириб кет,
Бегона дўст, нотаниш ўртоқ.

* * *

Кунми, тунми, киргил бемалол,
Кутиб олмоқ ташвиши биздан.
Гар кирмасанг, демак, қўрқасан,
Сеникига боришимиздан.



Тоғ элегиялари

* * *

Дмитрий Гулиа,
чин дўстлик боис,
Отамнинг меҳмони бўларди тез-тез.
Ўз бурчин ёшлиқдан дилга қилиб жо,
Абхазликларга у
тузган «Алифбо».
Шеърлар битганда у —
отам меҳмони,
Илгаса бўларди муҳри самони.
Бошлаб «Алифбо»дан у хат сўқмогин,
Бунёд эта олди китоблар тоғин.
Сочлари оқариб,
кексайса-да у,
Тинмади у ҳақда нақллар — эзгу.
Ёруғ дунёни у тарк этар олди
Ишқий шоҳ қўшигин куйлаб кетолди.
Кўрсам уйда ажиб тароват алҳол,
Отам меҳмонини эслайман дарҳол.
Севги уқтиргайдир менга кўп бора:
— Ёшларни тилиннга жазб эт тобора.
Улар-чун алифбо тузиб бергин ва
Ҳар сўзин нурим-ла мунаввар айла,
Токи овулдан ишқ аримасин ҳеч,
Аллалар таралиб турсин эрта-кеч.

* * *

Мозий — ўтмиш чоғларда,
Буни билар ҳамма ҳам,
Севги учун тоғларда
Тақиқланганди маскан.

Лекин шеър сайргоҳи —
Булоқ бўйида аҳён
Отлиқ йигитни гоҳи
Чодрали қиз нигоҳи
Этиб қўярди бежон.

Ва қўшиқ, шеър туфайли
Фош эди давра аро —
Элдарилавнинг майли,
Маҳмуд кимга мубтало.

Кавказ кўкка бош урган
Ложувард самоларда
Ишқ — шеърларга йўғрилган —
Эндиликда порлар шан,
Юзига тутмас парда.

Аёл борки — у соҳир,
Фақат жумбоқдир азал:
Кимни деб ёнгай шоир,
Куйланган у — қай гўзал?

* * *

Тарихда шон қучган португал,
Машҳур сайёҳ Васко да Гама,
Ишқ оролин очмадинг нега,
Кўп можаро бўлар эди ҳал!

Ётибсан сен қабрда бу кун,
Ўнг қўлингда яланғоч қилич.
Бироқ, айт-чи, ҳақиқат учун
Нажот соҳил тополдингми ҳеч?

Денгизларни забт этган сайёҳ,
Довюралар сиғинган тимсол,
Дунёга мен, этайин огоҳ,
Келганман ишқ жарчиси мисол.

Тоғ қизларин куйладим тошиб,
Жонворларни сийладим, шаксиз.
Ҳеч кимсага эгилмас бошим
Эгадирман аёлга ҳаргиз.

Кемаларнинг қўрқмас сардори,
Машҳур сайёҳ Васко да Гама,
Қоядаги чандиқ мисоли
Шонинг ёддан ўчмагайдир, ҳа.

Лек забткорлар сурури сўнди,
Офтоби ҳам кетмишдир ботиб.
Ишқни тарғиб этажак энди
Доғистонлик шоир Ҳамзатов.

* * *

Сулвлар бўй етган пайт,
Цейлонда бу — фарз, удум,
Солиқ тўлагай, албат,
Ўзининг ҳусни учун.

Агарда бу хил солиқ
Қўлланилсами тоғда,
Финотделнинг ходими
Қолмас эди ҳеч доғда.

Куба малагин мангу
Сақлайдирман ёдимда, —
Гўзаллик тахтига у
Чиққанди кўз олдимда.

Доғистонда эса энг —
Сулув ким, дейишса гар,
Маҳшаргача бетиним
Баҳс кетажак муқаррар.

* * *

Дилимда ишқ ўти ёнгандан буён
Тинглайман энтикиб ҳар лаҳза, ҳар он
Тоғлардан биллурий қўнғироқ сасин.
Аёллар азалдан куюнчак, муштоқ
Ва мен туйган эдим ўша чоғданоқ
Мубҳам бир ҳаяжон эзгу шарпасин.

Бари такрор кечар ибтидо билан,
Ҳамда болдай тотли шул садо билан:
«Қайдасан, севгилим, ҳузуримга кел...»
Аёл рафторидан шуълалар — соҳир,
Майли, ёгаверсин билмайин охир,
Мангулик номидан бамисоли сел.

Муҳаббат қаримас, навқирон мангу,
Мозийда ҳам, бизнинг замонда ҳам у
Солмиш юракларга сурур ва баёт.
Зеро ошиқ Ҳофиз газали, шаксиз,
Форсгўй насллар тилида ҳаргиз
Яшаб келмоқдадир тирик, барҳаёт.

— Айтгин менга висол онин, айта қол,
Шошай ҳузурингга бамисли шамол.
Юксак доволардан ҳайиқмай тақир.
Етиб тизларингга қўядирман бош,
Балки кўзларимда ялтирагай ёш,
Висол айрилиқсиз бўлмагай ахир.

Тоғли эркакларнинг урфи бу қадим:
Кавказ фарзандиман — чўққилардан мен
Ўргандим гоҳида қолишни танҳо.
Кўклам чақинлари ларзакор ҳамон,
Муҳаббат кўйида мен ёниб мудом
Ўтарман то абад мажнуни шайдо.

* * *

Севги қаршисида ёришди уфқлар,
Сўқмоқлар қошидан ариди туман
Ва менга туюлар кечмиш дард-ғусса
Дурбинда кўринган юлдуз каби шан,

Мўътабар оташда қоврилган билар:
Гоҳо кун айланиб кетади йилга.
Кечагина сармаст этган севинчлар
Ўгирилган дурбиндан кўринар дилга.

Ой сузар чоғида тунд само узра
Ё қирмиз шафақлар ёнаркан саҳар,
Соатнинг миллари секинлар жуда,
Севгилим ёнимда бўлмаса агар.

Бойқуш уйғонган дам сас бериб тунда
Ё кундуз ташвиши забт этса аён,
Соатнинг миллари жадаллар жуда,
Севгилим мен билан бўлса ёнма-ён.

* * *

Зинҳор таъна этсам мен,
Гуноҳимдан ўтгин сен.
Сен таъна этсанг бир бор,
Қила олмам мен инкор,

Ўртамизга мабодо
Қор тўшалса зиёда,
Қолурман лол —
мен карахт
Ва қалбларга ўрлар ях.

Десанг: «Хайр ва унут!»
Йўлингни тўсгум беҳуд:
«Муҳлат бергин — бўлай пок,
Севгимдан худо огоҳ».

Ажралишни — муқаррар
Истаб қолсам мен агар,
Қилмам сендан ҳеч тина,
Бунга айбдор менгина.

Не жумбоқ бу, айт ўзинг,
Устувор сенинг сўзинг?
Ҳар лаҳзада ҳар қачон
Тақдир сенга босар ён.

* * *

— Хайр дер ўкинч, алам,—
Ташлаб кетгум энди, бас.
На оғу, на бол сендан
Кутмайдирман, керакмас.

Аммоки юрак шу чоқ
Деди, қолмай сукутда:
— Қайлардан топгунг паноҳ,
Ёниб турсам мен ўтда?!

— Бари-барин бешафқат
Унутмоғим мумкин-ку.
Аммо юрак этди рад:
— Ақлингнинг исёни бу.

Зорланма қанча, дўстим,
Қанчалар онт ичмагин,
Ўша аёлдан, рости,
Душвордир воз кечмагинг.

Ақл эса тутақди,
У бевафо ёрдир, деб
Ва ундади —
у ҳақда
Шеърларингни ёндир, деб.

Ёндир, ёндир!
Лек шу дам
Қалбдан учди шу садо:

— Ёқсанг — ёзгунг қайтадан,
Ҳовлиқиб, қилма хато!

Зорланма қанча, дўстим,
Қанчалар онт ичмагин,
Уша аёлдан, рости,
Душвордир воз кечмагинг.

— Оёқ етгунча кетмоқ —
Дардга шу чора битта.
— Қайлардан топгунг паноҳ,
Ёниб турсам мен ўтда?!

* * *

Хасис измин тутма, муҳаббат,
Юрма унинг сўқмоғидан ҳам,—
У эмас, сен бўлурсан мулзам
Ва ёмон ном олурсан фақат.

Билиб-билмай, янглишиб бехос,
Севги, зинҳор ёзмагин тўшак —
Муртадларга,
уларнинг бешак,
Қалби доим қуёнларга хос.

Маслаҳатим сенга ушбудир:
Жоҳилларнинг қошида сира
Пок рухсоринг тортмасин хира —
Бўлиб қолгин мангу бокира.

Қасамгуфтор дудоқларга ҳам
Босмагин сен лабингни зинҳор,
Улар сени сотишга тайёр
Ё юраги қорадир ҳар дам.

Мутлақ ҳақсан —
орамиздаги
Айримларга солмайин назар,
Улардан-да айлагин ҳазар,
Илинж эрса мақсадин таги.

* * *

— Истагинг не, кўзим қароғи?
— Қучгин меңи маҳкамроқ, тағин,—
Орамизда ястанган тоғлар
Олислардан берди акс садо.

— Эшитдим мен миш-миш, овоза...
— Дўстим, сенинг шаънингги — тоза
Кўнглим менинг мудом ардоғлар,—
Таралди сас сукунат аро.

Нидо қилдим:

— Севасанми чин?

Жавоб келди:

— Ўзинг англагин —

Сени «Кел!» деб чорлаган чоғлар,
Ташрифинг рад этганимда ё.

Айтгин ўзинг — кимсан, эй шуълам?

Жавоб садо таралди шу дам:

— Кўз ёшиман соғинчингнинг мен,
Шодлигингнинг — масрур тимсоли!

— Қўшиққа сўз бўлсам — мен рози!
— Сен — сўз унга, мен — оҳанг, сози!
Сен — елкансан, мен — шамол майин,
Сен — ташна, мен — чашма мисоли!

* * *

Самолардан, фазогирларим,
Зулмат хилқат — юксақликлардан
Ўрганасиз денгизлар қаърин,
Мовий кўлга боққандек, равшан,

Биламан мен, чапдаст эрларсиз,
Сизларга ҳам лекин, бари бир,
Очгани йўқ бағрини ҳаргиз
Ишқ сирига кон бу қадим ер.

Докторларим менинг, туну кун
Сизга кўрмоқ бўлди мушарраф
Рентген ила инсон юрагин,
Дардларин ҳам бир йўла жамлаб.

Эй, тиббиёт шоҳлари, лекин
Сизга,

мубҳам тўсиқни босиб,
Ошиқ қалбда аёл сиймосин
Бир бор кўрмоқ бўлганми насиб?

Айтиб беринг, қай тахлит, ахир,
Гарчанд ўзи жойлашур кафтга,
Баъзан дунё сизга кетадир
Ороми йўқ митти юракка?

* * *

Тинчлик ҳимояси комитетлари
Мавжуддир дунёда, шоирлар ҳамкор.
Яна турфалари бордирки,
барин
Номларинни санаб бермоғим душвор.

О, ерлик маъбудам,
ёлворгум: мени
Иттифоқингга ол иккиланишсиз.
Севги посбонлари Комитетини
Тузажакмиз тоғли Доғистонда биз.

Ва юксак чўққилар қуршови аро
Иккимиз назорат қилурмиз ҳар чоқ,
Токи аёлларнинг қалбига асло
Жароҳат солмасин ҳар қандай олчоқ.

Қаҳкашонга яқин — само аршида
Кузатиб тургаймиз термулиб бот-бот,
Токи ҳар бир аёл эркак қошида
Ўтдан чўчигандек бўлсин эҳтиёт.

Қачонлардир айтмиш буюк Навоий,
Муҳаббат дардларга малҳамдир, дебон.
Севги ҳимояси Комитетини,
Кейин, бошқарайлик элда икковдон.

* * *

Ернинг тортиш кучин енгиб устувор
Дарё юксалади,

жўшиб туғени.

Шу боисдан ҳамки, бизлар қайта бор
Кечгандек бўламиз ўшал дарёни.

Гоҳо қор қўйнида ям-яшил заранг
Кўрмоққа ноилдир кўзларимиз, ҳа,
Гарчи ҳар бир фасл, кечган ҳар бир дам
Тобедир табиат собит ҳукмига.

Тоғ тоғ-ла учрашмас ақидасин-да
Бизлар тан олмасмиз ошкора, дадил.
Ахир, қовушди-ку қайси бир чоғда
Қалбларимиз — икки чўққидай адил.

Гар тилдан тушмаса куну тун, яккаш,
Ҳар қандай сўздан ҳам тўкилгай оҳор.
Бироқ, дуодаги сўз каби,

ёдлаш —

Севги каломига қилмагай ҳеч кор.

* * *

Ҳаётимда сен-ла танишгунимча
Йўқ эмасди менинг ўз қувончларим.
Бизлар учрашишган кундан сездим мен
Уларнинг майда ва арзимаслигин.

Қачонлардир сен-ла кўришгунимча
Бўларди менинг ўз қайғу-ғамларим.
Бирдан саёзлашиб қолдилар улар
Ёзги Сулак, Қўйсу сувлари каби.

Қувончларим эди ўсмир мисоли,
Қайгуларим эди болага ўхшаш,
Бироқ йитди улар, тоғ одатича —
Қатталарга ёшлар бергандек ўрин.

Эсимда, сен билан учрашгунимча
Битган эдим талай ишқий ғазаллар,
Лекин бирортасин

китобларимга

Киритмадим сен-ла кўришгандан сўнг.

Шундоқ бўлиб келган бурун-азалдан —
Қушлар авжга чиққан бутазор аро
Майда,

булбул учиб келган заҳоти
Унутилиб кетар читтак куйлари.

* * *

Мен ҳам домидаман учқур йилларнинг,
Қувончу ғуссага яшайдирман бой
Ва юртим ҳокига қўшилиб бир кун,
Чўққилар пойидан оладирман жой.

Дунё улкандир ва мен ўз умримда
Утмадим дўстга зор,
ёлғизга ўхшаб.

Кўз юмсам, эҳтимол мотам кунимда
Турфа эл дўстларим келурлар йўқсаб.

Йўл олиб Жанубдан ё Шарқдан шу зум
Ва ёки бегона мамлакатларда —
Ҳар бири қабримга ўз она юртин
Келтирарлар сиқим тупроғини ҳам.

Майли, метни дўстлик ҳаққи, номимни
Ёдлашиб оҳ чекиб қайғудан бир дам
Чўққи остидаги мўъжаз қабримни
Тиклашсин омихта тупроқлар билан.

Аёллар эса,

ҳамд-санолар битиб,
Кўкларга кўтариб, ўзим куйлаган
Ошно булоқлардан зилол сув элтиб,
Ювадилар қабрим тошини у дам.

Олиб келажакдир сайёҳ булутлар,
Туманлар — кўксини босганча ерга,

Чақмоқлар — бегараз яроғдек қутлаб,
Йироқ ўлкалардан саломлар менга.

Ва мен келгуси шан қўшиқлар учун
Бир кун қабрим тоши остидан хушҳол
Ўсиб чиқмагайман мисоли гужум,
Ҳаёт ҳисобида тургум, эҳтимол.

* * *

Бу оқшом мен сенинг хизматингдаман —
Яқин дугонангни илтифот билан
Фонарь ёруғида
хушҳол, бекадар
Ўзатиб қўйгайман, эшиги қадар.

Мана ҳозиргина —
имо этгач сен,
Таксига қўнғироқ этиб қўйдим мен.
Пальтосин тутаман,
мен ўзим ҳам тахт,
Белгиланган вақтда қайтмоқлигим нақд.

Сен эса ухлагин!
Қара, ярим тун!
Юлдузлар не дахли бордир сен учун?
Нега,
ҳеч ақлимга сиғдиролмаيمان,
Сен ҳам менинг билан бормоққа шайсан?

Дугонангни бирга элтмоқдамиз биз.
Унинг ҳурматига, шаънига жоиз —
Ушбу сарин, сархуш паллада асти
Юлдузлар беҳуда чарақламасди...

Юксак тоғлар сирасидаги
Қайси бир тоғ энг ҳайратангиз?
Гап билан иш орасидаги
Тоғча юксак тоғ йўқдир ҳануз!

Бундан фақат дунёдир воқиф:
Гарчи ниҳон ўзи қароғдан,
Бўлавермас ҳар кимга насиб
Ошиб ўтмоқ бу улкан тоғдан.

Аёвсиздир номус ўти ва
Кўтармоқлик мушкулдир доғни,
Улганим саз менинг,
мабода
Ололмасам гар ўша тоғни.

Дарёлар кўп заминда, аммо
Қайси бири нисбатан энг тор,
Зеро ундан одамлар гоҳо
Ўта олмай бўлади абгор?

Биз-чун Умид соҳилидан бот
Ҳаёт сари сузмоқлик осон,
Бироқ Рўёб қирғоғи фақат
Бўла олур манзили имкон.

Елвораман: чорлагин илло
Малул қолсам — юпат эрта-кеч.
...Бахт соҳилин қучмагунча то
Ишонч мени тарк этмагай ҳеч.

* * *

Ер куррасин аҳлига тамом,
Кўзда тутиб на ҳашам, на зеб,
Қилган эди ЮНЕСКО эълон,
Йил — аёллар йили бўлгай, деб.

Довруқ, сози байрамлар барин
Бир-бирига ҳамоҳанг, ўхшаш
Ва йил бўйи курраи замин
Шарафлади аёлни яккаш,

Битилмаган қоидаларга
Амал қилиб, шоирман зотан,
Умрим сарфлаб қасидаларга
Мен аёлни куйладим қалбдан.

Мен-чун унинг ҳар гуфтори ва
Ҳар нигоҳи шу қадар улуғ,—
Бамисоли оддий аскарга
Йшонилган муқаддас буйруқ.
Ҳозирда ҳам,

севги қуёши

Юракларни айларкан ватан
Менинг учун унинг кўз ёши
Аччиқдир ўз ҳасратимдан ҳам,

Сифинмоқлик — урф эмас тайин
Ва сир тутмам дилда ниятни,
Йиллар ўтиб боргани сайин
Куйлагайман илоҳиятни.

Сиймосида мен унинг, зеро,
Кўражакман ҳаргиз миннатдор —
Турфа олис манзиллар аро
Гоҳи — она, гоҳи — мунис ёр.

Ва қайси йил бўлмасин —

замон

Сарҳадида кечаркан, албат,
Қиладирман мен ўзим эълон,
Аёлларнинг йили, деб фақат.

* * *

Баландпарвоз айтилган калом
Беқарорлик рамзидир, аниқ.
Кўзларингга индирмам, деб, ғам,
Мен қасамлар ичгандим ёниб.

Сен дегандинг шунда кулимсаб:
— Унниққайдир онтинг, сўзларинг
Ва, у чоғлар, ўтмишни эслаб,
Балки кўп ёш тўккай кўзларим.

Гоҳ яшиллик,
 гоҳи гужғон қор
Чорлаб ўтди оғуши аро,
Мен эса ўз онтимни такрор
Эсламоқдан чўчидим ҳатто.

Қачонлардир муяссар бўлган
Илк сарафроз сонияни ман
Тўхтатмоққа етмади қурбим
Ва кўзингга ғамлар индирдим.

Ҳамда ўша чоғлардан кушод
Севсам-да мен
 ёниб одатда,
Кўз ёшингда акс этдим бот-бот
Сажда қилиб турган ҳолатда.

* * *

Игали овулида эшитганимдек,
Гўзал аёлни деб кавказлик ошиқ
Учқур тулпорига бергайича эрк,
Ўтармиш-тоғлардан ел каби ошиб.

Дерларки, бир золим, буйруқпараст шоҳ
Сабаб бўлган эмиш дув-дув, миш-мишга,—
У гўзал аёллар қошида ҳар ҳеф
Бошини қуллардай агар эмиш, ҳа.

Жавоб бергин ўзинг,

халис ўқувчим,

Ҳассослик эмасми — севгида мардлик?
Гўзал аёлни деб рақиблар мамнун
Дуэлга чиққанлар қадни тутиб тик.

Бу оқшом ёш иснан дарча ёнида,
Зайтунга суяниб, кўзларида мунг,
Куйлаётир гўзал аёл ҳақида
Куйлагани каби бобоси унинг.

Илк кўклам,

улашар тоғларнинг қорин

Масъум капалакда бор гўзаллик жо.
Фазогир ҳам қўмсаб гўзал нигорин,
Энтикиб қўяди самовот аро.

Ўзим ҳам гоҳи шод, гоҳида маҳзун —
Тўлгандә юрагим қувончга, гамга,

Гўзал аёлларни куйлайман, мафтун,
Зеро шоир бўлиб келдим оламга.

Аёл ҳусни билан зебодир замин,
Файзнок — у сочган нурда, зиёда
Ва мен шу нарсага бўлдимки амин,
Жозибасиз аёл йўқдир дунёда.

* * *

Куйлаганди бир пайтлар Ҳофиз:
— Форс жонони гар этса карам,
Бахш этардим
 холига шу кез
Самарқандни, Бухорони ҳам.

Лекин гўзал демишки кулиб:
— Харид этсанг магар холимни,
Ўлтирмагин савдосин қилиб,
Қайтариб ол арзон молингни.

Шоирлар ҳам суйганларига
Уларнинг бир ғамзаси ҳаққи,
Юлдузларни ипга тизиб ва
Минг ёлвориб этганлар тақдим.

— Ҳады қилманг бизга юлдузни, —
Аёллардан таралади сас.
Меҳр билан эркаланг бизни,
Ишқингизнинг ўзи бизга бас

Ва келтирманг сандиқчада ҳам
Зебу зийнат, бебаҳо олмос,
Биз сизни деб ғусса чеккан дам
Кўз ёшимиз аритинг, холос.

* * *

Рашкчи мавр боз
Бўғмоқ қасдида,
Улар неча бор
Шўрлик Кармен ҳам.

Ғазабин борин
Сочар Хон Гирей:
Энг хушрўй ёри
Бевафо кўпдан.

Жаҳонда йўқки
Бирор театр, —
Бўлсин изи, эрки
Қисмат измида.

Ўтдан хавфлидир
Ишқ можароси,
Қўшмоққа фикр
Режиссёр ожиз.

Раиғ-бараиғ, турфа
Сўзларимиз бор, —
Бу ҳаётдир, ҳа,
Саҳнадамасмиз.

Расмана ҳаргиз
Эзгуликка мос
Ўзни ўйнаймиз
Бугун, эрта ҳам.

Севгидан телба
Бўламиз мудом,
Узни этиб маҳв,
Тиклаймиз тагин.

Режиссёримиз
Ким у — қаттиққўл—
Гулханга тинсиз
Қалар шох-шабба? .

* * *

Сархуш давраларда соғлиқ-чун ҳар чоқ
Лолагун шаробни кўтаргайлар оқ.
Отдай соғломликдан айтинг,
 не маъно —
Юрак ёлғиз эса — муҳаббатсиз, гоқ.

Ишқ учун боякбор ичадирман мен,
Майхўр илҳомига тақлид қилароқ.

Эрку хуррамликни, аёндирки, биз
Жами бойликдан-да қадр этгаймиз,
Лек мен — ишқ тутқуни
 ва азиз менга

Аёллар васлида асирлик ҳар кез.

Яшасин бундаин гўзал тутқунлик,
Дўзах ҳам жаннат — у, соқчиларисиз.

Тилагайлар менга умр — сарафроз,
Асрлар уфқиға айла, деб парвоз.
Бироқ не суд шунча узоқ яшашдан,
Оҳу нигоҳлардан ўқимасам роз!

Менга аёлларсиз кечган умрдан
Аёл ҳузурнда кечган лаҳза соз.

* * *

Жилгалар торлайин куйлар эди шан:
— Ойдин тун яхшидир қаро кундуздан.
Юксак тоғ шафаққа гермулиб,
наста —
Турган ёш чўққига сўйларди аста:
Гарчанд левор тоши кўрамсиз, бироқ
У қабр тошидан кўркам, яхшироқ.
Едимда, косагул улашаркан жом,
Деганди даярада бир улуғ калом:
— Май билан бўялсин, майли, дастурхон,
Тўкилгандан кўра қорга иссиқ қон.
Чеҳраси чандиқли сўбик аскар бот
Унинг пайравига қилганда иршод:
— Азалдан қўрғошин ҳуштаги эмас,
Қалбларни забт этган қалбдан чиққан сас.
Аёлни тоабод қучмоқ яхшидир —
Тутмоқлякдан қилич бандин бир умр.
Майли, аскар учун никоҳ тўшагин
Дала бўронимас, аёл тўшасин,
Ястанган майсага кўз ташлаб пинҳон
Ногоҳ гуфтор қилди шунда бир жувон:
— Чўққилар, майлига, бўлсин оқсоч бош,
Муштоқ этган қаллиқ эса — доим ёш.



Достондан парчалар

ТУҒИЛГАН ЙИЛИМ

Биринчи боб

МЕН ТУҒИЛГАНДА

Тоғлар орасида битта овул бор,
Бўри оғзидаги қўзичоқ монанд.
Қояга ёпишган индай беқарор,
Уйим тоғ четида турар омонат.

Шу ерда туғилмоқ экан насибам.
Шу ердан бошланди умрим сафари,
Шу ердан бошланди, мен сизга айтсам,
Таржимаи ҳолим саҳифалари.

.
Мени туғилди деб ичмадилар май,
Ном ҳам қўймадилар дафъатан менга.
Отам урушларда юрарди бу пайт,
Тўйни ҳам суришди озроқ кейинга...

Куйламадилар мен туғилган чоғда,
Йигитлар шодликдан
Ўқ узмади ҳам.
Эҳтимол, шу куни қайдадир тоғда
Ёвларни қийратди мени деб отам.

Шақилдоқ ҳам олиб бермади биров,
Ё чақмоқ қанд билан қилмади назар.
Кимдир сўнг жанглардан келди-ю, бирров
Ёстиғим остига қўйди бир ханжар.

Ханжарни менга деб йўллапти отам.
«Али» деган исм бор эди тигда.

Нечун қўйди экан Али деган ном?
Бу ном учрамас-ку, бизнинг уруғда?

Бироқ номим билан ғурурим жаҳон.
Али деган жангчи мен туғилган кун
Отамнинг қўлида берган экан жон.
«Али» деб аталдим ана шунинг-чун.

.
Шундай катта бўлдим... Қучиб бешикни
Оналар куйларди бир хил йўсинда.
Мушфиқ волидалар айтган қўшиқни
Қасамдай сақлайман ҳануз эсимда.

«Қайдайдинг, қаён бординг,
Таралла, ялла?»

Йироқмас, ўрмон бордим,
Таралла, ялла!»

«Йироқмас, ўрмон бордим,
Таралла, ялла?»

«Дарахтларни кесдим мен,
Таралла, ялла!»

«Эсинг жойидами, ҳой,
Таралла, ялла?»

«Қурмоқчиман уй, сарой
Таралла, ялла!»

«Уй бўлса, хотин тайёр,
Таралла, ялла!»

«Сенга хотин на даркор.
Таралла, ялла?»

«Ўғил туғиб берар ёр,
Таралла, ялла!»

«Сенга ўғил на даркор,
Таралла, ялла?»

«Ўғлим бўлса, зўр бўлсин,
Бардошли, танги.
Кўзларида ёш чиқсин
Қотиб кулганда.

Лезгинкага ўйнасин,
Эгарга қўниб,
Юлдузларга йўллансин,
Бургутга миниб.

Май тўла мугуз ушлаб,
Кўтарган они
Кўрсатмай у-бу сабаб,
Ичсин тамоми.

Дарёдан балиқ олсин
Қўлин солган дам,
Хуштак-ла тўхтатолсин
Учар қушни ҳам.

Юлиб олсин бирор пат
Қуш қанотидан.
Сўнгра ёзсин шеър у байт
Ўз ҳаётидан.

Қўшиқ ёзсин ундан сўнг
Кўкламда янгроқ.

Сурнай чалсин эрта тонг,
Уйғонсин қишлоқ.

Кийиклар ҳам ўтолмас
Тоққа борсину
Шундай тоғда йўқолмас
Йўллар солсин у.

Сўнг ўйласин оҳуни —
Суюк дилдорни,
Пайтлар келиб, бир куни
Бўлажак ёрни.

Ёр эғнида ярқираб
Турсин либоси.
Қирқ кунгача тинмасин
Тўйлар навоси.

Ўғил туғсин ёри сўнг,
Шоввоз ва ўктам;
Бобосига ўхшасин
Отасига ҳам.

Шунинг учун, ёронлар,
Дейман баралла:
Омон бўлсин ўғлонлар!
Таралла, ялла!»

Бешикка энгашиб куйларди онам,
Аллалаб дер эди менга оҳиста:
Яқинда қайтармиш бузрукворим ҳам,
Амаким келармиш отини қистаб.

Иккови бир кунда келармиш кириб,
Қўйинга тўлдириб турфа хил совға.
Отам мени дарров отга миндириб
Чиндан ўргатармиш жангу синовга.

Менга куйлардилар: «Ботир чиқарсан,
Жангда ёвларингни бир-бир йиқарсан.

Бизнинг ўлкада баҳор,
Қарагин, Али!
Кўчаётир тоғда қор,
Қарагин, Али!

Ариқчалар чалдилар
Қўнғироқ, Али!
Бинафшалар ёқдилар
Гул чироқ, Али!

Қушлар инига қайтди,
Билдингми, Али!
Айиқчани уйғотди,
Билдингми, Али?

Бормоқда дала томон
Шу замон, Али.
Тепангда кўм-кўк осмон,
Осмон, Али.

Кечалари ёп-ёруғ
Ой кезар, Али!
Осмон нур билан тўлуғ,
Дил ёзар, Али!

Ташқарида баҳор, май,
Қарагин, Али!
Ухлагин, шўхлик қилмай
Яйрагин, Али!»

Шундан сўнг тездан мен ухлаб қолардим,
Қайғу аламларим кетарди нари.
Мени ухласин деб онаи зорим
Бешикни пойларди тун-кечалари.

О, аёл қисмати оғир қанчалар!
Кошки, айтганингиз тезгина келса!
Қўлидан иш келмас бу жинқарчалар
Отаси йироқда, урушда бўлса...

Болалар мунграшар, овқат ейман дер,
Йўқ эди, аксига, бир бурда ҳам нон!
Ушанда аҳволинг эди кўп оғир,
Мен англаб турибман, кечир, онажон!

Иккинчи боб

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ КУТИБ ОЛИНИШИ

На баҳор,
На узоқ-яқин, дўсту ёр,
Оналар тушига кирди бу сафар.
Кўз юлмаган бўлса туш кўрмас зинҳор,
Нимани ҳам кўрсин ухламаганлар?

.
Ҳаммаёқ тозадир, ҳаммаёқ шинам...
Дақиқа, дақиқа имиллаб ўтар.
Бугун, мен билмадим, қанақа байрам,
Уйимиз қанақа меҳмонни кутар?

Онам тишга чиқди мен билан дарров,
Шамол дуррасини тортқилар нуқул.
Нима бу? Атрофга боқсам — бой-баёв!—
Бус-бутун томларга чиқипти овул.

Ҳамма ишин қўйиб ошиқар томга
Тепадан йироқлар кўринар аён.
Баланд томимизда турган онамга
Олис ҳам кафт каби эди намоён.

.
Тоғнинг этагида судралар эди
Қоялар ичидан чиқиб келган йўл.
Шу ёқдан бир қўшиқ таралар эди,
Қўшиқдан гупириб кетарди кўнгил.

ПАРТИЗАНЛАР ҚУШИҒИ

«Бизлар ёвга беаёв,
Тумтарақай қочди ёв,
Ҳар бири қидириб дара, ўр-қирни.
Шамшир ялтиллар жуда,
Кўзи бўлса кифтида
Қуёнлар кўрарди бизнинг шамширни.

.
Келган инглизнинг бари
Макон тутмиш ер қаърин,
Маймунлар йиғлайди бундайн ҳолга.
Биронтаси соғ қолса,
Уйига етиб олса,
Барини гапириб берар қиролга.

Биз ёвларга сурдик от.
Титраганин коинот,
Атаманлар мутлоқ унутишмасди.
«Ура»лар шиддатин ҳам,
Жанг-жадал ҳиддатин ҳам,
Бизнинг ўқимиздан ўлмаса асли!»

* * *

Уйимиз ёнида
Турарди онам,
Боққиси келмайин ёруғ жаҳонга.
Қуёш қоялардан ўтиб ушбу дам
Юмалаб борарди Гуниб томонга.

Отам дарвозани очиб кирган йўқ,
Мени ҳам бағрига босмади, ҳайҳот!
Кимсасиз ҳовлида ҳеч ким юрган йўқ,
На суворий бордир, на-да учқур от.
Отамиз қайдадир?
Айтинг, қайдадир?
Кўз ёшин артади аста онамиз.
Нега қайтмайдикин амаким ахир?
Биз энди совғани кимдан оламиз?
Бу нима деган гап?
Бу нима бало?
Алдашиб келдими бизни йил бўйи?
Тушларим — тушлар-ку, ростмасми ҳатто
Онамнинг «Алла» деб аталган куйи?

Қоқиниб ўтади кимнингдир оти —
Биқинига ботиб узанги зарби,
Кимнидир чакмонга ўрашиб олиб,
Олиб боришмоқда бир буюм каби.

Даҳшатли кўринар моматалоқ юз!
Сенга нима бўлди, эй, жасур ўғлон?
Отамнинг укаси, амаким, эссиз,
Шундай қарши олди сени хонадон!

.
Ўшанда ёшимга етмаган эдим.
Шундай, менинг билан юз кўришмасдан
Жангчи ҳуррият деб жувонмарг кетди,
Шундай қарши олди сени хонадон!

Сен ҳалок бўлдингу фидокор ўғлон,
Қўрқмас, ботирлигинг баёни қолур.
Сен ҳалок бўлдингу лекин, қаҳрамон,
Буюк жасоратинг достони қолур.
Мана, ғанимларни қийратган қурол,
Черкасканг осиглиқ деворда, мана.

Бу менга энг яхши совга, эҳтимол,
Эҳтимол шу ҳақда куйларди она...

Учинчи боб

Қ У Ш И Қ

«Тун-кечада увлайди шамол,
Кимдир чертар дарчани беҳол.
Бу ёмғирдир, сен эмассан, йўқ.

Ғийқиллатиб қай кимдир мана
Дарвозани очар расмана.
Бу шамолдир, сен эмассан, йўқ.

Тезроқ борай болаларга деб,
Ота келар чопиб, энтикиб.
Бу лочиндир, сен эмассан, йўқ.

Тоғу тошни кўймоққа оққа,
Оқ пўстинли бобо келмоқда.
Бу қаҳратон, сен эмассан, йўқ!

Тунга бепарқ, кундузга бепарқ
Суворий ҳам ўтар мисли барқ.
Бу замондир, сен эмассан, йўқ.

Аёз кетар, ловиллар қуёш,
Қуримайди аламли кўз ёш.
Қуритгунгдир фақатгина сен.

Қуёш ёнди, ўтиб кетди ёз,
Ҳануз, ҳануз қалбимда аёз.
Иситгунгдир уни фақат сен».

Тўртинчи боб

Э Р К

Эрк — ёғду. Эрк — орзу

*Доғистон партизанларининг
қўшиғидан*

У ҳақда оқимлар куйлади ёниб,
Шамоллар ҳам уни куйлаб ўтдилар.
Болалар бешикда «Эрк» деб уйғониб
Она алласига қулоқ тутдилар.

У ҳақда сўйлайди қўштиғли ханжар,
Сўйлар ўғлонларнинг шарафли номи.
Уни соғинганди минг йиллар қадар
Чўпоннинг қўшиғи, бахши илҳоми.

Чоллар ҳам қиличга тутди бошини,
«Эрк» дея йигитлар кечди жонидан.
Ўғлига васият қилдилар уни
Оталар дунёдан кетар онда.

Минг йиллар тилаги эди асли у,
Боши йўқ, тугамсиз қўшиқ эди-да!
Эрк — ёғду. Кўзимга тушсин деб ёғду,
Одамлар кўр бўлди унинг кетида.

Замонлар оқдилар.

Тинмади ҳаёт.

Эрк учун курашнинг ўзга йўлида,
Тоғда етишмоқда ўзга бир авлод
Кўҳна орзуларни сақлаб дилида.
«Аврора» садоси мағрур, муҳташам
Титроқ солганида эски дунёга,

Бутун мамлакат-ла бизнинг тоғлар ҳам
Акс садо қайтарди ушбу садога.

Шунда тоғлиқлар ҳам қолди ўйлашиб,
Эрк — бор гап экан-да, дейишди бари.
Совет Россияси тоғу тош ошиб
Уларга чўзганди ёрдам қўлларин.

Бу эрк оқ подшонинг амримас зинҳор,
Министр, элчилар инъомимас у.
Пахтали камзуллик денгизчики бор,
Будёновка кийган эрлар иши бу!

Эрк келди ниҳоят она юртга ҳам,
Тоғлиқлар ўзларин бахтиёр сизди.
Эрк — орзу!

Эрк дея бошланди бу дам
Тоғлиқ камбағаллар биринчи съезди.

* * *

Бу съездга одамлар тўпланди бисёр,
Саҳнада товланар кузак гуллари.
Залга қарасангиз кўринарди тор,
Зўрға сиққан эди съезд вакиллари.

Халқнинг вакиллари йиғилди бунда,
Дубулға попоқлар эди қанчалар.
Чорвадор ўлтирар, қўшчи ҳам шунда,
Мана милтиқ тутиб олган жангчилар.

Эҳтимол шу съездда лезгин билан лак
Дўстлардай ўлтирар биринчи марта.
Тоғ қизи ҳаётни чамалаб бўлак,
Ўлтирар юзига тутмасдан парда.

Дўстлик тантанаси бўлди бу аини,
Қиз-жувон, қари-ёш бари ёнма-ён.
Бунда душманларга нафрат қайнайди,
Бунда Россияга ихлос намоён.

Саҳна дубулгаю попоқ-ла тўлган,
Саҳнада ҳилпирар алвон байроқ ҳам,
Саҳнададир Ленин тасвир этилган
Микрахлик аёллар тўқиган гилам.

Совет Россияси бошлар нур сари,
Зулм кўрган элларни мисоли ботир.
Илк бора — одамлар англашди бари —
Илк бора орзулар ушалаётир.

Халқ энди зулматда яшамас мутлоқ,
Қамчидан елкаси қабармас бошқа.
Совет Россияси — порлаган маёқ,
Одамлар юзини бурди қуёшга.

Гулдурос қарсақлар бўлди кетма-кет.
Ишчи-деҳқонларнинг кулди чеҳраси.
Нарком эълон қилиб, деганда: «Совет —
Доғистон Автоном республикаси!»

Бу сўзлар элатдан-элатга кўчди,
Донғи Доғистонга ёйилди тамом.
Тоғликлар бир-бирин табриклаб қучди,
Тилларида ўша табаррук калом.

Ошиб чўнг қоядан, сарбаланд тоғдан
Большевиклар сўзи етиб келган он,
Ут ёнгандай бўлди ўчган ўчоқда,
Андак исингандай бўлдик, онажон...

Ҳали гўдак эдим, барра қўзичоқ,
Англаб етмагандим нимадир нола.
Томдан сакраб тушмоқ, деворга чиқмоқ —
Бундан бошқасини биларми бола?!

Бир ёшга тўлдим мен, хархашам катта,
Ахир гўдакнинг ҳам ўз қайғуси бор.
Нон дейман, андиша йўқ-ку албатта,
Нон дейман, барига болалик айбдор.

Аммо бола борар таниб эсини...
Отам тиззасида ўлтириб ҳар кеч
Туғилган йилимнинг ҳикоясини
Тинглашдан, тинглашдан эринмасдим ҳеч.

Сўнг эса кўрпага ўранар эдим,
Кечалар ухламай чиқардим сира.
Хаётим саҳнида айланар эди
Туғилган йилимдан қолган хотира...

Шунда англадимки, йўқ бошқа чорам,
«Ёз, барин» демакда қалб ила виждон,
Отам нима кўрди, не деди онам...
Хуллас, шу тахлитда бошладим дoston.

Яна у йилларни эсларкан бугун
Бу гапнинг мағзини чақаман қайта.
Ота, ҳақ экансан! Мен эса мамнун,
Шаънингга ташаккур айта ва айта.

Мен қандай бахтлиман, гирдоблар оша
Фақат тўғри йўлдан ташладинг қадам!
Чинакам коммунист эдинг ҳамиша,
Коммунист бардоши сендайди, отам!

... Цехлар бунёд этдик. Гул қилдик чўлни,
Қадим она-Ерни айладик чаман.
Бизлар ҳам орқалаб бир неча йилни
Ўйга келолмадик вақтида, баъзан.

Уруш бошланганда дилларни эзиб
Ракеталар кўкка солишганда из,
Кулга исинай деб қўлларни чўзиб
Ўчоқлар олдида ўлтирмадик биз!

МУНДАРИЖА

*Доғистон лочинининг парвози. *Н. Шукуров* . 5

ШЕЪРЛАР

| | |
|---|----|
| *Ватан ҳақида. <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> . | 13 |
| *«Мен йиғладим уч бор дунёда...» <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 16 |
| *Доғистонга. <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> . . | 18 |
| *«Илк мўъжиза тоғ деб биламан...» <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 19 |
| *Каспий. <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 20 |
| *«Севадирман алвон...» <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 21 |
| *Доғистонимга. <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> . | 23 |
| *«Доғистоним...» <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> . | 25 |
| *«Қушқанотли, ҳой, карвон...» <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 26 |
| *Кичик халқим, севаман сени. <i>Миразиз Аъзам таржимаси</i> | 28 |
| *Гилам. <i>Миразиз Аъзам таржимаси</i> | 29 |
| *Она тилим. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> | 30 |
| *Шомил. <i>Эркин Воҳидов таржимаси</i> | 32 |
| *Аймоқларим ҳақида. <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 35 |
| *Айланаркан токи ер шари. <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i> | 37 |
| *«Ер шари, бу — олтин беланчак». <i>Шукур Қурбонов таржимаси</i> | 39 |

| | |
|---|----|
| *Ҳаёт. <i>Шукур Ҷурбонов таржимаси</i> | 41 |
| *Тилакларим. <i>Шукур Ҷурбонов таржимаси</i> | 43 |
| *Янги хушxabарлар тилайман сизга. <i>Шукур Ҷурбонов таржимаси</i> | 45 |
| *«Шошмагил, йўловчи...» <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 47 |
| *Бемор ўғил бошида она айтган қўшиқ. <i>Машраб Бобоев таржимаси</i> | 48 |
| *Болалар. <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 49 |
| *Турналар. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 50 |
| *Ҳожимуроднинг беш қўшиғи. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 52 |
| *«Сўқмоқ йўлдан бориш қийин...» <i>Барот Исроил таржимаси</i> | 54 |
| *Дўстларни қадрланг. <i>Барот Исроил таржимаси</i> | 55 |
| *«Илк бора янглишсанг...» <i>Барот Исроил таржимаси</i> | 57 |
| *Агар қўноқ бўлсанг. <i>Барот Исроил таржимаси</i> | 58 |
| *Унутиб бўлмас. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 59 |
| *Шу ҳам эркакми? <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 61 |
| *Эркаклар. <i>Тоҳир Қаҳҳор таржимаси</i> | 63 |
| *Қўрқоқ эркак ҳақида хотинлар қўшиғи. <i>Тоҳир Қаҳҳор таржимаси</i> | 65 |
| *Дўзах. <i>Нурилла Остонов таржимаси</i> | 67 |
| *Гуноҳ ва жазо. <i>Нурулла Остонов таржимаси</i> | 70 |
| *Хушомадга учманг. <i>Тоҳир Қаҳҳор таржимаси</i> | 72 |
| *Кечир. <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 73 |
| *Кўмак беринг. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 74 |
| *Аёл билан. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 76 |
| *«Юртим — тоғ қизларининг...» <i>Нурилла Остонов таржимаси</i> | 77 |
| *Булбул қўшиғи. <i>Эргаш Муҳаммад таржимаси</i> | 78 |
| *Шерзода. <i>Юсуф Шомансур таржимаси</i> | 79 |
| *Собиқ дўстимга. <i>Юсуф Шомансур таржимаси</i> | 80 |
| *Онамга. <i>Машраб Бобоев таржимаси</i> | 82 |

| | |
|---|-----|
| *Она. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> : | 84 |
| *«Бизларда нимаики бўлса...» <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 85 |
| *Лаклар. <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 86 |
| *«Тоғликлар нақлича...» <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 88 |
| *Шеъроят. <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 89 |
| *Ёш шоирга. <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 90 |
| *Оҳ, лаззат. <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 91 |
| *Қўрқоқ. <i>Нуриддин Шукуров таржимаси</i> | 92 |
| *«Сизни ўқиб-ўқиб...» <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 93 |
| *Аёл юки. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 95 |
| *Чол қўшиғи. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 97 |
| *«Даркор эмас менга дорию ҳаким...» <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 99 |
| *Фарзандлар. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 100 |
| *Овчининг қилиғи менга ярашмас. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 101 |
| *Тоғлик кексалар. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 103 |
| *Тоғдан кўчган тоғликларга. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 106 |
| *«Бир оқил кишини...» <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 108 |
| *Севимли аёлларнинг номи. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 109 |
| *Биздан дуруст. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 111 |
| *Биз — йигирма миллион. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 112 |
| *Тоғликлар Ленин ҳузурида. <i>Раззоқ Абдурашид таржимаси</i> | 115 |
| САККИЗЛИКЛАР, ТҶҲҲҲЛИКЛАР, БИТИКЛАР | |
| *Шошилмай ёздилар боболар...» <i>Мамарасул Бобоев таржимаси</i> | 121 |

| | |
|--|-----|
| «Умрим — гилам...» <i>Мамарасул Бобоев таржимаси</i> | 121 |
| «Қўшним бир қиссани...» <i>Мамарасул Бобоев таржимаси</i> | 122 |
| «Менинг қалбим...» <i>Мамарасул Бобоев таржимаси</i> | 122 |
| «Болалар йиғлайди...» <i>Мамарасул Бобоев таржимаси</i> | 122 |
| *«Кунларни эслайман...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 123 |
| *«Баҳор сафо...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 123 |
| *«Хатлар ёзмайди дўстим...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 123 |
| *«Тоғда кулранг туманда...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 124 |
| *«Уйғотди хуш тонг...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 124 |
| *«Нотаниш бекатлар...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 124 |
| *«Биламиз — умр иши...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 125 |
| *«Одамлар туш кўрар...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 125 |
| *«Зўр бир қўнғироқни...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 125 |
| «О, сен ҳаёт тонги!» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 126 |
| *«На моҳи талъатсан!» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 126 |
| *«Гоҳ ғувлаб киради...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 126 |
| *«Жуда қувонганлар...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 127 |
| *«Гарчи ширин эмас...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 127 |
| *«Юрагим ёнмоқда...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 127 |
| * Уғилнинг насаби...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 128 |
| *«Билса эдинг мен ҳақда...» <i>Мирзо Кенжабоев таржимаси</i> | 128 |

| | |
|--|-----|
| * «Мен йўлларга зорландим...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 128 |
| * «Май — ўтлар кўкарди...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 129 |
| * «Эй, тун, қачон...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 129 |
| * «Агар уйда сўз бошласам...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 129 |
| * «Разолатнинг сиёғи...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 130 |
| * «Саккизликлар...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 130 |
| * «Нега алдаб, яширмоқ...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 130 |
| * «Эстон! Қўмиқ!...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 131 |
| * «Агар бизнинг тоғ...» <i>Мирзо Кенжабоев таржимаси</i> | 131 |
| * «Қирғоққа талпинар...» <i>Мирзо Кенжабоев таржимаси</i> | 131 |
| * «Пўстинларин елвагай...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 132 |
| * «Айтгил-чи, эй, бизнинг...» <i>Мирзо Кенжабоев таржимаси</i> | 132 |
| * «Мангу туюлмайдими...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 132 |
| * «Қадрдон юртимдан...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 133 |
| * «Мен ҳали олови...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 133 |
| * «Нега сукутдасан...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 133 |
| * «Жилға тошар...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 134 |
| * «Денгизнинг ортида». <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 134 |
| * «Яна она-Ватан...». <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 134 |
| * «Бу — жаннатмас...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 135 |
| * «Тик чўққилар...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 135 |

| | |
|--|-----|
| * «Мен ўз юртимда...» <i>Мирзо Кенжабоев таржимаси</i> | 135 |
| * «Қайтдим. Мана, тоғлар...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 136 |
| * «Турибман бобомнинг...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 136 |
| * «Овулдошим, ёвқур йигитнинг» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 136 |
| * «Уруш мендан айирган...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 137 |
| * «Оловларда ёнган...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 137 |
| * «Йигитлар бир жанжал...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 137 |
| * «Тоғлик аёл, нечун...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 138 |
| * «Доғистоннинг тоғлари аро...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 138 |
| * «Келяпсиз учиб қайлардан...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 138 |
| * «Жаҳл келса...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 139 |
| * «Йигирма йилдирким...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 139 |
| * «Дунё кездим, кўрдим...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 139 |
| * «Бу дунё кемадир...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 140 |
| * «Яралишдан сал олдин дунё...» <i>Омон Матжон таржимаси</i> | 140 |
| * «Янги ва зўрроқ...» <i>Мирзо Кенжабоев таржимаси</i> | 140 |
| * «Бунда тоғлар нақадар...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 141 |
| * «Нима бордир, эскирар...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 141 |
| * «Тунлари кўксимга...» <i>Хуршид Даврон таржимаси</i> | 141 |

| | |
|---|-----|
| *«Одамлар, судралиб...» Хуршид Даврон таржимаси | 142 |
| *«Ҳаттоки дунёда...» Хуршид Даврон таржимаси | 142 |
| *«Қайғурасан, сукут сақлайсан...» Хуршид Даврон таржимаси | 142 |
| *«Одамлар, биз тонгда...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 143 |
| *«Тоғларда абадий...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 143 |
| *«Бўлса ҳам бебаҳо...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 143 |
| *«Не дейсан сен...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 144 |
| *«Шуҳрат, тирикларга...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 144 |
| *«Қандоқ яшаяпсиз...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 144 |
| *«Дўстим, сен андилик...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 145 |
| *«Майса узра чўзилиб...» Хуршид Даврон таржимаси | 145 |
| *«Гоҳо мен буркасиз...» Хуршид Даврон таржимаси | 145 |
| *«Уч муқаддас қўшиқ...» Хуршид Даврон таржимаси | 146 |
| *«Физиклар аро ҳам...» Хуршид Даврон таржимаси | 146 |
| *«Қадимда кутарди...» Хуршид Даврон таржимаси | 146 |
| *«Қора тунда эшик...».. Хуршид Даврон таржимаси | 147 |
| *«Қозон қайнар...» Хуршид Даврон таржимаси | 147 |
| *«Ҳанжарнинг дастаси...» Хуршид Даврон таржимаси | 147 |
| *«Уйим остонасин...» Хуршид Даврон таржимаси | 148 |

| | |
|--|-----|
| * «Чексиз кўкда бургут...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 148 |
| * «Бу эртакка ишонишар...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 148 |
| * «Қора қарга учар...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 149 |
| * «Бу дунёда ширинроқ...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 149 |
| * «Фолбин хотин...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 149 |
| * «Елкаларим эди менинг оқ...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 150 |
| * «Мағрурланма, эй, вақт...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 150 |
| * «Биз билан заминда...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 150 |
| * «Умрнинг китоби гўзал...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 151 |
| * «Кўряпсанми, йигит...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 151 |
| * «Болаликни кўраман...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 151 |
| * «Ёмғирли кун дарчадан...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 152 |
| * «Кўрга атроф қора туюлса...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 152 |
| * «Улғаяру учиб кетар қуш...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 152 |
| * «Деразам ортида ёмғирлар...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 153 |
| * «Кўтарса-да гарчи...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 153 |
| * «Эй, елкадор одам...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 153 |
| * «Қайғую шодликни кўрганман...» <i>Хушид Даврон таржимаси</i> | 154 |

| | |
|---|-----|
| * «Зим-зиё демагин...» Хуришд Даврон таржимаси | 154 |
| * «Барчамиз. ўламиз...» Хуришд Даврон таржимаси | 154 |
| * «Отам тулпорини беринглар...» Хуришд Даврон таржимаси | 155 |
| * «Инсон дилидаги қора туйғулар...» Хуришд Даврон таржимаси | 155 |
| * «Ҳар ўтган кун бир дарахт...» Омон Матжон таржимаси | 155 |
| * «Улғаяркан болалар беғам...» Омон Матжон таржимаси | 156 |
| * «Тонг билан шом...» Омон Матжон таржимаси | 156 |
| * «Йигирманчи аср тунд...» Омон Матжон таржимаси | 156 |
| * «Ёмғирли кун денгиз бўйида...» Омон Матжон таржимаси | 157 |
| * «Бош чайқайди олим асабий...» Омон Матжон таржимаси | 157 |
| * «Қийин эмас дарддан ёш тўкмоқ...» Омон Матжон таржимаси | 157 |
| * «Қайда кўрма, нолигани...» Омон Матжон таржимаси | 158 |
| * «Шамол ерни олса забтига...» Омон Матжон таржимаси | 158 |
| * «Ҳали мутлоқ зўр билимдон...» Омон Матжон таржимаси | 158 |
| * «Худди поездлардек келамиз...» Хуришд Даврон таржимаси | 159 |
| * «Сиз нени кутяпсиз...» Мирзо Кенжабоев таржимаси | 159 |
| * «Кўп мардларни даврон шафқатсиз...» Омон Матжон таржимаси | 159 |
| * «Катхудо бир одам...» Омон Матжон таржимаси | 160 |
| * «Сафар тортиб хорижда...» Омон Матжон таржимаси | 160 |

| | |
|--|-----|
| * «Урроқ жой танладим...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 160 |
| * «Озмунча битдимми...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 161 |
| * «Олисидаги чўққи ҳам...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 161 |
| * «Ўт ёнади ўчоқда...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 161 |
| * «Кузатганман неча бор...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 162 |
| * «Мен қари сайёдман...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 162 |
| * «Тансиқ сўзни чорламайман...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 162 |
| * «Яшаб ўтган мозийда...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 163 |
| * «Ҳўл латта, ниналар...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 163 |
| «Йўлга чиқсанг, қоқнон ол...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 163 |
| * «Товон тилар зиғирчалик санг...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 164 |
| * «Шоирлар бор — фарзанди замон...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 164 |
| * «Кечикиб келади...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 164 |
| * «Шеърят, мазлумга ҳомийлик...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 165 |
| * «Шеърларим ҳабашиман...» <i>Муҳаммад Раҳмон таржимаси</i> | 165 |
| * «Наҳот қаҳрамонлик...» <i>Нурилла Остонов таржимаси</i> | 165 |
| * «Унутибсан куйлашни...» <i>Нурилла Остонов таржимаси</i> | 166 |
| * «Чўпонлардек турар чўққилар...» <i>Нурилла Остонов таржимаси</i> | 166 |

| | |
|---|-----|
| * «Сўйла, денгиз нечун шўрсан...» Нурилла Остонов таржимаси | 166 |
| * «О, тоғ бургутлари...» Нурилла Остонов таржимаси | 167 |
| * «Туғилганмиз қувончли дамлар...» Нурилла Остонов таржимаси | 167 |
| * «Ғийбат, бўҳтон...» Нурилла Остонов таржимаси | 167 |
| * «Қайдасан, бахт...» Нурилла Остонов таржимаси | 168 |
| * «Далаларнинг кўксини тилиб...» Нурилла Остонов таржимаси | 168 |
| * «Ҳиндларнинг нақлига кўра...» Машраб Бобоев таржимаси | 168 |
| * «Савол берсам дейман...» Машраб Бобоев таржимаси | 169 |
| «Мен қуёш ўрнида бўлсам...» Юсуф Шомансур таржимаси | 169 |
| «Амру фармонингга тайёрман...» Юсуф Шомансур таржимаси | 169 |
| «Сеҳру мўъжизага ишонмайман...» Юсуф Шомансур таржимаси | 170 |
| «Эрта келган меҳмон эрта кетади...» Юсуф Шомансур таржимаси | 170 |
| «Шуҳрат қозонмоқлик қийин эмасдир...» Юсуф Шомансур таржимаси | 170 |
| «Кекса олча тагида...» Юсуф Шомансур таржимаси | 171 |
| «Болгарияда битган алвон атиргул...» Юсуф Шомансур таржимаси | 171 |
| * «Гарчанд бу қиссанинг тарихи...» Нуриддин Шукуров таржимаси | 171 |
| * «Жаҳон кезиб қайтсам...» Нуриддин Шукуров таржимаси | 172 |
| * «Бир вақтлар тошларга...» Нуриддин Шукуров таржимаси | 172 |

| | |
|---|-----|
| * «Кечагина менга севимли бўлган...» Нуриддин Шукуров таржимаси | 172 |
| * «Дунёда тартиб йўқ...» Нуриддин Шукуров таржимаси | 173 |
| * «Бўронсиз, курашсиз, тинч...» Нуриддин Шукуров таржимаси | 173 |

Тўртликлар

| | |
|--|---------|
| *1—17. Муҳаммад Раҳмон таржимаси | 174—177 |
| *18—30. Нуриддин Шукуров таржимаси | 177—179 |

Битиклар

| | |
|---|-----|
| *Бешиклардаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 180 |
| *Ханжарлардаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 181 |
| *Шох-қадаҳлардаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 185 |
| *Учоқлардаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 188 |
| *Йўл ёқаси тошларидаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 190 |
| *Балхар кўзаларидаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 192 |
| *Сакля устунларидаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 193 |
| *Қоялардаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 194 |
| *Қабртошлардаги битиклар. Турсун Али таржимаси | 195 |
| *Эшиклар ва дарвозалардаги битиклар. Нуриддин Шукуров таржимаси | 199 |

ТОҒ ЭЛЕГИЯЛАРИ

| | |
|---|-----|
| * «Дмитрий Гулиа, чин дўстлик боис...» Мирнўлат Мирзаев таржимаси | 203 |
| * «Мозий — ўтмиш чоғларда...» Мирнўлат Мирзаев таржимаси | 204 |

| | |
|---|-----|
| * «Тарихда шон қучган португал...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 205 |
| * «Сулувлар бўй етган пайт...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 206 |
| * «Дилимда ишқ ўти...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 207 |
| * «Севги қаршисида ёришди...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 209 |
| * «Зинҳор таъна этсам мен...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 210 |
| * «Хайр,— дер ўкинч, алам...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 211 |
| * «Хасис измин тутма, муҳаббат...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 213 |
| * «Истагинг не, кўзим қароғи...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 214 |
| * «Самолардан, фазогирларим...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 215 |
| * «Тинчлик ҳимояси...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 216 |
| * «Ернинг тортиш кучин...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 217 |
| * «Ҳаётимда сен-ла танишгунимча...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 218 |
| * «Мен ҳам домидаман...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 219 |
| * «Бу оқшом мен сенинг...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 221 |
| * «Юксак тоғлар сирасидаги...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 222 |
| * «Ер куррасин аҳлига таъом...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 223 |
| * «Баландпарвоз айтилган калом...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 225 |
| * «Игали овулида эшитганимдек...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 226 |

| | |
|--|-----|
| *«Куйлаганди бир пайтлар...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 228 |
| *«Рашкчи мавр боз...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 229 |
| *«Сархуш давраларда...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 231 |
| *«Жилгалар тордайн...» <i>Мирпўлат Мирзаев таржимаси</i> | 232 |
| *Туғилган йилим (достондан парчалар) <i>Муҳаммад Али таржимаси</i> | 235 |

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. (Тарж.)

На узбекском языке

*«Библиотека Дружба»
Поэзия народов СССР*

РАСУЛ ГАМЗАТОВ

ДЕТИ ОДНОГО ДОМА

Стихи, восьмистишия, четверостишия, надписи,
горские элегии, отрывки из поэмы

Редактор *М. Аззам*

Рассом *А. Кива*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техр. редактор *Е. Потапова*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 1670

Босмахонага берилди 20.07.81. Босишга рухсат
этилди 10.02.82. Формати 70×90^{1/32}. Босма-
хона қоғози № 3. Мактаб гарнитураси. Юқори
босма. Шартли босма л. 9,65. Нашр л. 8,3 Тира-
жи 10000. Зак. № 524. Баҳоси 1 с. 20 т.

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти. Тошкент, 700129. Навой кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва ки-
тоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тош-
кент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш
бирлашмаси. Тошкент, 1-босмахона, Ҳамза кў-
часи, 21.

Ҳамзатов, Расул.

Бир хонадон фарзандлари: Шеърлар. Саккизликлар. Тўртликлар. Битиклар. Тоғ элегиялари. Достондан парчалар / Редкол.: С. О. Азимов ва бошқ.; Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи: Н. Шукуров.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.— 264 б.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари шеърияти.)

Доғистон халқ шоири, Ленин мукофоти лауреати Расул Ҳамзатовнинг номи бутун совет кишилари қатори ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш. Унинг китоблари ўзбек тилида илгари ҳам нашр этилган.

Мазкур тўпламга шоирнинг турли йилларда ёзган шеърлари, жумладан, «Тоғ қўшиғи», «Саккизликлари», «Тўртликлари», «Битиклари», «Элегиялари» саралаб киритилди. Шунингдек тўпламдан шоирнинг «Туғилган йилим» дostonидан парчалар ҳам ўрин олган.

Ҳамзатов, Расул. Дети одного дома. Стихи. Восьмистишия. Четверостишия. Письмена. Горные элегии. Отрывки из поэм.

С(Даг)